

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
*УДК: 30.564.22:001.57(575.1)*

**САЛАЕВ ЖАСУРБЕК КОМИЛОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЛИЗИНГ  
ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ  
(Хоразм вилояти мисолида)**

5А 340102 - Тармоқлар иқтисодиёти (сув хўжалигида)  
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:  
и.ф.д. Э.Ж. Юсупов

---

# Тошкент – 2012

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	3
<b>I БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АГРАР СОҲАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ</b>	11
1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳани модернизациялашнинг зарурияти ва унда лизинг хизматларининг тутган ўрни ва ижтимоий-иқтисодий моҳияти	11
1.2. Лизинг хизматларини ташкил этишнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари	20
1.3. Ўзбекистонда лизинг хизматларини тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	31
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	38
2.1 Миллий иқтисодиётда лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий- иқтисодий омиллари ва уларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш	38
2.2 Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашда лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	49
2.3. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизациялашда лизинг хизматлари бозори ривожланишининг асосий йўналишлари	56
<b>III БОБ. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ</b>	64
3.1. Хоразм вилоятида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати тахлили	64
3.2. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари	76
3.3. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизация қилишда лизинг хизматларининг ролини оширишнинг истиқболлари	83
<b>ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ – ИҚТИСОДИЙ ИНКИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙУЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ</b>	
<b>АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ</b>	
<b>ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ</b>	
<b>ХУЛОСА</b>	
<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ</b>	99
<b>ИЛОВАЛАР</b>	105

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз мустақиллигининг илк даврларидан бошлаб иқтисодиётимизнинг барча тармоқларидаги каби етакчи тармоқлардан бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам иқтисодиётни техник ва технологик модернизациялаш, бунда лизинг хизматлари бозори имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи ҳукуратимиз олдида турган устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Албатта, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш масалаларини инвестицияларсиз, фаол инвестиция сиёсатисиз ҳал қилиб бўлмайди. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов мамлакатимиз инвестиция салоҳиятининг йил сайин ошиб бораётганлигини ва инвестицияларнинг иқтисодиётимиз учун аҳамиятини қайд этган ҳолда, “Ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди” деб таъкидлайди.

Бугунги кунга келиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини, бевосита лизинг хизматларини кўллаб-қувватлаш борасидаги республикамиз ҳукуратининг изчил иқтисодий сиёсати туфайли мамлакатимизда лизинг хизматлари бозори кенгайиб бормоқда. Жумладан, 2005 йилда Ўзбекистонда лизинга берилган мол-мулк ҳажми 90,6 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан қарийб 5 баробар ошиб, 430,3 млрд.сўмга етган.

Шу билан бирга, лизинг хизматларини замонавий талаблар асосида ривожлантириш борасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудлигини Республикаимиз Президенти И.А.Каримов алоҳида кўрсатган: “...нафақат мамлакатимиздаги, балки хорижий мижозларнинг ҳам ишончини қозона оладиган юқори малакали лизинг компаниялари ва бозор

инфратузилмаси бошқа хизматларининг молия бозорида етакчи мавқега эга бўлиши учун ҳали кўп иш қилишимиз лозим ”.

Дарҳақиқат, давлатимизнинг аграр соҳада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини ошириш сиёсати амалга оширилаётган бугунги кунда республикаимиз қишлоқ хўжалигида лизинг хизматлари бозорининг тизим сифатида шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш, республикаимиз ҳамда минтақаларда қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, хусусан, тизимни бошқариш, унинг меъёрий-ҳуқуқий замини, инфратузилмаси, солиққа тортиш масалаларини чуқур таҳлил қилиш орқали соҳани янада жадал ривожлантиришга имкон берадиган илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш республикаимиз иқтисодиёт фани олдида турган муҳим муаммолардан ҳисобланади ва тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётни, хусусан, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизациялаш ва лизинг хизматларини ривожлантиришнинг назарий-услубий муаммолари хорижлик олимлардан Е.Чекмарева, Л.Прилуцкий, Н.Адамов, А.Тилов, В.Букато, Ю.Львов, Д.Трынин, Ч.Кемпирбаева, Е.Кабатова, В.Газман, В.Горемыкин каби олимларнинг илмий ишларида лизинг муаммолари кенг ёритилган.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик иқтисодиётини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашда лизинг муносабатларининг ролини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг бир қатор асарлари ва нутқларида баён этилган. Бундан ташқари, республикаимизда иқтисодиётни модернизациялашнинг умумназарий, минтақавий, тармоқ муаммолари

С.Ғуломов, Э.Юсупов, А.Ваҳобов, М.Пардаев, И.Тўхлиев, Ё.Абдуллаев, И.Иватов ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг ўрганилган.

Республикамизда бевосита лизинг, лизинг бозори ва муносабатларини ривожлантиришнинг назарий, амалий жиҳатлари бўйича М.С.Ангелиди, Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Сабиров, А.Ғ.Мўминов, О.М.Қулжонов, Э.Ғ.Набиев, М.Д.Марпатов, Ш.У.Ҳайдаров, Х.А.Ортиқов, Х.А.Тухсанов, С.П.Абдуллаев, М.А.Абдурахмонов, А.Ғ.Мўминов, З.Р.Ҳамидова, О.Т.Ҳазратқулов, С.К.Салаев сингари тадқиқотчиларнинг илмий ишларини кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқорида номлари тилга олинган хорижлик ва Ўзбекистонлик олимларнинг илмий тадқиқотлари лизинг ва лизинг муносабатларини ривожлантириш жараёнларига тааллуқли кўпгина муаммоларни ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшган бўлиб, республикамиз ва ҳудудларда лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг илмий-амалий жиҳатларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва бу борада юз бераётган ислоҳотлар ҳамда жараёнларни тушуниб етиш учун муҳим назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Аммо, қишлоқ хўжалик қтисодиётини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, аграр ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, мамлакатни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш жараёнлари кечаётган бир шароитда республикамизда ҳар бир минтақанинг ёки иқтисодиёт тармоғининг, хусусан, қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бевосита лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш ва баҳолаш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўз ечимини топганича йўқ. Жумладан, юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишларидан фарқли ўлароқ, лизинг хизматларини таснифлашни такомиллаштириш, минтақаларда уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва асослаш, республикамиз, хусусан Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги мисолида бу соҳага баҳо бериш учун миқдорий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, лизинг хизматлари ривожланганлиги бўйича Хоразм вилояти ҳудудларини, иқтисодиёт

тармоқларини табақалашган гуруҳларга ажратиш, унинг SWOT таҳлилинини амалга ошириш ва тизимли таҳлил этиш, хорижий давлатларда лизингни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларини республикамизда қўллаш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш каби долзарб муаммоларни ҳал қилиш диссертация мавзусини танлашда асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аграр соҳани ислоҳ қилишнинг энг муҳим устувор йўналишларига мос келади ва Урганч Давлат университети Иқтисодиёт факультети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизациялаш шароитида соҳада лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ушбу мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- республикамизда, хусусан қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларининг генезиси, шаклланиш босқичлари ва тенденцияларини аниқлаш ҳамда тараққиёт қонуниятларини асослаш;

- қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини турлари ва шакллари бўйича таснифлаш;

- лизинг хизматларининг муаллиф вариантыдаги мустақил таърифини ишлаб чиқиш;

- лизинг хизматларини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини қиёсий ўрганиш ҳамда республикамизда қўллаш бўйича илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий омилларини чуқур ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилган ҳолда баҳолаш;

- Хоразм вилоятида тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида социологик сўровлар ўтказиш асосида қишлоқ хўжалигида лизинг хизматлари ривожланиши муаммолари ва уларни ечиш йўналишларини илмий асослаш;

- қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларининг ривожланганлик даражаси бўйича минтақа иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини гуруҳлаш;

- Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида лизинг хизматлари бозорини тижорат банклари ва лизинг компаниялари кесимида SWOT таҳлилини амалга ошириш;

- Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

**Тадқиқот объекти** бўлиб Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти тизимида лизинг хизматлари бозори ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб республикамизда, хусусан Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини ривожлантириш жараёнлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини** республикамизнинг қишлоқ хўжалигида лизинг, лизинг муносабатлари, қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга оид Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг иқтисодиётни модернизациялаш, аграр ислохотларини чуқурлаштириш бўйича фундаментал асарлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чет эллик ва республикамиз олимларининг қишлоқ хўжалигини модернизациялашда лизингнинг ролини ошириш муаммоларига оид илмий-тадқиқот ишлари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки, республикамизда, хусусан Хоразм вилоятида фаолият юритаётган лизинг компаниялари, шунингдек, бошқа вазирликлар ва идоралар материаллари ҳамда статистик маълумотлари ташкил этди.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий воқелик ва жараёнларни билишнинг турли илмий усуллари: иқтисодий тизимларни ўрганиш-га нисбатан диалектик ёндошув, таҳлил ва синтез, комплекс ёндошув, қиёсий ва SWOT таҳлил, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Диссертация ишининг илмий аҳамиятга молик янгиликлари қуйидагиларда ўз аксини топган:

- республикамизда лизинг хизматларининг генезиси, шаклланиш босқичлари ва тенденциялари ҳамда тараққиёт қонуниятлари асосланган;

- лизинг хизматларини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини қиёсий ўрганиб уларни республикамизда қўллаш бўйича илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

- қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий омилларини баҳолаш йўллари кўрсатиб берилган;

- Хоразм вилоятида тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида социологик сўровлар ўтказиш асосида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида лизинг хизматлари ривожланиши муаммолари ва уларни ечиш йўналишлари илмий асосланган;

- қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида лизинг хизматлари ривожланганлиги бўйича минтақа иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудлари гуруҳланган;

- Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида лизинг хизматлари бозорини тижорат банклари ва лизинг компаниялари кесимида SWOT таҳлилинини амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилган;

- Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, уни қўллаб-қувватлаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида олинган натижалар, тавсия ҳамда таклифлардан қишлоқ хўжалигида лизинг хизматлари ва муносабатларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти йўналишидаги ОЎЮда соҳага оид ёки яқин фанларни ўқитишда, аспирантлар, илмий ходимлар ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида лизинг хизматлари муаммоларига қизиқувчи тадқиқотчилар томонидан шу йўналишда илмий ишлар олиб боришда ва ҳ.к.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.** Диссертацияда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар Хоразм вилояти ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи амалий фаолиятида (№ 8-181 маълумотнома, 04.05.2012 й.) амалий фаолиятларида фойдаланиш учун қабул қилинган. Шунингдек, диссертациядаги айрим таклиф ва тавсиялар, назарий материаллардан Урганч Давлат университети (12.05.12 й. даги далолатнома) нинг Иқтисодиёт факультети ўқув жараёнларида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик”, “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” каби фанларни ўқитишда кенг фойдаланилмоқда.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича жами ҳажми 0,2 б.т.дан иборат бўлган 2 та илмий мақола бошқа илмий журналлар ва тезислар тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг ҳажми 85 бетдан иборат бўлиб, унда 22 та жадвал, 2 та расм, 17 та диаграмма, 22 та илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгиликлари, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, тадбиқи, тузилиши ва ҳажми баён этилади.

**Биринчи боб** “Бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳани модернизациялаш ва лизинг хизматларини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари” деб номланган бўлиб, унда бозор иқтисодиёти шароитида лизинг хизматларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, хорижий мамлакатларда лизинг хизматларини ривожлантириш тажрибалари, Ўзбекистонда лизинг хизматларини тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари каби масалалар тадқиқ этилган.

“Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари” номли **иккинчи бобда** миллий иқтисодиётда лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва уларнинг ҳозирги ҳолати баҳоланиб, соҳани ривожлантириш асосида КБХТни қўллаб-қувватлаш хусусиятлари ўрганилган ҳамда миллий иқтисодиётни модернизациялашда лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва асосий йўналишлари қараб чиқилган.

“Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизациялаш шароитида лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари” номли **учинчи бобда** Хоразм вилоятида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари, вилоятда КБХТни ривожлантиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари, Хоразм вилояти иқтисодиётини модернизациялашда лизинг хизматларининг ролини ошириш истиқболлари масалалари тадқиқ этилган.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан олинган илмий-амалий ишланмалар, таклиф ва тавсиялар келтирилган.

# **I БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

- **Бозор иқтисодиёти шароитида лизинг хизматларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти**

Ўзбекистон иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви ва тадбиркорликнинг ривожланиши асосий капитални янгилаш учун қўшимча молиявий ресурслар қидиришни, излаб топишни талаб қилади. Умуман миллий иқтисодиёт ва хусусан, янги шаклланаётган тадбиркорлик тузилмалари ички молиявий ресурсларининг чекланганлиги инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий манба ва усуллари излаш заруратини келтириб чиқаради. Шундай манба ва усуллар сифатида жаҳон амалиётида хорижий капиталнинг кўчиб юришига асосланган кўшма корпоратив мулкчиликнинг яратилишини келтириш мумкин. Бунда хусусан, хорижий кредит линияларини, давлатлараро қарзларни жалб қилиш асосида лизинг муносабатларининг йўлга қўйилишини ва ривожланишини мисол келтириш ўринлидир. Чунончи, лизинг асосида янги технология ва асбоб-ускуналарни фойдаланиш учун олиб туриш амалиёти бунинг далилидир.

Лизинг фан-техника тараққиёти ҳамда хусусий, гуруҳий ва ижтимоий манфаатларни уйғун равишда бирга қўшиш талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган иқтисодий фаолият туридир. Молиявий қийинчиликлар шароитида лизинг тадбиркорларнинг энг янги технология ва замонавий асбоб-ускуналардан баҳраманд бўлишига имкон беради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда лизинг бизнеснинг алоҳида бир тури сифатида қаралади. Бу фаолият тури лизинг маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчилари учун, шунингдек, шу турдаги бизнес билан шуғулланаётган молиявий воситачилар учун ҳам муҳим бўлган бир қанча вазифаларни ҳал этади. Ички ва ташқи бозорлардаги қаттиқ

рақобат шароитида асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятларинигина эмас, айти вақтда мазкур асбоб-ускуналар истеъмолчиларига қўйиладиган молиявий шартлар, шунингдек қўшимча сервис ҳам тобора аҳамиятли бўлиб боради. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг шу янги иқтисодий усулини яқин келажакда кенг жорий қилиш, шунингдек чет эл тажрибасидан тўғри фойдаланиш учун, бизнинг назаримизда, лизингнинг иқтисодий табиати ва моҳиятини чуқурроқ англаб олиш муҳим масаладир. Лизингнинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг табиатини, мазмунини ва замонавий бозор иқтисодиётида бажарадиган вазифаларини ҳар томонлама ўрганиш эса миллий иқтисодиётда уни кенг оммалаштириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

"Лизинг" ибораси инглизча "lease" феълидан келиб чиққан бўлиб, мулкни вақтинча фойдаланишга бериш ёки топширишни билдиради. Баъзи манбаларда лизингни машина, ускуна, транспорт воситалари ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа кўчар мулкни узоқ муддатли ижарага олишни тушунмоқ керак, деб таъкидланади.

Иқтисодий адабиётларда "лизинг – шунчаки ижара тўғрисидаги кенгайтирилган шартнома" ёки "лизинг – ижара муносабатларининг алоҳида тури..." ёхуд "бутун ижара муддати давомида ижарачининг мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қоладиган ижара шартномаси" деган фикрларнинг тарафдорлари бор. Бундай таърифларда аввало лизингнинг мақсади, ижарага берувчининг мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қолиши таъкидланади, лизинг мол-мулкни қўлга киритувчи томон аниқланади, ижара муносабатлари қайд этилади. Шу билан бирга бу таърифларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг алоҳида усули бўлган лизингнинг иқтисодий табиати ва мазмуни акс этмайди.

Мамлакатимиздаги ва хорижий адабиётларда лизингнинг бошқа таърифлари ҳам учрайди. Жумладан, айрим иқтисодчилар "лизинг кўчар ва кўчмас техникаларни ижарачига сотиш имкониятини берадиган ҳамда уни

ижарага олиш шартномасини кўзда тутадиган профессионал кредитлашнинг бир туридир”, деб талқин этишади.

Илмий адабиётларда айрим муаллифлар лизингни узоқ муддатли ижара деб билиб, ижарачининг ижарага олинган мол-мулкни опцион бўйича сотиб олиш мумкинлиги каби ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини таъкидлайдилар.

Қадимги Шарқ мамлакатларининг қонунлари ва мутафаккирларининг асарларида ҳам ўша замонга хос бўлган ижара ва лизинг муносабатлари хусусида сўз юритилади. Жумладан, исломнинг асосий манбаи бўлган “Қуръони карим”нинг 293 та ояти бевосита иқтисодий тафаккурга бағишланган ёки “Бақара” сурасининг 188-оятида, “Нисо”, “Наҳл”, “Сажда”, “Ёсин”, “Анкабут”, “Сод” сураларининг кўпгина оятларида мулк ва мулкый муносабатлар, шариат қонунлари тўғрисидаги “Мухтасар” китобининг 82-85 - бандларида ижара ва унинг турлари, ижарага олиш ва бериш, уни бекор қилиш тартиби, ижарачи шериклар ҳақида, “Ҳадислар”нинг 54-бобида бозор муносабатлари, 56-бобида ҳалол савдо қилиш хосияти, 8 та боби бўлак тўғрисида, зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлган “Авесто”да ҳам эзгулик ва иқтисодиёт бирлиги, мулкый ва кредит муносабатлари, яратувчилик тўғрисида сўз юритилади.

Уйғониш даври Ўрта Осиё алломаларидан Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Улуғбек, Навоий ва Бобурларнинг кўпгина асарларида ҳам ислом иқтисодий ғоялари, бевосита мулк ва мулкый муносабатлар, ижара ва примитив бўлсада шу замонга хос бўлган лизинг муносабатлари ёритиб ўтилган.

Баъзи нашрларда лизинг ва ижара тушунчалари ўртасига тенглик белгиси қўйилади ва лизинг ер участкаси, бино, иншоот, асбоб-ускуналардан одатда рента шаклидаги тўлов эвазига фойдаланиш ёки уларни қарзга олиш ҳуқуқини бериш тарзидаги “шакл” деб таърифланади. Бу тарздаги таъриф *биринчидан*, лизингнинг иқтисодий табиати, мазмуни, моҳиятини очиб бермайди.

*Иккинчидан*, лизингнинг бу таърифида фақат фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳақ тўлаш мажбурияти акс этади. *Учинчидан*, иқтисодий муносабатлар нуқтаи-назаридан лизингнинг ёки лизинг муносабатларининг моҳияти ёритилмайди. Бизнинг назаримизда, авваламбор лизингни тўғри талқин этиш, лизинг муносабатларининг моҳиятини белгилаш учун чет эл амалиётида лизингнинг пайдо бўлиши ва уни қарор топишга ундаган асосий сабабларни чуқур билиб олиш лозим. Лизинг ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида гуркираб ривожланиши бир нарса-ю, унинг ривожланаётган иқтисодиётга жорий этилишининг ноанъанавий усуллар билан молиявий манбаларни излаш заруратини тақозо этиши бошқа нарсадир. Иқтисодий адабиётларда лизингнинг шундай таърифлари учрайдики, унда ижара муносабатлари билан айна бир вақтда ресурсларни қарзга олиш манбаини жалб қилиш назарда тутилади. Лизингнинг бу таърифларида унинг мазмунига асосан инвестициялаш учун кўшимча ресурс манбаларини излайдиган ижарачи нуқтаи-назаридан бир томонлама ёндашилган. Аслида эса, лизингнинг иқтисодий табиати бизнингча, опционнинг вужудга келиши, қарз олиш муносабатлари пайдо бўлиши, қарор топиши ва ривожланиши каби бир-бири билан ўзаро боғлиқ заруратлардан келиб чиқади.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, лизинг — муайян товарга бўлган мулкчилик ҳуқуқини учинчи шахс учун сотиб олиб, уни қисқа, ўрта ёки узоқ муддатли даврга ижарага берадиган ихтисослашган лизинг компанияси воситачилигида асосий фондларга капитал қўйилишини молиялаштиришнинг ўзига хос шаклидир. Лизингнинг бу таърифида биринчидан, лизинг молиялаштиришнинг ўзига хос шакли деб таъкидланади. Иккинчидан, воситачи учинчи шахс учун мулкчилик ҳуқуқини қўлга киритади деб, учинчидан ижара муносабатлари мавжуд, деб даъво қилинади.

Бошқа манбаларда қайд этилишича, лизинг — вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағларни инвестицияга йўналтиришга қаратилган алоҳида

турдаги тадбиркорлик фаолияти бўлиб, бунда молиявий ижара шартномасига биноан бир шахс белгиланган мулкни муайян сотувчидан сотиб олиб, уни ҳақ эвазига бошқа шахсга тадбиркорлик мақсадларида вақтинча фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини олади.

Афсуски, юқорида келтирилган барча таърифларда лизинг муносабатларининг у ёки бу жиҳатигина таъкидланади, аммо уларнинг биронтасида лизингнинг иқтисодий моҳиятини асл маънода ифодалайдиган белгилар ва вазифалар ифодалаб берилмайди. Бизнинг фикримизча, лизингнинг моҳиятига чуқур кириб бориб, унинг тўғри таърифини бериш учун лизингнинг келиб чиқиш тарихига мурожаат қилиш, лизинг муносабатлари келиб чиқишидаги молиявий-иқтисодий муҳитни ҳисобга олиш, шунингдек лизинг пайдо бўлган ва ривожланган мамлакатлардаги макроиқтисодий вазиятни эътиборга олиш лозим. Бундан ташқари, лизингни таърифловчи муаллифларнинг билим доираси ва профессионал мақомини ҳам эътиборга олиш зарур. Жумладан, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва молиячилар лизингни умуман турлича таърифлашлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш воситаси бўлмиш лизинг рақобат натижасида пайдо бўлган ва унинг муайян афзалликлари бўлган. Тадбиркорлик фаолияти учун инвестиция ресурсларини қидириб топиш ёки мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқини олишнинг бошқа усулларига нисбатан лизингнинг у ёки бу афзалликлари турли ҳуқуқий ва иқтисодий маконларда турлича намоён бўлади. Яъни, лизинг мол-мулкдан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш имкониятини олиш воситаси сифатида лизингдан кўриладиган манфаатлар ёки зарарлар, унинг афзалликлари ёки камчиликлари иқтисодий, шу жумладан, ҳуқуқий, молия-кредит муносабатларининг даражаси билан белгиланади.

Баъзи таржима нашрларида лизинг – ижарани молиялаштириш деб ҳисобланади ва лизинг усулида молиялаштириш банкнинг техника ёки маши-

наларни сотиб олиб, уларни ўз мижозларига ижарага беришини назарда тута-ди деб, таъкидланади. Ҳақиқатда эса банк мулкчилик ҳуқуқини сотиб ол-майди, балки молиялаштиради, тўғрироғи, ижарачининг ижара муносабатла-ри воситасида ва лизинг шартномаларида кўрсатилган муддатларда мол-мулкни қўлга киритиш ниятида бўлғуси ҳуқуқини молиялаштиради. Банк ва лизингнинг молиявий муассаса сифатида туб фарқи ҳам шундадир. Бунга қў-шимча равишда шуни ҳам таъкидлаш керакки, лизинг технологиялар ва тех-никалар сотиб олиш ва самарали қўллаш учун лизинг берувчи ва лизинг олувчилар ўзаро мақбул кредит муносабатларига киришишининг шаклидир.

Айрим иқтисодчилар, лизингни вақтинча бўш турган ёки жалб этилган молиявий маблағларни инвестициялашга қаратилган тадбиркорлик фаолиятининг бир тури деб таърифлайдилар. Лизинг компанияларининг бўш молиявий ресурсларни жалб этиш имкониятлари уларда салмоқли ўз капиталларининг борлиги билан изоҳланади. Лизинг институтлари эндигина пайдо бўлаётган Ўзбекистон қаби ривожланаётган мамлакатда бозор муносабатларининг қонунчилик негизини шакллантириш билан бирга лизинг тадбиркорликнинг алоҳида турига айлангани йўқ. Шу сабабли, бизнинг назаримизда лизинг – инвестицияларни молиялаштириш шакллари ёки усулларидан биридир, деб ҳисоблаётган муаллифларнинг фикрини қўллаб-қувватлаш мумкин.

Баъзи бир иқтисодчилар лизингни профессионал кредит ёки қарзнинг бир хили деб ҳисоблайдилар. Муайян даражада, ҳақиқатдан ҳам шундай бўлади, чунки лизинг муносабатларининг асосини қарз олиш-бериш (кредитлаш) муносабатлари ташкил этади. Бизнинг фикримизча, лизинг муносабатлари қарз олиш-бериш асосида вужудга келадиган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг яхлит тизими деб қабул қилинмоғи зарур. Лизинг ривожланишининг тарихидан маълумки, унинг пайдо бўлишига объектив шароитлар ва тегишли шартлар кўмаклашиб келган. Бу шарт-шароитлар бир

томондан, лизинг мулкни таклиф қилиш, иккинчи томондан, унга бўлган талабни шакллантириш, учинчи томондан эса лизинг муносабатларини амалга ошириш учун, бўш турган молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини берган.

Умуман, лизинг муносабатлари ўзининг иқтисодий мазмунига кўра, бизнинг назаримизда, аввало қарз олиш муносабатларини, лизинг берувчи ва мулк етказиб берувчи билан, давлат ва миллий иқтисодиётнинг норезидентлари (хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, чет эл инвесторлари ва бошқалар) билан мулкий, ҳуқуқий, тақсимот ва бошқа уйғунлашган муносабатларини ифодалайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лизинг муносабатлари ўз мазмунига кўра макон ва замонда қарз олиш, яъни тақсимот, мулкий муносабатларни, лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини ифодалайди ва ўз навбатида иқтисодий жараёндаги қайта тақсимот муносабатларини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда унга бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади, деб белгиланган. Бу таъриф, бизнинг назаримизда унчалик тўғри эмас, чунки у лизингнинг иқтисодий табиати, моҳияти ва функцияларини очиқ бермайди. Лизингнинг иқтисодий табиати ва мазмуни юзасидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, лизинг воситасида миллий ҳамда миллатлараро иқтисодиётларда тақсимот муносабатлари ва молиявий воситачилик; тадбиркорлик самарадорлигини оширишга қаратилган оқилона кредит муносабатлари; лизинг кредити воситасида фан ва техника тараққиёти ютуқларини жадал жорий этишга қаратилган алоҳида ижара муносабатлари; мол-мулкни шакллантиришга ва айни вақтда ундан фойдаланишни яхшилашга қаратилган мулкий муносабатлар; хўжалик

юритувчи субъектларнинг асосий капиталга инвестиция солиш усуллари; «ноу-хау» дан замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича байналминал капитал муносабатлари ва шу кабилар амалга оширилади.

Демак, лизинг муносабатлари тадбиркорликни ривожлантиришга, КБХТ корхоналарини оёққа турғизишга кўмаклашувчи иқтисодий муносабатларнинг мураккаб, ўзаро чамбарчас қовушган, ўзаро боғланган тизимидир. Ўзбекистон қонунларига кўра, лизинг битимларида уч ва ундан ортиқ тараф қатнашиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан, лизинг муносабатлари шу муносабатларда қатнашувчилардан ҳар бирига ўз манфаатларини юзага чиқариш имконини берадиган ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатлардир.

Лизинг хизматларининг моҳияти унинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш орқали яққол намоён бўлади. Лизинг хизматлари молиялаштиришнинг бошқа шаклларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Шу билан бирга айрим камчиликлардан ҳам мустасно эмас (1-илова).

Шундай қилиб, олимлар ва мутахассислар лизингнинг моҳиятини таърифлаш хусусида ҳозирча аниқ бир фикрга келганлари йўқ. Шунинг натижасида назария ҳамда амалиётда лизингнинг мазмуни ва роли турлича талқин этилмоқда. Баъзи муаллифлар лизингни тадбиркорлик фаолиятини кредитлашнинг алоҳида ва ўзига хос усули деб ҳисоблайдилар, иккинчилари уни узоқ муддатли ижара ёки унинг бир шакли деб билдилар, учинчилари лизингни ишлаб чиқариш воситаларини ёки ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш ва сотишнинг пардали усули деб ҳисоблайдилар, тўртинчилари эса лизингни ўзгалар ҳисобидан фаолият юритиш деб, яъни ишонган кишининг топширувига биноан ўзгалар мулкидан фойдаланиш ва уни бошқариш деб талқин қиладилар.

Лизинг таърифида унинг умумий, асосий ва хусусий белгилари намоён бўлиши керак. Хуллас, ўзининг иқтисодий мазмунига кўра, лизинг қарз олиш асосидаги кўчар ва кўчмас объектларга эгалик қилишнинг алоҳида ижара

муносабатларига асосланган тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижара муносабатларининг алоҳида тоифасида ифодаланувчи ўзаро боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий, шу жумладан молиявий-кредит муносабатлари мажмуасидан иборат.

Бизнинг фикримизча, лизинг – асосий воситаларни модернизация қилишнинг самарали усули бўлиб, бунда мол-мулк, унинг ҳақини аста-секинлик билан тўлаб бориш шарти билан, узоқ муддатга тадбиркорлик мақсадида фойдаланишга берилади ва шартнома муддати тугагач лизинг олувчининг мулкига айланади.

Айрим адабиётларда “лизинг” билан бирга “лизинг хизматлари” тушунчаси ҳам учрамоқда. Бироқ уларда лизинг хизматларига аниқ таъриф берилмаган. Бизнинг назаримизда, лизинг хизматлари тушунчасининг илмий адабиётларда қўлланилиши замонавий бозор иқтисодиёти шароитида лизинг муносабатларининг ривожланиб бориши ва бунинг натижасида янгидан-янги лизинг турлари ва шакллари пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Шунга кўра, фикримизча, лизинг хизматлари дейилганда лизинг муносабатлари ривожланиши натижасида вужудга келган лизинг турлари ва шакллари ташкил топган хизматлар мажмуини тушуниш лозим.

Бугунги кунда лизинг хизматлари тушунчаси адабиётларда ҳамда бошқа манбаларда учрамасада, ушбу тушунчанинг аниқ таърифини ишлаб чиқиш ва иқтисодий мазмунини кенг ёритиш лизинг хизматлари фаолиятини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, лизинг хизматлари дейилганда лизинг компанияларининг замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар бозорини маркетинг қилиш, тадбиркорларга зарур ускуналарни танлаш, молиялаштириш, етказиб бериш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда зарур тавсия ва амалий ёрдамлар кўрсатиш, шунингдек ускунанинг кейинги техник ҳолатини назорат

килиб бориш каби хизматлар ва сервисини ўз ичига олувчи комплекс фаолияти тушунилади.

Мустақил Ўзбекистон диёрида лизинг хизматлари бозори эндигина ривожланаётганлигига қарамасдан, кейинги етти йил давомида ички лизинг хизматлари ҳажми юқори суръатларда ўсиб келмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида халқаро транспорт, алоқа ва молия бозорларининг ривожланиши хорижий мамлакатларнинг лизинг хизматларини ривожлантириш тажрибалари ва имкониятлари Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорини қисқа даврда эгаллаши кутилмоқда. Мамлакатимизда лизинг хизматлари бозорининг таркибий ва ҳажм жиҳатдан кенгайиб бориши қўшимча хизматларни, яъни лизинг сервисини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Бинобарин, шу йўл билан миллий лизинг компанияларимиз хорижий мамлакатларда лизинг хизматларининг ривожланиши жараёнида юзага келган қийинчиликларни четлаб ўтиш, ҳамда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдини олиш имкониятига эга бўладилар.

- **Лизинг хизматларини ташкил этишнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари**

Лизингнинг келиб чиқиши тўғрисида турли адабиётлардаги талқинлар ҳар хилдир. Айрим муаллифлар лизингнинг келиб чиқишини Аристотелнинг номи билан боғлаб, у ўзининг “Риторика” асарида “бойлик – буюмга эгаликда эмас, балки фойдаланишдадир” деб таъкидлаганлигини эътироф этадилар. Инглиз иқтисодчиси Т.Кларк эса “лизинг Аристотелгача маълум бўлган” деган ғояни илгари суриб, Хаммурапи қонунларида (эрамиздан олдинги 1760 йй.) лизинг ҳақидаги бир неча қоидалар топилганлигини таъкидлайди. Уларда ижара, ижара ҳақининг меъёри ва мулк учун гаровлар тўғрисида фикрлар тўла баён этилган. Лизинг муаммоларидан Рим империяси ҳам четда қолмаган ва лизинг муаммолари Юстинианнинг Институцияларида ўз ифодасини топган. Айрим

олимлар қадимги Шумер давлатида (эрамиздан олдинги 2000 йй.) ҳам ижара битимлари тузилганлиги ва Ур деб аталувчи Шумер шаҳрида қишлоқ хўжалик куроллари, ер, сув манбалари, ҳайвонлар ижараси тўғрисидаги манбалар топилганлигини таъкидлашади. Ушбу манбалар 1984 йилда топилган бўлиб, ибодатхона ходимларининг маҳаллий фермерлар билан тузган шартномалари тўғрисида муҳим маълумотлар беради.

Лизинг ҳақида дастлабки расмий ҳужжатли манба 1066 йилда Халоскор Вилгельм томонидан Британия оролларида бостириб кириш учун нормандиялик кемасозлардан ижарага кема олганлиги ҳақидаги битимдир. Бундан ташқари 1248 йилда рицар Бонфис Манганелла Гаэта томонидан лизинг битими қайд этилганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

XI асрда венецияликлар савдогарларга, кема эгаларига ўша вақтдаги қимматбаҳо лангарларни ижарага беришган ва улар денгиздан қайтиб келгач, лангарлар эгаларига қайтарилган.

Буюк Британияда асосан ер ижараси, фермерлик ускуналари ва отлар лизинг предмети бўлган. Бу 1284 йилдаги Буюк Британиядаги қабул қилинган лизингга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат эди.

XIX асрда Буюк Британияда саноат ривожланиши, айниқса темир йўл ва кўмир саноати ривожланиши, турли ускуналар ишлаб чиқариш ва товарлар кўпайиши туфайли лизингга бериш суръатлари ошди. Дастлабки лизинг шартномаси эса XIX асрнинг 70-йилларида British Railway Wagons Британия темир йўл компанияси билан ишлаб чиқарган вагонларининг узоқ муддатли ижараси шартномасини тузганда амалга ошди. Шундай бўлса ҳам, анъанавий лизинг XX аср 50-60 йилларидаги Америка кашфиёти ҳисобланади.

Асосий фаолияти лизинг хизматлари бўлган дастлабки ташкилот Генри Шонфельд томонидан 1952 йилда Сан-Францискода United States Leasing Corp. ташкил этилди. Лизинг хизматларининг хорижий бозори айнан АҚШда шакллана бошлади ва XX асрнинг охирларига келиб, лизинг хизматлари 80 дан

ортиқ, шу жумладан 60 та ривожланаётган давлатларда амалга оширила бошланди (1.2.1-жадвал).

### 1.2.1-жадвал

#### Лизинг бозорининг хорижда ривожланиши

Давр	Мамлакатлар
XX аср 50-йиллари боши	АҚШ
XX аср 50-йиллари охири	Австралия, Канада, Буюк Британия
XX аср 60-йиллари	Япония, Ғарбий Европа давлатлари
XX аср 70-80-йиллари	Осиё ва Лотин Америкасининг тез ривожланган мамлакатлари
XX аср 80-йиллари охири ва 90-йиллари боши	Шарқий Европа, МДХ мамлакатлари, Осиё ва Африканинг паст ривожланган мамлакатлари

XX аср 80-90-йилларида жаҳонда лизинг бозори ривожланишини белгиловчи омиллар ҳар хил эди (1.2.2-жадвал).

### 1.2.2-жадвал

#### Жаҳонда замонавий лизинг хизматлари бозори ривожланишини белгиловчи омиллар

1980 йиллар	1990 йиллар
1. Молиявий маблағлар ҳажмининг етарли эмаслиги	1. Лизинг мустақил тармоққа айланди
2. Рақобатнинг кучайиши	2. Миллий лизинг хизматлари бозорларининг ривожланиш босқичлари кузатила бошланди
3. Инвестицияларни оптималлаш зарурлиги	3. Ишлаб чиқариш инвестицияларида лизинг хизматларининг ҳажми ошиши
4. Корхоналар фойдасининг пасайиши	4. Тегишли ҳудудларда АҚШ, Япония, Бразилия, Австралиянинг етакчилик қилиши
5. Янги авлоддаги қиммат ва юқори технологик ускуналар	5. Ривожланган давлатлар ролининг аста-секинлик билан ошиши
6. Лизингни ривожлантиришнинг халқаро дастурларини ташкил этиш	6. Лизинг мулки ва тармоқ таркибининг жадал ривожланишда ўзгариши
7. Жаҳон иқтисодиётидаги пасайиш ва ўсишнинг кетма-кет келиши	7. Халқаро лизинг хизматлари суръатларининг ўсиши
8. Анъанавий молиялаш манбаларини ўзлаштиришнинг чекланганлиги	
9. Ишлаб чиқариш қувватларини тез	

Миллий лизинг хизматларининг шаклланиш борасидаги бизнинг тадқиқотларимиз барча мамлакатлар учун босиб ўтилиши муқаррар бўлган лизинг хизматлари бозорларининг ривожланиш босқичлари борлигини кўрсатди (1.2.3-жадвал).

### 1.2.3-жадвал

#### Жаҳонда лизинг хизматлари бозорларининг ривожланиш хусусиятлари

№	Босқич хусусиятлари	Мамлакатлар
I.	Оддий қисқа муддатли ижара	Ривожланаётган мамлакатлар
II.	Тўлиқ қопланувчи классик молиявий лизинг	Ривожланаётган мамлакатлар
III.	Турли хил жабҳада ташкил этилувчи креатив молиявий лизинг, ишлаб чиқарувчилар томонидан, етказиб берувчилар томонидан ЛКларнинг ташкил этилиши, Давлат томонидан тартибга солишни мустаҳкамлаш	Ривожланаётган мамлакатлар
IV.	Ностандарт лизинг технологияларининг пайдо бўлиши, ускуна ва технологиялар иккиламчи бозорининг пайдо бўлиши, оператив лизинг ривожланиши	Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатлар: Сингапур, ЮАР, Тайван, Ж.Корея
V.	Янги лизинг маҳсулотларининг пайдо бўлиши ва мавжудларининг мураккаб-лашуви (қўшимчалар киритилиши, узайтирилиши, муддатидан олдин тугатилиши)	Германия, Б.Британия, Япония, Австралия
VI.	Бозорнинг етилиши, қўйилмалар, ютиб олишлар йўли билан лизинг бизнесининг йириклашуви, кичик корхоналар тури, халқаро лизинг кўламларининг кенгайиши	АҚШ

Жаҳон лизинг хизматлари бозорини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини эса 3-иловадан кўришимиз мумкин.

Дунё лизинг хизматлари бозорининг 80 фоизи олти давлат: АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия ҳамда Япония ҳиссасига тўғри келади. Ушбу давлатлар ичида лизинг хизматлари ҳажми бўйича энг салмоқлиси АҚШ ҳисобланади.

АҚШда лизинг XX асрнинг 50-йилларда пайдо бўлди ва бугунги кунда дунё лизинг айланмасининг қарийиб 50 фоизи АҚШ улушига тўғри келади.

АҚШда лизингнинг ривожланишига жадаллашган амортизация ва инвестицион солиқ имтиёзи каби қулайликлар таъсир кўрсатди. 1977 йилларгача АҚШда фирмалар ускуналарни ижарага олиш ва унинг қийматини ўз балансларида ифодаламаслиги мумкин эди.

Шунинг учун катта қарзга эга бўлган фирмалар, яна қўшимча технологияларни ўз қарзларини инвестор ва экспертлардан яширин ҳолда олишлари мумкин эди.

Аммо, 1976 йилда АҚШ Молиявий ҳисобни стандартлаш бошқармаси №13 қарорни чиқарди ва унга кўра айрим молиявий битимлар мулк харид қилиш сифатида ҳисобга олиниб, фирмаларга молиявий мажбуриятларни юклади.

1986 йилдан бошлаб лизингнинг солиқ асосидаги иқлими ўзгарди. 60-70 йиллардаги юқори инфляция даврида жорий этилган солиқ имтиёзларига эндиликда, яъни 80-йиллардаги бир қадар барқарор иқтисодий вазиятда капитал кўйилмаларни рағбатлантиришнинг самарали воситаси сифатида қарамай кўйилди. АҚШ солиқ тизимида ўтказилган ислохот инвестицияларга солиқ имтиёзларини бекор қилиниши ҳамда амортизация соҳасини ўзгариши орқали солиқ имтиёзларига яқинлашувни чеклаб қўйди.

Кейинги 50 йил мобайнида лизинг АҚШ давлат иқтисодий сиёсатининг стратегик муҳим йуналиши сифатида эътироф этиб келинди. Лизинг тармоғи тарихининг каттагина қисми АҚШ Конгресси томонидан қўллаб-қувватланди. Конгресс асосий воситаларининг сотиб олинишига, Америка ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш базасини янгилашга сармоя киритилишини хар томонлама рағбатлантириб турди. АҚШдаги хар учинчи компьютер лизинг муносабатларининг ҳосиласидир. Медицина ускуналарининг 10 дан 30 фоизгача

бўлган қисми мулк эгалари томонидан эмас, балки лизинг олувчилар томонидан ишлатилади.

Айрим мамлакатларда, хусусан, Франция, Бельгия ва Испанияда махсус лизинг қонунчилиги мавжуд. Ушбу мамлакатларнинг меъёрий ҳужжатларида лизинг тушунчасига таъриф берилган, молиявий лизинг (молиявий ижара) шартномаси тузилганлиги тўғрисида далолат берувчи белгилар қайд этилган, лизингга берувчи жавоб берадиган талаблар, шунингдек лизинг муддати ва мол-мулкнинг меъёрий хизмат қилиш муддати ўртасидаги муносиблик шакллантирилган, лизингга берувчи, лизингга олувчи ва мол-мулкни сотувчи ўртасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Чет эл мамлакатларида лизинг муносабатларини тартибга солиш амалиётини умумлаштириш ҳуқуқий таъминот бўйича мамлакатларни уч гуруҳга ажратиш имкониятини беради:

- лизинг битимларини тартибга солувчи махсус қоидаларга эга (Франция, Бельгия, Италия ва бошқалар);
- махсус қонун ҳужжатларига эга (Англия, Австралия);
- махсус қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларга эга бўлмаган (АҚШ, Германия).

Биринчи гуруҳ мамлакатларининг махсус қоидаларида лизингда вужудга келадиган уч томонлама муносабатларнинг бутун мажмуини тартибга солишга интилиш кўпчилик муҳим масалаларни батафсил тартибга солиш мавжуд эмаслиги билан мужассамлашган. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ уч тарафлама асосдаги лизинг келишувида ускуна келажакда ижарага бериш мақсадида сотиб олиниши ва ундан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш мумкинлиги, шунингдек сотиб олиш ҳуқуқлари ва шартнома муддати тугаганидан кейин сотиб олиш ҳуқуқлари ва у сотиб олинишининг чекланган баҳоси албатта қайд этилади. Шунинг билан бир қаторда, ушбу давлатларда таваккалчилик ҳамда вужудга

келадиган масъулият масалалари фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг умумий меъёрлари билан ҳал этилади.

Мамлакатларнинг иккинчи гуруҳида лизингнинг ҳуқуқий тартибга солиниши икки тамойилдан — вақтинчалик фойдаланиш учун бериладиган мол-мулк қийматидан ва лизинг келишуви субъектларидан келиб чиқиб, тартибга солинади. Масалан, Англиянинг қонунчилик амалиётида агар лизинг қиймати 2000 фунт-стерлингдан ошмаса, фойдаланувчи эса — ҳуқуқий шахс бўлса, 1965 йилги “Ижара-сотиш тўғрисида”ги қонун меъёрлари қўлланилади.

Учинчи гуруҳ мамлакатлари учун махсус қонун ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги лизинг ривожланишига тўсқинлик яратмайдиган АҚШ ҳуқуқий муносабатларига хосдир. Бу яқин вақтларга қадар АҚШда амортизация ва солиқ имтиёзлари лизингга мурожаат қилиш учун асосий туртки берувчи омил бўлиб ҳисобланганлиги билан изоҳланади. Улар ўз навбатида солиққа тортиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларда лизинг битимларига нисбатан шунингдек фуқаролик ва савдо ҳуқуқ қоидалари кенг қўлланилади.

Италияда лизингга берувчи муайян миқдордаги капиталга эга бўлиши лозим. Агар ижарага берувчи мол-мулкни амалда унинг бутун фойдаланиш муддатида ишлатмаса, шартнома имтиёзли солиққа тортиш мақсадида тузилган ҳисобланади (лизинг компаниясига мол-мулк эгаси сифатида қаралади). Амалиётда шартнома лизинг шартномаси сифатида тан олинмаган суд ишларининг асосий қисми мол-мулкдан асосан тўлиқ иқтисодий фойдаланиш муддатида ишлатилган шартномаларга тааллуқлилигини кўрсатади.

Италияда дастлабки лизинг компанияси 1963 йилда тузилган ва бугунги кунда Италия Лизинг Ассоциацияси 50 та компанияни ўз ичига олади. Италияда 2006-2007 йилларда лизинг хизматлари бозорининг кўрсаткичларини 4-иловада келтириб ўтамиз (4-иловага қаранг).

Агарда лизинг фаолиятини жуғрофий жихатдан жойлашишини кўриб чиқадиган бўлсак, Европадаги умумий молиялаштириш ҳажмининг 72 фоизи тўртта мамлакат — Франция, Германия, Италия ва Буюк Британияга тўғри келишини кўришимиз мумкин. Европада лизинг хизматларини икки йўналишга ажратиш қабул қилинган бўлиб, бу — кўчмас мулк лизинги ва ускуналар лизингидир. Европадаги жами асосий воситалар инвестициялари ҳажмида лизинг 12,5 фоизни ташкил қилади. Бироқ бу кўрсаткич мамлакатлар бўйича турлича бўлиб, масалан Голландияда фақат 6,3 фоизни ташкил этса, Италияда 16,7 фоизга тенг.

Германияда ускуналар лизинги бозори умумий ҳажмида енгил автомобиллар лизинги 50 фоизни ташкил этади, ишлаб чиқариш воситалари лизинги эса 10 фоизга тенг бўлиб, бу кўрсаткичлар Италияда мос равишда 25 фоиздан пастроқ ва 50 фоиздан юқорироқдир. Шунингдек, Европада компьютер ва офис ускуналари лизинг хизматлари ўртача 12,5 фоизга тенг ва унинг 4 фоизи йирик, қимматли мулклар, самолётлар, кемалар ва шу кабилар улушига тўғри келади.

Австрияда лизинг соҳаси 25 йилдан бери ривожланиб келмоқда. Уларда ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, болалар боғчаси ва ҳаттоки мактаблар ҳам лизингга берилади. Австрияда ижаранинг ўртача муддати 2-15 йилни ташкил этади ва бу лизинг предметининг хизмат муддатига боғлиқ. Харид қилиш ёки муддатини узайтириш учун опцион мумкин эмас, шартнома муддати тугагач, ижарачи лизинг предметининг қолган фойдаланиш даври учун янги битим тузиши керак. Австрияда лизинг шартномасининг асосий муддати мол-мулкни иктисодий ишлатиш муддатининг 40-80 фоизини ташкил этиши керак ва сотиб олиш опционининг қиймати опцион сотиладиган пайтдаги мол-мулкнинг қиймати билан мос бўлиши лозим.

Бельгияда мол-мулк ижарага берувчи томонидан келгусида лизингга бериш мақсадида сотиб олиниши, ижарага олувчи томонидан эса фақат касбий мақсадларда ишлатилиши лозим. Лизинг муддати мол-мулкдан фойдаланиш

муддатидан ошиши мумкин эмас ва ижара тўлови шундай белгиланиши керакки, у шартнома амал қилиши муддати давомида ижарага берувчига ижарага олинган мол-мулк қийматини қоплаш имкониятини яратиши лозим ҳамда ижарага олувчи лизинг муддати тугагандан кейин шартномада келишилган мол-мулкнинг қолдиқ қийматига мос бўлган нархда ижарага олинган мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи назарда тутилиши лозим.

Буюк Британияда эса шартнома мол-мулк ишлатиладиган муддатдан 75 фоиздан кам бўлмаган муддатга тузилганда, унинг амал қилиш муддати даврида мол-мулк қиймати тўлиқ (ёки аҳамиятли қисми) тўланиши назарда тутилганда, у лизинг шартнома ҳисобланади.

1967 йилда Францияда «Понафранс» номли биринчи лизинг компанияси ташкил этилди. Бугунги кунда Францияда самолёт ва вертолётларнинг, кема ва баржаларнинг, тиббиёт жиҳозларининг, полиграфия ва йирик саноат ускуналарининг лизинги ривожланмоқда. Лизинг тўғрисидаги қонун 1966 йилда қабул қилинган бўлиб, қонун лизинг олувчига ускуналарни қайта сотиш ҳуқуқига солиқ, қўшимча қиймат солиғи, учинчи шахс ҳуқуқи учун солиқ каби имтиёзларни киритди. Бундан ташқари, Францияда саноат ва савдо соҳасида кўчмас мулк билан операциялар бўйича жамият (СИКОМИ) ташкил этилди. СИКОМИ Франция лизинг корхоналарига қайта солиқ имтиёзлари бермоқда: фойданинг 85 фоизи солиқдан озод этилган, жадаллашган амортизация ва ҳ.к. Франция ва Италиянинг лизинг хизматлари бозорида фаолият юритаётган асосий лизинг компанияларининг айрим кўрсаткичларини 5а-иловадан кўришимиз мумкин.

Айрим ривожланган давлатлар лизинг хизматлари бозорининг таққослама таҳлилини 6-иловадан кўришимиз мумкин (6-иловага қаранг).

Осиё давлатларидан Жанубий Кореяда ҳозирги кунда жами 14 та лизинг компанияси, яъни 8 та махсус компания ва 6 та савдо банклари фаолият кўрсатмоқда. Қонунга мувофиқ, агарда асбоб-ускунадан фойдаланиш муддати 5

йилдан ортиқ бўлмаса, у ҳолда лизинг шартномаси муддати 60 фоиздан кам бўлмаслиги белгиланган.

Японияда лизинг бизнеси шаклланишини банк капиталининг фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шуниси диққатга сазоворки, Японияда лизинг шароити шаклланишининг бошлангич даврида маҳаллий банклар ниҳоятда катта рол ўйнаган. XX асрнинг 60-йиллари бошларида "Чейз Манхеттен бенк", "Бостон оверсиз файнэшн корпорейшн" ва "Сити бенк" каби молиявий марказларнинг саъий-ҳаракатлари туфайли лизинг компанияларининг ташкил этилишига муҳим асос яратилган. Экспертларнинг баҳоси бўйича Япония кўпгина йирик ривожланган мамлакатлардан ЯИМнинг ўсиши бўйича анчагина илгарилаб кетган даврда, яъни япон "иқтисодий мўъжизаси" нинг юзага келишида ҳам лизинг воситасида молиялаштириш жуда катта ўрин эгаллаган. Ўз миқёси бўйича АҚШдан кейин 2-ўринда турувчи Япония лизинг хизматлари бозорида энг йирик компания "Century Leasing System" бўлиб, у Гонконг, Сингапур, Буюк Британияда филиалларига эга ҳамда унинг акциядорлари 1 та тижорат банки ва 2 та суғурта компаниялари ҳисобланади.

Хитойда лизингнинг ривожланиши жуда ўзига хос бўлиб, Хитой ЛК товар ихтисослашувига эга. Хитойда илғор технологиялар нуқтаи назаридан маънавий эскирган машина ва ускуналар паст технологик даражадаги бошқа корхоналарда ишлатилиши мумкин.

Россияда лизинг хизматлари бозорининг ривожланиши МДХ давлатлари учун алоҳида аҳамият касб этади, чунки МДХ давлатларининг кўпчилигининг "менталитети" бир-бирига ўхшаш ёки жуда яқиндир. Мамлакатда кейинги 10 йил мобайнида лизинг хизматлари йилига 55-70 фоизга ўсди. Россия 2008 йил якунларига кўра, Европадаги энг кўп лизинг шартномалари тузган мамлакатлар ва машинасозлик, ишлаб чиқариш ускуналар лизинги бўйича етакчи 5 та давлатлар қаторидан ўрин олган. МДХнинг айрим мамлакатларида лизинг хизматлари бозорининг қиёсий таҳлилини 7-иловадан кўришимиз мумкин.

МДХ мамлакатлари лизинг хизматлари бозорининг ҳолати ҳақида маълумот берувчи айрим манбалар ушбу мамлакатлар ичида Россияда ва Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозори нисбатан юқори даражада ривожланганлигидан далолат бермоқда. Россияда асосий капиталга киритилган инвестицияларда лизинг хизматларининг улуши 5 фоизга етган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 3-4 фоиз орасида тебранмоқда (Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 15-30 фоиз). Бошқа МДХ давлатларида лизинг хизматлари бозорининг нисбатан паст даражада ривожланганлиги ушбу давлатлар ҳукуматлари томонидан лизинг хизматларини ривожлантиришга кам ёки кеч аҳамият берганлиги билан боғлиқ. Украинада узок йиллар давомида кузатилган сиёсий нобарқарорлик, Беларус Президентининг мамлакатда лизинг хизматларини ривожлантиришга қаратилган биринчи Фармони 2009 йилда қабул қилиниши, Қирғизистонда лизинга нисбатан банк кредитига кўпроқ солиқ имтиёзларининг жорий қилинганлиги юқоридаги хулосамизга асос бўлиши мумкин.

Тадқиқотларимизга кўра МДХда лизинг хизматлари ривожланишининг ўзига хос тенденциялари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- етакчи лизинг компанияларининг нафақат лизинг хизматлари ривожланган мамлакатлар тажрибасини, балки лизингнинг ўз шароитларига мослаштиришлари;
- лизинг хизматлари учун таъминот сифатида қўлланилган молиявий воситалар таркибининг кенгайиб бориши. Жумладан, ишончли Россия банклари томонидан тасдиқланган корхоналар векселлари, йирик бюджет ташкилотлари ва корхоналарининг векселлари, йирик компаниялар кафолатлари, қимматли қоғозлар гарови, муомаладаги ликвидлиги юқори товарлар, кўчмас мулк, банк кафолатлари ва ҳ.к.

- лизинг компанияларининг нафақат ўз ихтисосликлари, балки ноанъанавий бозор сегментларида операцияларни амалга ошириб, универсаллашуви, ўз маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг ошиб бориши;
- талаб ошиб бораётганлиги натижасида рақобатнинг даражаси ошиши ва етказиб берувчи ёки ишлаб чиқарувчилар томонидан ташкил этилган лизинг компанияларининг пайдо бўлиши;
- яқин келажакда лизинг компанияларининг портфелларини бирлаштириш ва қўшиш орқали ривожланиши ва ҳ.к.

Истиқболда Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда хорижий давлатларнинг бу борадаги қуйидаги айрим тажрибаларидан унумли фойдаланиш ўринли деб ҳисоблаймиз:

- хорижий мамлакатларда лизинг хизматларининг ривожланишига тезлаштирилган амортизация ва қулай инвестиция солиқлари ижобий таъсир кўрсатди. Хоразм вилоятида экологик вазиятнинг танглигини, ер ости ресурсларининг тақчиллигини, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигига қарамлигини ва бунда сув ресурслари захираларининг нобарқарорлигини, худуднинг марказдан узоқда жойлашганлигини инобатга олиб вилоятда мустақил хусусий лизинг компанияларини шакллантириш мақсадида минтақа учун алоҳида солиқ ва бошқа имтиёзлар пакетини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш вилоят иқтисодиётини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишда юқори самара беради.

- хорижий мамлакатларда лизинг хизматларининг кўплаб турлари ва шакллари қўлланилиши, ўзгарувчан бозор конъюктураси шароитида, асосий воситалардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда;

- кўпчилик ривожланган давлатларда мол-мулкни лизингга бериш шартлари ва талабларининг нисбатан енгил ва содда бўлиши тадбиркорларнинг ушбу соҳага қизиқишини янада оширмоқда;

- ривожланган давлатларда лизинг компаниялари тадбиркорларга комплекс хизмат кўрсатиш билан уларни ўзига жалб қилмоқда. Буларга, лизинг компаниялари томонидан мамлакат ичида ва чет элда мавжуд илғор технологияларни маркетинг қилиш, уларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, миқозга қулай технологияни танлаш ва фойдаланиш бўйича консалтинг хизматларини кўратиш, миқоз танлаган технологияни харид қилиб етказиб бериш, ходимларни янги технологиядан самарали фойдаланиш бўйича қайта тайёрлаш, лизинг объектини суғурталаш, лизинг шартномаси амал қилиш муддати давомида ускунанинг техник ҳолатини назорат қилиб бориш каби хизматлар киради;

- етакчи лизинг компаниялари нафақат лизинг хизматлари ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллайдилар, балки лизингни ўз шароитларига мослаштирадилар;

- лизинг хизматлари учун таъминот сифатида қўлланилган молиявий воситалар таркиби кенгайиб бориши лизинг хизматлари ҳажмини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, ишончли Россия банклари томонидан тасдиқланган корхоналар векселлари, йирик бюджет ташкилотлари ва корхоналарининг векселлари, йирик компаниялар кафолатлари, қимматли қоғозлар гарови, муомаладаги ликвидлиги юқори товарлар, кўчмас мулк, банк кафолатлари ва ҳ.к.

- лизинг компанияларининг бирлашиши натижасида уларнинг йириклашуви ва ҳалқаро бозорларга чиқиши миллий ускуна ва технологиялар экспорти ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади;

- халқаро кредитларга нисбатан халқаро лизингдан кўпроқ фойдаланиш мамлакатнинг халқаро молия ташкилотлари олдида ташқи қарзларининг ошмаслиги ва қўшимча молия ресурсларини жалб қилиш имкониятини яратад.;

Лизинг хизматлари бозорининг Республикамизда ривожланиш хусусиятлари ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини диссертациямизнинг кейинги бўлимида кўриб ўтамиз.

- **Ўзбекистонда лизинг хизматларини ривожлантиришни тартибга солишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари**

Лизинг муносабатларининг вужудга келиши, ривожланиши ва кенгайиб бориши мавжуд иқтисодий-ҳуқуқий муҳит билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг республика 90-йилларнинг биринчи ярмида бозор ислохотлари натижасида банк, кредит муассасалари ва корхоналар илгари иқтисодиётимизда қўлланилмаган кўпгина молиявий дастаклардан фойдаланиб, шу йилларда лизинг тузилмаларини фаол ташкил этиш, иқтисодиётнинг ушбу соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бошланди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда лизингни тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар соҳа ва йўналишлар бўйича тартибланади:

**Фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар:** Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси; Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси; Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги УНИДРУА конвенцияси.

**Солиқ солиш меъёрлари:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-3122-сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини

ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПҚ-325-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги № ПФ-3860-сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги № ПҚ-640-сон Қарори; Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Солиқ кодекси.

**Божхона меъёрлари:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 йил 28 августдаги Фармони; Ўзбекистон Республикаси “Бож тарифи тўғрисида”ги қонуни; Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси.

**Банк-молия меъёрлари:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги № ПҚ-1317-сон Қарори (Илова № 1); Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг “Банклар томонидан лизинг хизматларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом; Лизингга оид марказий банк, тижорат банклари йўриқномалари.

**Лизинг хизматларининг бухгалтерлик ҳисоботи:** ЎЗР Миллий бухгалтерлик ҳисоботи стандарти (МБҲС); “Бухгалтерия ҳисобида лизинг хизматларини акс эттириш тартиби тўғрисида”ги низом.

Хусусан, Фукаролик кодексининг 34-бобидаги олтинчи банд лизингга, яъни молия ижарасига бағишланган бўлиб, унда лизингнинг таърифи берилган. Жами 13 моддадан иборат бўлган бу бандда лизинг шартномаси,

объекти, субъекти, лизинг тўловлари, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарликлари, ҳуқуқлари ва бир қатор бошқа масалаларни қамраб олган.

Айни шу даврда “Ўзбеклизинг интернешнл” АЖ (1995 й.), Осиё-Европа траст компанияси (ОЕТК) (1996 й.), “Барака” универсал лизинг компанияси ОАЖ (1996 й.), “Ўзкейсагролизинг” КД (1997 й.), “Ўзавиализинг” АЛК (1997 й.) каби ҳозирги кунда ҳам самарали фаолият юритаётган миллий ва қўшма корхоналар ташкил этилди. Бу лизинг тузилмаларини шакллантиришда чет эл тажрибасидан фойдаланилди. Бугунги кунга келиб республикамизда 100 га яқин лизинг хизматларини амалга оширувчи лизинг компаниялари ва тижорат банклари тизими мажуд бўлиб, уларнинг лизинг хизматларини амалга ошириш шартларини 8-иловада келтириб ўтамиз (8-иловага қаранг).

1997 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзкейсагролизинг” ўзбек-америка компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 111-қарорига биноан Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва унинг шўъба корхонаси «Барака» УЛК ОАЖга бир ой муддатда «Лизинг тўғрисида»ги вақтинчалик Низом ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилди. Тайёрланган ҳужжат, лизинг асосида молиялаштиришнинг шартнома муносабатларини қулай шароитлари ва принципиал асосларини қамраб олган эди. Бироқ мамлакат ҳукумати лизинг бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада мужассамлаштириш ҳамда у лизинг муносабатларининг барча жиҳатларини қамраб олиши лозимлигидан келиб чиқиб, вақтинчалик Низом ўрнига “Лизинг тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида хулосага келди.

1998 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасида қатор вазирликлар, банк, молия ва лизинг тузилмалари мутахассисларидан иборат гуруҳ иш бошлаб, у “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқди ва 1999 йил 14 апрелда Олий Мажлиснинг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуни кучга кирди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лизинг бўйича Олий Мажлис томонидан

қабул қилинган биринчи махсус давлат ҳужжати бўлиб, унда лизинг хизматларини амалга ошириш тартиблари, унда иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лизинг объектининг таърифи ва лизинг фаолиятини белгиловчи меъёрлар ўзининг аниқ аксини топди.

Мамлакатда лизинг муносабатларининг ривожланиши ҳамда республика тижорат банкларини молиявий хизмат турини кўплаб кўрсатишга жалб қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1997 йил 29 мартда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг хизматларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қоидалари муҳим рол ўйнади. Хусусан, бу ҳужжат тижорат банкларининг лизинг бозорида фаолият юритиш меъёрларини аниқлаб, банк миқозлари бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларига банклар томонидан лизинг хизматларини бажариш учун ҳуқуқий асосларни яратди. Уларнинг лизинг хизматлари қатор хусусиятларга эга бўлиб, аввало, деярли барча банклар лизинг лойиҳаларини ўзлари учун паст рентабеллик билан амалга оширдилар. Бу ҳол мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатли кредитлар учун мавжуд, аммо лизинг хизматларига нисбатан қўлланилмайдиган солиқ имтиёзлари билан боғлиқ.

Тижорат банклари миқозларни лизинг лойиҳаларини кредитлаш ставкаси бўйича молиялаганлиги туфайли уларнинг фойдаси ҚҚС ҳисобига камайган. 2002 йил 28 августдаги "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда Марказий банкнинг "Тижорат банкларининг молиявий лизинг хизматларини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомга киритилган тузатиш ва қўшимчалар банклар учун лизинг хизматларини фаол амалга оширишга шарт-шароит яратиб берди. Лизинг берувчиларнинг лизинг хизматларини ўтказиш чоғида қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши лизинг хизматлари бозорида банкларнинг фаол иштироқи учун ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни янада мустаҳкамлади ва ривожлантирди. Мисол

тариқасида Президент Фармонидан сўнг лизинг фаолиятини эндигина бошлаган иккита банк (“Қишлоққурилишбанк” – олдинги “Ғаллабанк” ва “Микрокредитбанк” – олдинги “Тадбиркорбанк”) 2002 йилнинг охирига қадар 110 та лизинг хизматларини амалга оширганлигини ёки тижорат бинклари томонидан Фармондан кейинги 2 йилда амалга оширилган лизинг хизматлари сони 5 баробарга ошганлигини келтириш мумкин. Фармон лизинг хизматларига банк кредитлари билан бир хил бўлган солиқ солиш шартларини таъминлаб, банкларга ўз лизинг хизматлари ҳисобидан даромадларини ошириш имконини берди.

Республикада лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлидаги вазифалардан бири бўлиб "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги қонунларнинг халқаро лизинг қонунчилиги ва давлат иқтисодиётига оид бошқа қонунлар билан тартибга келтирилиши ҳисобланади. Бунда Оттавада қабул қилинган (1988 йил) ва 1995 йил 1 майдан кучга кирган БМТ Конвенцияси қоидалари ва ушбу Конвенцияга аъзо бўлган ва бўлмаган давлатлар қонунчилигини инобатга олиш асосий муаммолардан бири эди. Айниқса, МДҲга аъзо бўлган давлатларнинг лизингни ривожлантириш бўйича дастлабки йилларда қабул қилган қонун ва қоидаларини ўрганиш ва уларни ўз қонунчилигимизни такомиллаштиришда инобатга олиш муҳим эди.

Лизинг бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатда ҳуқуқий ислохотлар давом эттирилди. Юқорида қайд этилган Президент Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси айрим қонуний ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ ЎЗР Фуқаролик ва Солиқ кодексига, ЎЗР “Лизинг тўғрисида” ги ва “Божхона тарифлари тўғрисида”ги қонунларига 38 та ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича асосий тайёргарлик ишлари қатор вазирликлар, идоралар,

тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари ва халқаро молиявий институтлар вакиллари қатнашди ва “Барака” компанияси ташаббуси билан 2001 йилда ташкил этилган «Лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришга қаратилган тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича» ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилди. Лизинг тўловларини ҚҚСдан озод этиш, лизингга бериш мақсадида ЎЗР ҳудудига олиб кириладиган технологик ускуналарни ҚҚС ва бошқардан озод этиш, хўжалик субъектларини – лизинг олувчиларни лизингга берилган мулкни мулк солиғидан озод этиш каби имтиёзлар берилиши ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишининг натижаси бўлди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон Республикаси лизинг берувчилар уюшмаси (ЛБУ)” ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари Ўзбекистонда лизинг бозори ривожланишининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда лизингнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисм, олтинчи бандида мустаҳкам белгилаб қўйилган, унда лизинг молиявий ижара деб аталган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (ЎЗР ФК)даги 587 дан 599 гача бўлган 13 та модда лизингга ажратилган. Жумладан, 587-моддада таъкидланишича, лизинг шартномаси лизингни молиявий ижара сифатида назарда тутати ва лизинг объектини харид қилиш учун фақат лизинг берувчининг ўз маблағларидан фойдаланишини кўзда тутган. Бу таъриф эса лизинг хизматлари миқёсини, шу жумладан уларнинг қийматини, эҳтимоли бўлмиш лизинг олувчилар доирасини ва лизинг объекти рўйхатини торайтиради. Амалда катта миқёсдаги лизинг хизматларини кўшимча молиявий ресурсларни жалб этмай амалга ошириб бўлмайди ва буни жаҳон тажрибасидан кўриш мумкин. Ўзбекистонлик олимлар ўз тадқиқотларида ЎЗР ФКга "... ўз маблағи ҳисобидан" сўзларидан кейин "ва жалб этилган маблағлар" сўзларини киритиш тарафдори эканликларини билдиришган. Шундай ўзгартириш киритилиши лизинг берувчига фақат ўз

маблағи ҳисобидан эмас, четдан жалб этилган ресурслар ҳисобига ҳам лизинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берди ва ЎзР ФКга ҳам шундай қўшимчанинг киритилиши мазкур қонун ҳужжатлари ўртасидаги номувофиқликни бартараф қилди.

Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларининг мураккаблиги ва нисбатан янгилиги бу муносабатларнинг ҳуқуқий табиати хусусида ҳар хил нуқтаи-назарлар мавжудлигига олиб келди. Лизинг муносабатларининг қатнашчилари лизингни қандай тушунишларини аниқ ва равшан таърифлаб бериш лизинг муносабатларини ҳуқуқий расмийлаштириш давомида пайдо бўладиган асосий вазифадир.

Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунида ва бошқа ҳужжатларда, юқорида қайд этилганидек, лизингнинг аниқ таърифи берилмаган, у молиявий ижара деб талқин этилган. Мазкур қонунни қўшимча равишда ишлаб чиқиш жараёнида эса лизингнинг қарз олиш-бериш, иқтисодиёт субъектлари ўртасида замон ва маконда тақсимот муносабатлари асосидаги ижаранинг алоҳида тоифаси тарзида рўёбга чиқадиган ўзаро боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий ва мулкӣ муносабатлар мажмуаси сифатидаги моҳияти очиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бинобарин, лизинг кредитини асосий капиталга қўйилган инвестиция сифатида таснифлаш мумкин. Иқтисодий нуқтаи-назардан лизинг – лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига фойдаланиш учун бериладиган мол-мулк шаклидаги ўзига хос кредитдир. Таъкидлаш лозим бўлган яна бир муҳим гап шундаки, лизинг келишувида қарз (кредит), инвестициялаш муносабатлари, мулкӣ ва ижаравий муносабатлар ҳақиқатда лизинг келишуви барча қатнашчиларининг манфаатлари ўзаро мос келган ва улар бир фикрга келган тақдирдагана рўй бериши мумкин. Айти кредит муносабатларида бўлганидек, лизинг муносабатлари ҳам қатнашчилардан ҳар бири келишувдан ўз манфаатини умид қилган тақдирда, инвестициялаш ва ижарага топширишнинг

ушбу усули лизинг берувчига манфаатлироқ бўлган тақдирдагина юзага чиқиши мумкин.

Кенг маънода олганда, лизинг тўғрисидаги шартномадан ташқари, бу асбоб-ускуна етказиб бериш шартномаси, қарз шартномаси, суғурта шартномаси ва шу кабиларни қамраб оладиган мулкый муносабатлар мажмуасидан иборатдир. Амалий нуқтаи-назардан мол-мулкни лизинг олувчи томонидан қўлга киритиш, фойдаланиш ва қисман тасарруф этиш учун вақтинча топшириб қўйиш лизингнинг ўзагини ташкил қилади.

Лизингнинг асосий ғояси мол-мулкни қўлга киритиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини мулкчилик ҳуқуқидан ажратишдан иборат. Бутун лизинг шартномаси муддати давомида лизинг берувчининг мулки бўлиб турадиган лизинг объектининг ўзи лизинг битимини таъминловчи асос эканлиги лизинг бизнесининг ўзига хос алоҳида хусусиятидир.

Ўзбекистон Республикаси ФК ва "Лизинг тўғрисида"ги қонунига биноан лизинг объектини ўз эгаллиги ва фойдаланиши учун оладиган шахс лизинг олувчи, деб эътироф қилинади, аммо, гарчи лизинг объекти вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг берувчининг ёзма розилиги билан учинчи шахсга қўшимча тарзда топширишга рухсат этилса ҳам лизинг олувчининг мулкни қисман тасарруф этиш ҳуқуқи кўзда тутилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг ва "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг янги тахрирларида ҳам лизинг тўловининг барча унсурлари (590- ва 22-моддалар) санаб ўтилмаган. Бу моддаларга биноан, лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади.

Фикримизча, лизинг тўлови таркибига қуйидаги унсурлар киритилиши керак: лизинг мол-мулкининг амортизацияси; лизинг битимини амалга ошириш учун лизинг берувчи томонидан жалб этиладиган кредит ресурслари учун тўлов; воситачилик ҳақи (лизинг берувчининг маржаси); қалтислик хавфи учун тегишли мукофот; лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига кўрсатиладиган суғурта тўловлари. Лизинг тўловларидан ҚҚС олиниш қоидаси бекор қилиниши муносабати билан, мазкур солиқ суммаси лизинг тўлови таркибидан бугунги кунда чиқариб ташланди.

Фикримизча, кўрсатилган йўналишларда лизингнинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштириб бориш инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил усули бўлган лизингни ривожлантириш ва кенгайтиришга кўмаклашади. Давлат миқёсида эса инвестиция сиёсати фаоллашади, асосий капиталга молиялаштиришнинг анъанавий манбаларини тўлдиради.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазалар ҳозирги вақтда Ўзбекистонда лизинг муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд, деган хулоса чиқариш имконини беради.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **2.1. Миллий иқтисодиётда лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкिलий-иқтисодий омиллари ва уларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш**

Иқтисодиётни модернизациялашни жадаллаштириш, янги техника, ускуна-жиҳозларни олишни молиялаштириш учун молиявий манбаларни излаб топиш лизинг, шу жумладан лизинг инфратузилмасини ривожлантиришни назарда тутди. Лизингнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, корхоналарнинг молиявий ресурслари чекланган даврда лизинг ресурсларни тежаш асосида машина ва ускуналар паркини қисқа муддатларда янгилаш имконини беради. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурслар йўқ бўлганида, уларнинг лизингдан ташаббускорлик ва тадбиркорлик билан фойдаланиши айниқса ўринли бўлади. Лизинг хизматлари хорижий капитални, замонавий технология ва “ноу-хау”ни жалб этиш учун қулай замин яратади.

Ўзбекистон Республикасида, иқтисодиётнинг нодавлат секторида (қишлоқ хўжалик корхоналари, КБХТ корхоналарида) лизинг хизматига талаб айниқса катта, чунки бу секторда капитал ҳажми кам, амортизация ажратмалари оз, айрим ҳолларда эса мутлақо йўқ. Уларнинг бошқа воситалари ҳам йўқ, жамғармалари эса етарли эмас. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда лизинг хизматига алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Хусусан, кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари айнан лизинг орқали замонавий ихчам технологияларга эга бўлиши мумкин. Бугун биз учун ғоят зарур бўлган инвестициялар оқими кучайишига, қишлоқ хўжалик техникасини, транспорт ва самолётлар паркини янгилашда лизинг амалий восита бўлиб хизмат қилиши зарур”.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз ва унинг ҳудудларида лизинг хизматларини ривожлантиришда омилларнинг роли бениҳоя катта бўлиб, биз уларни ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий белгилари бўйича шартли тарзда қуйидаги чизмадагидек таснифладик (2.1.1 расмга қаранг).

### **Лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари**

#### **2.1.1.-расм.**

2.1.1-расмдан кўринадики, лизинг хизматларининг, лизинг бозори ва муносабатлари миллий, минтақавий, ҳудудий ва маҳаллий даражада тартибга солинади. Бунда республикамизнинг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, соҳа фаолиятини мувофиқлаштирувчи идора ва ташкилотларнинг турли йўриқномалари, Низом ва қоидалари, ҳудудларда ҳокимликларнинг Фармойишлари ва қарорлари, минтақавий идоралар ва бошқармаларнинг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари хизмат қилади.

Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий омиллари таркибига унинг меъёрий-ҳуқуқий заминини такомиллаштириш, соҳани бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини шакллантириш, лизинг хизматларининг стандартлари ва регламентлари, тизимнинг ахборот-меъёрий таъминоти бошқарув шакллари, усули ва дастаклари, лизинг хизматлари муносабатларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш механизми каби омилларни киритиш мумкин.

лизинг хизматларини ривожлантиришнинг иқтисодий омиллари таркибига унинг инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланиши, лизинг хизматлари соҳасига инвестицияларни жалб этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тизими, соҳа субъектларини солиққа тортиш, ҳисоби ва суғурта тизими, лизинг хизматлари учун тўловларни ҳисоблаш усуллари ва даврийлиги, гаров

таъминоти, лизинг хизматлари бозорида баҳоларни шакллантириш, аванс тўлови ва фоиз ставкаларининг даражаси кабиларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги кўрсаткичларни республикамиз лизинг берувчилари бўлган лизинг компаниялари ва тижорат банклари мисолида диссертациянинг кейинги бўлимларида таҳлил қилиб ўтамыз.

90-йилларнинг охирларида республикада ташкил этилган 12 та лизинг компаниясидан кейинги даврда уларнинг атиги 4 таси лизинг фаолиятини давом эттирди. 1997-2001 йилларда лизинг компаниялари 11,9 млн. АҚШ доллари ва 26,6 млрд. сўмлик асбоб-ускуна тақдим этди, шундан КБХТни кўллаб-қувватлаш учун 4,2 млн. АҚШ доллари ва 8,32 млрд. сўмлик асбоб-ускуна етказиб берилди. Сўнгги йилларда ташкил этилган лизинг хизматлари субъектларининг фаолияти самараси натижасида 2009 йилга келиб, бу кўрсаткич 274,2 млн. АҚШ долларига етган ёки 1997-2001 йиллар бирга қўшиб ҳисобланган кўрсаткичларга нисбатан қарийиб 23 мартадан ортиқ ошган.

Шунга қарамай, лизинг хизматлари иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта қуроллантириш соҳасида ошиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўқис қондирмайди. 2000 йил якунларига кўра, ЯИМга нисбатан лизинг хизматларининг ҳажми бор-йўғи 0,03 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб эса бу кўрсаткич 0,84 фоизга етди, яъни қарийиб 28 мартага ошган.

Ташкил этилган лизинг компаниялари ҳали унчалик ривожланмаган, шу сабабли КБХТ қишлоқ хўжалик корхоналарининг инвестиция фаолиятидаги кўпгина вазифаларни лизинг хизматлари ўз зиммасига ололмади. Аввало катта лизинг битимлари учун лизинг компанияларининг капитали етишмаслигини таъкидлаш зарурдир. Улар томонидан қарз маблағларни жалб этиш учун бўш турган ресурслар бўлиши талаб қилинади. Иқтисодиётда ликвид маблағларнинг мавжудлиги молиявий воситачилик ривожланганлигини олдиндан белгилаб беради ва аслида умуман миллий иқтисодиётнинг молиявий тизими

самарадорлигидан далолат беради. Молиявий воситачиликни ривожлантириш йўли билан кредит ресурслари вужудга келтирилади, бу эса молия ва банк институтлари ўртасидаги рақобатни кучайтиради.

Энг йирик банклар томонидан муайян даражада марказлаштирилган кредит ресурсларининг жалб этилиши ва «узун» депозитларнинг етишмаслиги рақобатнинг ривожланишига кўп жиҳатдан таъсир қилади. Иқтисодиётнинг реал секторида тижорат банклари ҳозирча қарз олувчиларнинг асосий капиталига кредит беришдан унча манфаатдор эмас. Буни банкларнинг ликвидлик активларини муносиб тарзда шакллантириб олиш муддаоси ва уларнинг муайян вақтда ресурсларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш стратегияси билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги босқичда даромадларни кўпайтириш ва фоиз ставкасининг инвестицияларга таъсирини унчалик оширмаслик асосий мақсад эканини тадқиқотлар кўрсатиб турибди. Қайд этилган омиллар банклар ўртасидагина эмас, банкдан бошқа муассасалар ва лизинг компаниялари ўртасида ҳам рақобатни ривожлантиришга бирор-бир тарзда таъсир қилади.

Миллий иқтисодиётда тузилмавий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун аввало иқтисодиётнинг ўзагини ташкил этувчи аграр секторда бозор инфратузилмасини жадал ислоҳ қилиш керак бўлади. Бу гап тижорат банклари ва бошқа молия институтлари тизимига, шунингдек улар кўрсатадиган хизматларнинг ҳажми ва турлари муаммосига тўла-тўқис тааллуқлидир. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги тадбиркорликни молиявий, кредит, ҳуқуқий, ахборот, инновация-технологиялар билан таъминлаш ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур. Тижорат банклари томонидан молиявий лизингни ривожлантириш учун шароит яратилиши мазкур муаммони ҳал этиш йўларидан биридир. Лизинг хизматларини ўтказишдаги тижорий, иқтисодий ва молиявий афзалликларгина фан ва техника янгиликларини иқтисодиётнинг барча соҳаларига жуда қисқа

муддатларда жорий этишга кўмаклашиши мумкин. 2002 йил 1 сентябрга қадар барча банклар лизинг лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этишда кредит хизматларининг самарадорлигига нисбатан лизинг хизматларини пастроқ даражада амалга оширди. Бу эса лизинг фаолиятини ҚҚСга тортилиши билан боғлиқ эди. 2002 йил 28 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг кучга кириши, тижорат банкларининг лизинг хизматларини кўпайтиришга имконият яратди.

Ўзбекистоннинг лизинг компаниялари аввало ўз капиталининг етарли эмаслиги билан ривожланган мамлакатларнинг шундай компанияларидан фарқ қилади. Бундан ташқари, уларда капиталларининг ҳажми камлиги ва рағбатлантирувчи омилларнинг йўқлиги сабабли лизинг хизматларини ривожлантириш учинчи минг йиллик бошларида жуда суст борди. Белгилаб кўйилган ўзгармас фоиз ставкаларидан фойдаланиш ва бу ставкаларнинг вақти-вақти билан ўзгартириб турилиши ва барқарор эмаслиги ҳам бунга бирмунча тўсиқ бўлди. Шу билан бирга, лизинг асосида қулга киритилаётган мулкка ҚҚС ставкаси юқори бўлганлиги ва лизинг хизматларига солиқ солиниши туфайли лизинг хизматлари лизинг олувчилар учун манфаатли бўлмади. Шу сабабли асримизнинг бошларида молия институтлари лизингни бирмунча қисқа муддатларга ва қалтислик хавфи камроқ бўлган даромадли операцияларга жойлаштиришни афзал билдилар. Тадбиркорлик фаолиятини ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш амалиёти ривожланмаганлиги лизингни кенгайтиришга ҳам имкон бермади, ҳолбуки бу усул, аслида, инвестициялар-ни молиялаштиришнинг баланسدан ташқари муқобил усули сифатида қарз олувчиларга манфаатли бўлиши маълум эди.

Лизингнинг юзага келиш амалиётини кузатиш натижаларига қараганда, унинг муваффақиятли ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборатдир:

- лизинг берувчилар ҳам, лизинг олувчилар ҳам унинг моҳиятини, афзалликларини етарлича тушуниб олмаганлари;
- лизинг бозорига хизмат киладиган инфратузилмалар, ривожланган лизинг компаниялари, консалтинг фирмалари тармоқларининг камлиги;
- лизинг хизмати таклифлари ҳақида доимо тўлдириб туриладиган реклама ва тушунарли ахборот билан таъминлайдиган лизинг ахборот таъминоти тизими тўла ривожланмаганлиги;
- лизинг компанияларини ташкил этиш учун илк капитал етишмаганлиги.

Лизинг тадбиркорга лизинг компаниясидан зарур асбоб-ускуна олиш учун зарур маблағнинг учдан бирига эга бўла туриб, иш бошлаш имконини беради. Аммо, лизинг компанияси асбоб-ускунани ишлаб чиқарувчидан тўла қиймати бўйича сотиб олиши керак, бунинг учун унга кредит ресурслари талаб этилади. Банклар кўпдан-кўп лизинг олувчилардан кўра лизинг компанияларига кредит беришни хоҳлайди. Шу нуқтаи-назардан, молиявий лизингнинг вужудга келиши кредитлашдаги қалтислик хавфларини камайтиришга кўмаклашади;

- ривожланишни рағбатлантирувчи омиллар, солиқ соҳасида имтиёзлар бўлмаганлиги, дастлабки даврларда қўшилган қийматга икки ёқлама солиқ солиниши. Амалдаги солиққа тортиш тартибига биноан ҚҚС лизинг берувчидан сотиб олинган асбоб-ускуна учун олинар эди. Унинг миқдори лизинг берувчи томонидан асбоб-ускуна харид қилишга олинган кредит учун тулаган фоизлар каби лизинг тўловларига қўшиб ҳисобланар эди. Лизинг хизматларидан ҚҚС ундириш амалиёти лизинг тўловларига қўшимча солиқ тўланишидан далолат берар эди. Лизинг берувчи асбоб-ускунани олиши биланоқ солиқ тўлар эди, лизинг олувчи эса солиқ суммасини лизинг тўловлари таркибида босқичма-босқич қоплаб борар эди.

- лизинг инфратузилмасида ишлайдиган тажрибали, юқори малакали ходимлар етишмаслиги ва ходимларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишнинг йўлга қуйилмаганлиги;

Кейинги йилларда лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш бўйича ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар, амалга оширилган чора-тадбирлар бу тўсиқларни бартараф этди.

Ҳозирги вақтда лизинг хизматларини кенг миқёсда ри-вожлантиришда салбий таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд. Республикада машина ва асбоб-ускуналар савдосининг улгуржи бозори тўлиқ ривожланмаганлиги, янги техника ва технологияга эҳтиёжнинг қондирилмаслиги лизинг хизматларини кенгайтиришга ҳам тўсқинлик қилаётир. Мазкур иккала кўрсаткич ўртасида ўзаро алоқа мавжуд, улгуржи савдога нақадар тезроқ ўтилса, машина ва асбоб-ускуналар танқислиги шунча тезроқ тугатилган бўлар эди.

2002-2006 йилларда лизинг қонунчилигида амалга оширилган ислохотлар натижасида лизинг хизматлари бозорининг ривожланишини рағбатлантирувчи қуйидаги имтиёзлар амалиётга жорий этилди:

- Ўзбекистонда лизинг тўловлари ҚҚСдан ва лизинг олувчилар лизинг предмети бўйича мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинган.

- 2009 йилнинг 1 январигача лизинг асосида олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари лизинг олувчининг ялпи даромадидан (солиққа тортиладиган базадан) чегириб ташланади;

- лизинг олувчининг ялпи даромадидан солиққа тортиладиган базани аниқлаб олишда лизинг тўловларининг бир қисми чиқариб ташланади. Хусусан, лизинг тўловлари таркибида мавжуд бўлган ва лизинг олувчи томонидан тўланадиган фоизлар (лизинг берувчининг даромади) ялпи даромаддан чиқариб ташланади;

- агар лизинг берувчи лизинг объектини харид қилишда кредит маблағларидан фойдаланган бўлса, кредит муддатидан қатъий назар фоизлар суммасини ва кредит бўйича белгиланган бошқа тўловларни даромад (фойда) солиғига тортиладиган базадан чегириб ташлаши мумкин;

- импорт қилувчи томонидан ўз эҳтиёжи учун ёки лизингга бериш мақсадида Ўзбекистонга киритиладиган технологик жиҳозлар ҚҚСдан озод қилинади, агар импорт қилувчи унга хизмат кўрсатувчи банкнинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатини тақдим қилса;

- лизинг олувчининг лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи лизинг муддати вақти келиши натижасида лизинг олувчи барча лизинг тўловларини тўлаган ҳолда лизинг предметига қўшимча маблағ тўламасдан эгалик қилса, у йўл фондига мажбурий йиғимлардан озод қилинади. Бошқа ҳолларда, автотранспортга эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг олувчига ўтганда, йўл жағармаси учун йиғим битимда келишилган сотиб олиш қийматидан олинади.

Мамлакатимизда лизинг бозорининг ривожланишини янада кучайтириш мақсадида 2006-2007 йилларда солиқ имтиёзлари берилиши давом этди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-325-сон Қарорига асосан лизинг хизматини кўрсатувчи юридик шахслар 2006 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан, ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўловини тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиладиган базанинг 25

фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилган ҳолда солиқ имтиёзи жорий этилди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда лизинг хизматлари бозорининг тараққий этганлигига қарамасдан 2010 йил якунларига кўра, ўртача лизинг битимларини амалга ошириш муддати 2,4 йилни ташкил этди (2007 йилда 3 йил бўлган).

Лизинг битимлари муддатининг қисқариши юқори технологияли, замонавий жиҳозлар ва қишлоқ хўжалиги техникаларининг лизинг асосидаги харидининг қисқаришига олиб келади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан узоқ муддатли инвестиция бозорида лизинг хизматларининг ролини ошириш бўйича бир қатор чоратadbирлар амалга оширилди. Жумладан, 2009 йил 29 октябрдан бошлаб Молия вазирлигининг “Узоқ муддатли инвестициявий молиялаштиришнинг жами кредит портфелидаги улушидан келиб чиқиб тижорат банклари фойдасига солиқ солиш бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарори кучга кирди ва шу асосда узоқ муддатли инвестицияларни молиялаштирувчи тижорат банкларининг фойдасига солиқ солишда имтиёзларни қўллаш тартиби белгилаб берилди. Низомга мувофиқ, узоқ муддатли инвестициявий молиялаштириш деганда, уч йилдан кам бўлмаган муддатга бериладиган инвестиция кредитлари ва лизинг хизматлари тушунилади.

Низомнинг асосий жиҳати бу банкларга бериладиган солиқ имтиёзларидир. Жумладан, 2015 йилнинг 1 январигача банклар ўзларининг кредит портфелида мавжуд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари улушидан келиб чиқиб, фойда солиғини табақалашган ставка бўйича тўлайдилар.

Фойда солиғи ставкасини табақалаштириш қуйидаги тарзда амалга оширилади: узоқ муддатли инвестиция кредитлари (лизинг хизматлари)нинг жами кредит портфели таркибидаги улуши 35 фоиздан 40 фоизгача бўлса, солиқ

ставкаси ўрнатилган ставкага нисбатан 80 фоизни ташкил этади, 40 фоиздан 50 фоизгача бўлса – ўрнатилган ставканинг 75 фоизига, 50 фоиздан юқори бўлса, белгиланган ставканинг 70 фоизи миқдорига тенг бўлади. Уч йилдан ортиқ муддатга берилган инвестиция кредити ёки лизинг хизмати муддатидан олдин қайтариладиган (тўланадиган) бўлса, ушбу кредит ёки лизинг хизмати узок муддатли ҳисобланади.

Ушбу меъёрий ҳужжатнинг кучга кириши лизинг берувчиларнинг узок муддатли лизинг хизматлари кўрсатишини рағбатлантиради. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан модернизациялашни ҳамда фермер хўжаликларини зарур техника билан таъминлашни жадаллаштиради.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги Фармонида халқаро молия институтлари вакиллари, хусусан, ХМКнинг Марказий Осиёдаги ҳудудий вакили Гортон Де Монд ҳам юқори баҳо берди: “Ушбу Фармон ХМК ва хусусий инвесторлар томонидан КБХТга керакли капиталларни киритишда зарур бўлган қулай инвестиция муҳитини яратиш йўлида сезиларли қадам бўлди”.

Ўзбекистонда лизинг лицензия талаб этмайдиган фаолият тури бўлганлиги туфайли, мамлакатимизда лизинг хизматларини нафақат лизинг компаниялари, тижорат банклари, балки бошқа муассасалар ҳам амалга оширмақдалар. Масалан, Ўзбекистонда телекоммуникация ва алоқа соҳаларида иш юритадиган айрим компаниялар ўзларининг фаолиятлари учун зарур бўлган ускуналарни чет эллик лизинг берувчилардан олган ҳолда халқаро лизинг хизматларини амалга оширмақдалар. Умуман олганда, шуларни таъкидлаш жоизки, 2000-2010 йиллар давомида лизинг хизматларининг асосий воситалар турлари ва ҳудудлар бўйича тақсимоотида тубдан ўзгариш кузатилди.

Лизинг хизматлари бўйича мамлакат қонунчилигининг такомиллаштирилиб борилиши тижорат банклари томонидан ўтказиладиган лизинг хизматлари

ҳажмининг ўсишига тўртки бўлди. 2005-2010 йиллар мобайнида тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган лизинг хизматлари ҳажми сезиларли равишда кўтарилди. 2005-2010 йилларда лизинг лойиҳаларининг энг кўп сонини АТ “Агробанк”, “Микрокредитбанк” ОАТБлар амалга оширди. Бунинг табиийлиги шундан иборатки, лизинг хизматларига бўлган талаб асосан қишлоқ хўжалик техникасига ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган юқори талаб билан, айниқса фермер хўжаликларининг кенг тус олиши ва уларнинг асосий воситалари янгиланиши зарурлиги билан белгиланади.

Банклар томонидан ўтказилган лизинг хизматлари ҳажмининг ўсиши, асосан улар томонидан кўрсатилган лизинг хизматлари эвазига кўтарилди. Лизинг хизматлари бозорига янги тижорат банкларининг кириб бориши туфайли мамлакат лизинг секторидида тижорат банклари лизинг хизматларининг йил сайин ошиб бориши сингари ижобий тенденция кузатилмоқда. Айнан республикамизда лизинг хизматлари бозоридида, КБХТни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда тижорат банкларининг тутган ўрни катта бўлиб, диссертациямизнинг кейинги бўлимида буни “Микрокредитбанк” ОАТБ мисолида батафсил кўриб ўтамыз.

- **Қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини ривожлантириш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш хусусиятлари**

Мустақиллигимиздан кейинги ўтган ўн тўққиз йил мобайнида КБХТ мамлакат миллий иқтисодий тараққиётининг энг муҳим таянчи, республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналиши, аҳоли турмуш фаровонлиги ва даромадларини ошириш воситаси сифатида тараққиёт локомотивига айланиб улгурди. Бугунги кунда мамлакатимиз ЯИМнинг қарийиб ярми ушбу соҳада яратилди ва иш ўринларининг учдан икки қисми ушбу соҳада банд бўлмоқда.

Молия бозорида рақобатни янада ривожлантириш, капитал инвестициялар ҳажмининг ошишини таъминлаш, КБХТни ривожлантиришда лизинг хизматларининг ўрни беқиёс бўлиб, кейинги йилларда кўпчилик тадбиркорларнинг шу хизмат туридан фойдаланаётгани бунинг далилидир. лизинг хизматлари ёрдамида КБХТ корхоналари кам пул маблағлари шароитида ҳам замонавий ускуналарни жалб қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу имкониятлар лизингни маълум муддатда шартнома асосида босқичма-босқич амалга оширилиши билан изоҳланади. Бунда келишилган муддат мобайнида лизинг шарти асосида олинган жиҳозларни ишлатиш натижасида кўрилган даромадлар билан ҳам лизинг тўловларини тўлаб бориш мумкин. Шунингдек лизинг берувчи ҳам ўзлик ва қарзга олинган маблағлар эвазига мулкни лизинга бериш имкониятига эга бўлади. Бу эса сотиладиган кўчмас мулклар, товарлар, ускуналар ва бошқаларнинг савдоси тўхтаб қолишига йўл қўймайди. Банк кредитига нисбатан лизинг амалиёти асосий воситаларни молиялаштириш усули юзасидан тадбиркорлар учун бир қанча устунликларга эга. Хусусан, банк кредитини олишда, кредит олишдан олдин анчагина молиявий харажатларни қоплаш, шунингдек, корхона кредит суммасининг 120 фоизидан кам бўлмаган таъминотни тақдим этиш ҳамда гаровни тайёрлаш ва суғурта қилиш бўйича комиссия ҳақларни тўлаш каби бир қанча қўшимча талабларни бажариши лозим бўлади.

Иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган бозор инфратузилмаси институтларининг ривожланишида лизинг компанияларини ривожлантириш алоҳида ўрин тутаяди. Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидагича таъкидлайди: “Биз янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг ўз фаолияти учун зарур ускуна ва технологиялар сотиб олишга имкон берадиган лизинг тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз”.

Дархақиқат, Ўзбекистонда иқтисодийнинг реал сектори ривожланишига ҳамда КБХТни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар лизинг амалиётларининг янада ривожланиши учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Бугунги кунда республикадаги 80 дан ортиқ субъектлар, шу жумладан, 50 та ихтисослашган лизинг компаниялари, 21 та тижорат банклари ва 10 тадан ортиқ нобанк муассасалари томонидан лизинг хизматлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда лизинг хизматларига яратилаётган шарт-шароитларнинг самараси туфайли мамлакатимизда ташкил этилган "Ўзбеклизинг интернешнл" АЖ, "Барака" универсал лизинг компанияси, "Ўзкейсагролизинг", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" ва "Ўзавиализинг" компаниялари фаолиятида кескин бурилиш юз бера бошлади. Айни пайтда, мазкур компаниялар билан биргаликда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи тижорат банкларида лизинг амалиётлари йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида, юртимизда янги бозор инфратузилмасининг ривож топиши ва соғлом рақобат вужудга келиши учун қулай муҳит яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, лизингга берилган кредитлар аввало, кредит таъминоти учун етарли маблағи бўлмаган тадбиркорларга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун 40-50 гектар ери бўлган фермерларга узоқ муддатга имтиёзли фоизларда берилиши, мақсадли ишлатилиши, кредитнинг қайтарилмаслик хатари камлиги, иқтисодийнинг реал тармоғига йўналтирилиши, янги иш жойларининг очилиши ҳамда пировардида, иқтисодимиз ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради.

Банк тизими томонидан КБХТ субъектларига қишлоқ хўжалиги техникаси ва минитехнологиялар олиш учун хизматлар кўрсатилишини кенгайтириш, консалтинг ва инжиниринг хизмати кўрсатиш марказлари томонидан

тадбиркорларга кўрсатилаётган хизматлар сифат даражасини ва ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Агар тадбиркорнинг технология сотиб олиш учун шахсий ресурслари етарли бўлса, масала осон ечилади ва у керакли ускуналарни сотиб олади. Лекин, тадбиркорда ҳамма вақт ҳам эркин маблағ бўлавермаслиги мумкин, бу пайтда унинг учун бошқа йўл, яъни банкка кредит учун мурожат қилиш қолади. Лекин бундай иш тутиш КБХТ вакилларининг кўпчилигига ёқмайди, ваҳоланки, ҳамма ҳам узоқ вақт кредит тарихи билан мақтана олмайди ёки 120 фоиздан кам бўлмаган кредит суммасини тўлолмайди. Бундай пайтда тадбиркор учун учинчи йўл бор, яъни ускуналарни лизингга олиб келиш. Лизинг келишуви салоҳиятига баҳо беришда лизинг компаниялари лизинг олувчини лизингга олинган мулкни ишлатишда нақд маблағларнинг муайян оқимини таъминлай билиш қобилиятига таянади, бу эса банкдан кредит олишдагидек биринчи навбатда кредит тарихига ҳам, гаровга қўйиш учун моддий бойликларга ҳам эга бўлмаган, янгидан ташкил этилган КБХТ субъектлари учун жуда қулай.

Лизинг моҳиятини қуйидаги ибора билан ифодалаш мумкин: “Бойлик фақат мулкка эга бўлишдан эмас, балки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишдан иборат”. Демак, корхона ёки тадбиркор ишлаш ва фойда олиш учун ижара мулкни бошқариш ҳуқуқига эга бўлишининг ўзи кифоя. Лизинг механизми бундай корхоналарга мажбурий лизинг тўловлари ҳисобига зарур ускуналардан маълум муддатга фойдаланиш ҳуқуқини беради ҳамда ускуналар тўлови ўз муддатида, тўлиқ амалга оширилгандан кейин улар корхона мулки бўлиб қолади.

Умуман лизинг хизматларининг ривожланиши иқтисодий ривожланишга бир қатор йўналишларда ижобий таъсир кўрсатади:

- лизинг хизматлари, муайян сабабларга кўра, бошқа молиялаш манбалари тўғри келмайдиган КБХТ корхоналарига ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш имконини яратади;

- лизинг хизматлари кичик бизнес соҳасидаги корхоналарнинг ускуналарни сотиб олиш ва молиялаштириш масалаларини бир пайтнинг ўзида ҳал қиладиган муҳим манбасидир;

- лизинг хизматлари молиявий хизматлар бозорида қўшимча рақобатни яратади ва лизинг муҳитини яхшилайти.

Ўзбекистон иқтисодиётида реал секторни ривожлантиришга ҳамда КБХТни қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий ислохотлар мамлакатда лизинг хизматларини янада ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қудратли яратувчи кучга айланди. Таъкидлаш жоизки, КБХТ субъектларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, миллий иқтисодиётни модернизация қилишда, шу соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада замонавий ва кенг қўламли банк хизматлари кўрсатишда барча имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси “Микрокредитбанк” ОАТБ нинг тутган ўрни аҳамиятли ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, микромолиявий ташкилот ҳисобланган “Микрокредитбанк” ОАТБ мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок ҳукуматимиз томонидан КБХТни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан ёндошилганлиги туфайли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонига асосан ташкил этилди. Мазкур банк жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз кечаётган бир пайтда кичик бизнес соҳасидаги корхоналарни техник ва технологик модернизация қилишга замонавий ускуналар, минитехнологиялар олиш учун имтиёзли микролизинг хизматларини кўрсатмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, 2009-2012 йилларга мўлжалланган мамлакатимизнинг Инқирозга қарши чоралар дастурига кўра, банкнинг капиталлашув даражаси янада оширилиб, унинг низом жамғармаси

150 млрд. сўм қилиб белгиланди. Банк томонидан КБХТ субъектларига кўрсатиладиган микролизинг хизматлари йиллик 7 фоиздан 5 фоизга камайтирилди.

Микросармоялардан ишбилармонларнинг яна ҳам кўпроқ баҳраманд бўлишлари учун гаровсиз, гуруҳ кафиллиги асосида бериладиган микролизинг жорий қилинди ва ўтган 2005-2010 йиллар ичида банк нафақат республикада, балки халқаро миқёсда ҳам ишончли микромолиявий муассаса сифатида тан олинди. Бугунги кунга келиб, “Микрокредитбанк” ОАТБ дунёдаги йирик молиявий ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки ва БМТ кредит линиялари грантларини КБХТни қўллаб-қувватлашга жалб этди.

КБХТни қўллаб-қувватлаш ва замонавий хизматлар кўрсатиш йўлида собитқадамлик билан олиб борилаётган ишлари туфайли “Микрокредитбанк” Бутунжаҳон Микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви – “MIX-MARKET” агентлиги ҳисоботига кўра, Марказий Осиё ва Европадаги микромолиялаш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури доирасида ҳудудларда ишлаб чиқилган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларнинг салмоқли қисми айнан ОАТБ “Микрокредитбанк”нинг имтиёзли микромолиявий ресурслари ҳисобидан молиялаштирилди.

2010 йилда КБХТ субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўлами 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошди ва 90,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунинг ҳисобига, 2010 йил давомида 88 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Банк фаолиятида микролизинг хизматлари алоҳида ўрин тутди ва ушбу йўналишда КБХТни қўллаб-қувватлаш тадбиркорлик субъектларини турли

соҳаларга тегишли бўлган машина-механизмлар билан таъминлаш асосида амалга оширилади.

Жами микромолиявий хизматлар таркибида микролизинг хизматларининг кўлами йил сайин ўсиб бормоқда. Банк 2008 йилда 5 млрд. сўм ҳажмда микролизинг хизмати кўрсатган бўлса, унинг ҳажми 2009 йилда 18,9 млрд. сўмга ва 2010 йилда эса 40 млрд. сўмга етди.

Тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар борасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан 2009 йил март ойида “Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда микрокредитнинг ўрни” мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Унга кўра, ОАТБ “Микрокредитбанк” Республика тижорат банклари ичида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳамда лизинг шартномалари сони ва ҳажми бўйича етакчи банк эканлиги, ўзининг қисқа давр мобайнидаги фаолиятида қишлоқ жойларида КБХТни рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослашган етакчи тижорат банкига айлана олганлиги ҳамда унга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатишда асосий ўрин берилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.


Микролизинг хизматларини кўрсатишда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, қурилиш моллари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва енгил саноат соҳаларини молиялаштириш дастурий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда такрор ва қайта ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш орқали янги ишчи ўринлари яратилди. Микролизинг портфелининг 29,4 фоизи микрофирмаларга, 26,2 фоизи хусусий корхоналарга, 19,5 фоизи МЧЖлар ва 24,9 фоизи фермер хўжаликларига кўрсатилган хизматларга тўғри келади.

Микрокредит ва микролизинг хизматларининг қайтарувчанлик даражасини ошириш, улар бўйича тўлов муддати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик, зарур чора-тадбирлар кўриш мақсадида банкнинг таркибий тузилмасида мониторинг гуруҳи ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятида:

- микроолиявий хизматлардан тадбиркорлик субъектларининг самарали фойдаланиши;
- бизнес режа параметрларига мувофиқ пул оқимининг таъминланиши;
- микроолиявий хизматларни қайтмаслик хатарини камайтириш мақсадида қабул қилинган таъминот мол-мулкларининг ҳолати;
- микроолиявий хизматларнинг қайтарувчанлик даражасини ошириш;
- микроолиявий хизматлар бўйича муддати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

**2010 йилда Ўзбекистон Республикаси ОАТБ “Микрокредитбанк” микролизинг хизматларини мижозлар тури бўйича тақсимланиши, фоиз ҳисобида**



**2.2.1-диаграмма**

Шунингдек, микроолиявий хизматлар эвазига барпо этилган объектларни мақсадли ишлатилиши юзасидан мониторинг қилинади ва тадбиркорлик субъектларига лойиҳанинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида банк томонидан КБХТ субъектларига тегишли тушунтиришлар берилиб, кўрсатилган ҳар бир микроолиявий хизматлар бўйича кредит йиғма жилди шакллантирилиши, ҳужжатларни юридик жиҳатдан сифатли расмийлаштирилиши ва қайтариш жадвалига асосан тўловларнинг ундирилиши таҳлил қилинган ҳолда, тўловларни ундириш юзасидан зарурий чоралар кўриб борилади.

Бугунги кунда ҳам республикамизда КБХТ субъектларининг таснифланиши юқоридаги Фармон асосида амал қилмоқда ва мустақилликдан кейинги ўтган 19 йил мобайнида мазкур тасниф бир неча бор ўзгариб турди (9-иловага қаранг).

Тадқиқотларимизга кўра, қишлоқ хўжалигини кредитлашда молиявий лизингнинг ўрни йил сайин кенгайиб бормоқда ва корхоналарнинг машина-трактор парклари айнан лизинг ёрдамида сотиб олинган техника ва ускуналар хисобига кенгаймоқда. 2010 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини кенгайтириш мақсадида 7,1 млрд. сўмлик узоқ муддатли кредитлар ва 14,7 млрд. сўмлик молиявий лизинг хизматлари кўрсатилди.

Молиялаштириш усулларида бўлмиш молиявий лизинг банк кредити эвазига молиялаштириш усулига нисбатан қатор афзалликларга эгадир ҳамда КБХТ субъектлари тоифасига кирувчилар учун қулайдир. Бир сўз билан айтганда, КБХТ субъектлари ўз ишлаб чиқаришларини йўлга қўйишда ва янгилашда кенгроқ доирадаги молиялаштириш усуллари қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Миллий иқтисодиётни модернизациялашда лизинг хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини диссертациямизнинг кейинги бўлимида кўриб ўтамиз.

### **2.3. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизация қилишда лизинг хизматлари бозори ривожланишининг асосий йўналишлари**

Тадқиқотимизнинг ушбу бўлимида биз республикамизда лизинг хизматлари секторининг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиб ўтамиз. Маълумки, республикамиз Марказий Осиё мамлакатлари ичида иқтисодиёти ва аҳолисининг турмуш даражаси барқарор, мутаносиб ривожланиб келаётган давлат ҳисобланади. Республикамиз аҳолиси 2011 йилда 29 миллион кишидан ошди, 2000-2011-йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал

ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди. Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди. Иқтисодийтимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000-йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011-йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

2011 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши ЯИМнинг 50,5 фоизини ташкил этди ва ўз навбатида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида транспортнинг улуши 31,7, савдо ва умумовқатланиш 17,2, коммунал хизматлар 13,2, молиявий хизматлар 8 фоизни ва алоқа ва ахборот хизматлари эса 7,2 фоизни ташкил этди (2.3.1-жадвалга қаранг).

### 2.3.1-жадвал

#### 2003-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқлари ва ЯИМ ўсиш суръатлари, фоизларда

Йиллар	ЯИМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизматлар
2003	4,4	6,2	5,9	7,9
2004	7,7	9,4	10,1	13,8
2005	7,0	7,3	6,2	15,0
2006	7,3	10,8	6,2	19,3
2007	9,5	12,1	6,1	26,6
2008	9,0	12,7	4,5	20,6
2009	8,1	9,0	5,7	12,9
2010	8,5	6,8	6,4	14,3
2011	8,3	6,3	6,6	16,1

Республикамиз ҳукумати томонидан ўз вақтида ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилган чоратадбирлар натижасида кейинги йилларда монетар омиллар истеъмол товарлари баҳолари даражасига унчалик таъсир кўрсатмади, инфляция суръатлари эса прогноз кўрсаткичлари даражасида қолишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати инфляция жараёнининг олдини олишга ва ташқи савдо самарадорлигини ошишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Миллий валютани девальвация қилишнинг сезиларли

суръатлари (2009 йилда 8%) инвесторлар ва товар ишлаб чиқарувчилар учун мўлжал бўлиб, экспорт салоҳиятининг ўсишига имкон яратмоқда (2.3.2-жадвал).

### 2.3.2-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг 2005-2010 йиллардаги алмашув курслари динамикаси

Йиллар	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Йил охирига миллий валюта курси, сўм/АҚШ доллари	1180,0	1240,0	1290,0	1393,0	1511,4	1641,6
Йил бошига нисбатан валюта курсининг ўзгариши	11,5%	5,1%	4,0%	8,0%	8,0%	10,8%

Бугунги Жаҳон Молиявий Иқтисодий Инқирози кечаётган мураккаб шароитда ҳам Ўзбекистон Республикаси банк молия соҳаси барқарор ва мутаносиб равишда ривожланмоқда, бу эса унинг ташқи молиялаштириш манбаларига камроқ даражада боғланганлиги билан ифодаланади.

2008-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ялпи капитали икки марта ошди ва бугунги кунда 3 трлн. сўмни ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банклари ресурсларининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади ва Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган халқаро стандартлардан 3 марта юқоридир. Республикамиздаги 14 та тижорат банкларининг жами активлари банк тизими активларининг 90 фоизини ташкил этади ва улар “Moody’s”, “Standart & Poor’s”, “Fitch ratings” каби халқаро рейтинг компанияларининг “барқарор” баҳосини олдилар.

2009 йилда тижорат банкларининг активлари 30 фоизга ошди ва 15,7 трлн.сўмни ташкил этди ва ушбу кўрсаткич жисмоний, юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлар ҳажмидан икки марта юқори бўлиб, фуқаролар маблағларининг тўлиқ ҳимоясини таъминлайди. Республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 марта ошади. Маълумки, республикамизда Давлат инвестиция дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда ва барча молиялаштириш манбалари ҳисобига асосий капиталга инвестициялар 2009 йилда 12531,9 млрд. сўмга етди ва 124,8 фоизга ошди ҳамда мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг асосий омилларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ички манбалар ҳисобига асосий капиталга инвестициялар таркибида лизинг улуши 2010 йилда 2,8 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йилда лизинг хизматларининг республикамиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши 0,52 позицияга пасайиб, 1,8 фоизни ташкил этди, бу эса ЯИМ ўсиши суръатларининг лизинг хизматлари ҳажмлари ўсишига нисбатан юқорилиги билан изоҳланади. Бироқ, ЯИМда лизинг хизматлари портфелининг улуши 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 10 % га ошиб, 2,32 % ни ташкил этди (2.3.4-жадвал).

#### 2.3.4-жадвал

##### 2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг айрим макроиқтисодий кўрсаткичларида лизинг хизматларининг улуши

Йиллар	Лизингга берилган мол-мулк қиймати, млрд. сўмда	Асосий капиталга инвестицияларда лизингнинг улуши, фоизда	Ялпи ички маҳсулотда лизингнинг улуши, фоизда
2005	90,6	3,72	0,94
2006	131,1	4,22	1,16
2007	214,5	3,91	1,2
2008	351,6	4,15	2,22
2009	401,6	3,19	2,32
2010	430,3	2,8	1,8

2.3.4- жадвалдан кўринадикки, 2005 йилга нисбатан 2010 йилда лизингга берилган мол-мулк қиймати қарийиб 4,8 мартага ошган.

2005-2010 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорининг умумий динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, ижобий ҳолат ёки тенденциялар кўзга ташланади. 2009 йилга нисбатан 2010 йилда лизингга берилган мол-мулк ҳажми 28,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса ҳақиқатда ҳам республикамизда лизинг хизматларининг ўсиш тенденциялари кузатилаётганининг яққол далилидир.

Агар 2005 йилда лизинг хизматлари бозорида 64 та лизинг берувчилар фаолият юритган бўлсалар, 2010 йилда уларнинг сони 86 тага етди. Улардан 50 таси лизинг компаниялари, 21 таси банклар ва 15 таси асосий фаолият тури лизинг бўлмаган компаниялардир (2.3.5-жадвал).

**2.3.5-жадвал****2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорида фаолият юритаётган лизинг берувчилар сони динамикаси**

Йиллар	2005	2007	2008	2009	2010	2010 йил 2005 йилга нисбатан, фоизда
Лизинг берувчилар сони	28	33	49	64	86	307

Лизинг хизматлари сервиси бозорини таҳлил қилар эканмиз, бозорда фаолият юритаётган лизинг берувчиларнинг бозор улуши, уларнинг ўзгариш динамикаси алоҳида муҳим аҳамият касб этади (2.3.6-жадвал).

**2.3.6-жадвал****2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорида иштирокчиларнинг улушининг динамикаси**

Йиллар	2005	2007	2008	2009	2010
<b>Лизинг компаниялари</b>					
Мол-мулк қиймати, млн. АҚШ доллари	59,3	57,3	85,1	168,3	183
Улуши, % да	72,7	53,3	50,1	63,2	66,7
<b>Банклар</b>					
Мол-мулк қиймати, млн. АҚШ доллари	19,2	46,4	80,2	93,6	996
Улуши, % да	23,6	43,1	47,3	35,2	33,0
<b>Бошқалар</b>					
Мол-мулк қиймати, млн. АҚШ доллари	3,0	3,9	4,4	4,3	0,6
Улуши, % да	3,7	3,6	2,6	1,6	0,2
<b>ЖАМИ:</b>	81,5	107,6	169,7	266,2	274,2

2010 йилда Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорида лизинг компаниялари улушининг ўсиши кузатилди. Агар 2008 йилда лизинг хизматлари бозорининг 63,2 фоизи, 2009 йилда 66,7 фоизи лизинг компанияларига тегишли бўлган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 67,6 фоизга етди.

Биз тадқиқотларимиз давомида Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорида 2005-2010 йиллардаги лизинг битимлари динамикасини таҳлил қилдик (2.3.7-жадвал).

## 2.3.7-жадвал

**2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари сервис  
бозорида лизинг битимлари портфели динамикаси**

Йиллар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2010 йил 2005 йилга нисбатан, фоизда
<b>Йил давомидаги янги битимлар</b>							
Битимлар сони	4078	5630	5107	5970	6102	5548	136,0%
Битимлар қиймати, млрд. сўмда	90,6	131,1	214,5	351,6	401,6	430,3	475,0%
<b>Йил охирида лизинг портфели</b>							
Амал қилаётган шартномалар сони	13068	17693	21012	23830	27720	26344	201,0%
Қиймати млрд. сўм	149	245	336,6	818	1122,3	1243,1	834,0%

2.3.7-жадвалга кўра, 2010 йилда 2005 йилга нисбатан лизинг хизматлари бозорида тузилган битимлар сони 136 фоизга, битимлар қиймати эса 475 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

2005-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорида амал қилаётган шартномалар сони 201 фоизга, шартномалар қиймати эса 834,0 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, жами кредит портфели 2010 йил охирида 1243,1 млрд. сўмгача ошиб, қаралаётган даврда 37,2 % га ошганлигини таъкидлаш лозим. Жами амал қилаётган шартномалар охирги йилда қарийиб мингтага ошган (2.3.7-жадвал).

Миллий иқтисодиётда лизинг хизматлари бозорини таҳлил қилар эканмиз, унинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотларимиз давомида биз 2006-2010 йилларда Ўзбекистон

Республикаси ЛХБда лизингга берилган мол-мулкларнинг турларини ҳам таркибий жиҳатдан таҳлил қилиб ўтдик (2.3.8-жадвал).

### 2.3.8-жадвал

#### 2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорида лизингга берилган мол-мулкларнинг турлари динамикаси

Соҳалар, асбоб-ускуна, мулк турлари	2006 йил		2007 йил		2008 йил		2010 йил	
	Битим- лар сони	Битим қиймати, млн. АҚШ доллари	Битим- лар сони	Битим қиймати, млн. АҚШ доллари	Битим- лар сони	Битим қиймати, млн. АҚШ доллари	Битим- лар сони	Битим қиймати, млн. АҚШ доллари
Енгил саноат учун	38	5,6	91	6,4	50	6,8	94	7,8
Озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун	27	2,6	51	3,8	98	6,7	111	15,6
Полиграфия	30	3,6	22	1,0	41	3,8	67	4,2
Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун	49	5,9	117	17,8	171	22,2	229	15,9
Бошқа ишлаб чиқариш ускуналари	5	0,2	6	0,3	3	0,7	0	0
Савдо	10	0,6	3	0,05	9	0,79	54	0,1
Тибиёт	27	0,9	39	1,8	35	2,0	106	2,7
Компьютерлар ва АКТ лар	28	1,0	50	0,5	31	1,2	79	1,4
Қишлоқ хўжалик техникаси	5022	61,3	38,5	61,1	3921	101,1	3772	77,7
Юк автотранспорти	24	1,7	57	6,4	237	17,7	223	50,5
Йўловчи транспорти	274	7,1	701	29,4	1027	46,6	289	25,9
Кўчмас мулк, мулк мажмуаси	49	8,9	67	16,0	98	36,2	140	38,1
Бошқалар	47	8,2	88	25,1	249	20,4	290	26,9
<b>Жами</b>	<b>5630</b>	<b>107,6</b>	<b>5107</b>	<b>169,7</b>	<b>5970</b>	<b>266,2</b>	<b>5548</b>	<b>271,1</b>

Агар биз лизингга берилган мол-мулклар таркибининг соҳалар бўйича ўзгариш динамикасини кўрадиган бўлсак, 2006-2010 йилларда республикамиз ЛХБда энг кўп лизинг битимлари ўсиш суръатлари қишлоқ хўжалиги техникаси

(28,6 фоиз), юк транспорти (18,6 фоиз), кўчмас мулк (14,0 фоиз)га тўғри келади (8-илова).

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик техникасининг умумий лизинг таркибидаги улуши бир йили камайиб, кейинги йили кўпайиб турибди. Масалан, 2010 йилда лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари умумий ҳажми 77,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Қишлоқ хўжалик техникасини асосий лизингга берувчилари АЛК “Ўзқишлоқмашлизинг” компанияси, банклар орасида эса ОАТБ “Микрокредитбанк” ва ДАТ “Ҳалқ банки” ҳисобланади.

Республикамиз лизинг хизматлари бозорида юк автотранспортининг улуши сезиларлича ўсиб бормоқда. Жумладан, ушбу лизинг тури 2008 йилда умумий лизинг хизматлари бозорининг 7 фоизини ташкил этган бўлса, 2009 йилда қарийиб 2 мартага ўсиб, 14 фоизни ташкил этди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техниканинг умумий лизинг хизматлари бозоридаги улуши 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 1% қисқарди ва умумий лизинг хизматлари бозорининг 7 фоизни, худди шундай енгил саноат учун мўлжалланган техникаларнинг лизинг улуши эса 2 фоизни ташкил этди. Миқдоран таҳлил қилганда, энг кўп лизинг бўйича амалга оширилган битимлар қишлоқ хўжалиги техникасига (61,7 фоиз) ва йўловчи автотранспортга (8,8 фоиз) тўғри келди (12 - илова).

Барча соҳалардаги каби лизинг хизматлари бозорида ҳам операцияларнинг кўлами, сони, ҳажми бўйича ҳам ҳудудий, ҳам тармоқлар даражасида барқарор ва мутаносиб ривожланишини таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этади. Чунки, айнан шу таҳлил асосида муайян соҳа, жумладан, лизинг хизматлари бозорининг тармоқ ва ҳудудлар даражасида барқарор ёки мутаносиб ривожланаётганлигини баҳолаш мумкин.

Таҳлилларимизга кўра, Тошкент шаҳрини ҳисобга олмаганда, лизинг хизматлари Б етакчилик қилаётган ҳудудларга Тошкент вилояти (9 фоиз),

Бухоро (8 фоиз), Самарқанд (7 фоиз), Наманган (8 фоиз), Фарғона ва Қашқадарё (6 фоиздан) вилоятларини киритиш мумкин (13 - илова).

Умуман олганда, Республика ҳудудларида лизинг хизматларининг ривожланганлик даражаси ҳудудларни табақалашган гуруҳларга ажратган ҳолда ўрганилди. Бунда, ҳудудларда лизинг хизматларининг ривожланганлик даражаси индексини ( $LXS_{RDI}$ ) ҳисоблашда “гуруҳларни тенг бўлақларга ажратиш” усулидан фойдаланилди. Бунда гуруҳларни тенг бўлақларга ажратиш формула “ $(x_{max} - x_{min})/n$ ” кўринишида бўлиб, бунда  $x_{max}$  ва  $x_{min}$  – лизинг хизматлари ҳажми энг юқори ва энг паст даражада бўлган ҳудудлар ҳисобланади,  $n$  - эса гуруҳлар сонини билдиради.  $LXS_{RDI}$  индекси натижалари бўйича республика ҳудудлари учта гуруҳга ажратилди. лизинг хизматлари юқори даражада ривожланган ҳудудлар гуруҳидан фақат Тошкент шаҳри ўрин эгаллаган бўлса, лизинг хизматлари паст даражада ривожланган ҳудудлар қаторидан қолган ўн учта минтақа жой эгаллаган. лизинг хизматлари ўрта даражада ривожланган ҳудудлар гуруҳидан ҳеч бир ҳудуд ўрин эгалламаган. Шунга кўра,  $LXS_{RDI}$  индекси республикамиз ҳудудларида лизинг хизматлари паст даражада ривожланганлигидан далолад бермоқда (14 -илова).

Республикамиз лизинг хизматлари бозорида барча ҳудудларда амалда фаолият кўрсатаётган 50 та лизинг компанияларидан атиги 5 тасигина лизинг битимларини амалга оширади. Хусусан, “Ўзқишлоқмашлизинг”, “Ўзавтосаноатлизинг”, “Ўзмелиомашлизинг”, “Қурилишлизинг”, “Ўзбекли-зинг Интернейшнл” АЖ МЛК шулар жумласидандир. Тижорат банкларидан эса “Микрокредитбанк”, “Асакабанк”, “Ипотекабанк”лар лизинг хизматларини ҳудудларда амалга оширади. Бу ҳолат республикамиз марказига нисбатан ҳудудларда лизинг хизматлари бозори анча паст даражада ривожланишининг асосий омили ҳисобланади.

### III БОБ. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИДАН САМАРАЛИФОЙДАЛАНИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

- **Хоразм вилоятида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили**

Маълумки, ҳар қандай мамлакат иқтисодий сиёсатининг диққат марказида турган асосий масалалардан бири – бу барча ҳудудларни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш ҳисобланади. Худди шундай бу масала ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, бозорлар, иқтисодиёт тармоқлари учун ҳам долзарб ҳисобланади. Шу сабабли биз диссертацион тадқиқотимизнинг ушбу бўлимида Хоразм вилоятида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари, минтақа иқтисодиётини модернизациялашда лизинг хизматларининг ўрни ва истиқболларини кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида бевосита лизинг билан шуғулланувчи фақат иккита лизинг компаниялари фаолият юритмоқда: “Ўзбеклизинг Интернэшенл АЖ” халқаро лизинг компанияси (ХЛК) ва “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси (АЛК).

2009 йил охиригача эса Хоразм вилоятида “Ўзбеклизинг Интернэшенл АЖ” ХЛК филиали ташкил этилгунга қадар бевосита лизинг хизматлари кўрсатиш билан фақатгина “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК фаолият кўрсатган.

“Ўзбеклизинг Интернэшенл АЖ” ХЛК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 январ 1995 йилдаги 6-сонли қарори асосида ташкил топган бўлиб, унинг асосий таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси Ташқи

иқтисодий фаолият Миллий банки (35 фоиз), Малайзиянинг Мэйбанки (35 фоиз), Халқаро Молия корпорацияси (30 фоиз) ҳисобланади.

Компаниянинг асосий вазифалари технологик ускуналарни миллий ва хорижий валютага сотиб олиш ва улардан фойдаланишни узок муддатли молиялаштириш, хусусий сектор вакилларига республика бўйлаб кенг кўламдаги лизинг хизматлари кўрсатишдан иборат.

“Ўзбеклизинг Интернэйшенл АЖ” ХЛК асосан оғир саноат, енгил саноат (тўқимачилик), қурилиш, туризм-меҳмонхона бизнеси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш (озиқ-овқат саноати), кимё саноати, нефт-газ саноати, ёғочни қайта ишлаш, тиббиёт ва фармацевтика, транспорт ва аҳолига турли хизматлар кўрсатиш соҳаларига хизмат қилади.

Хусусий секторда эса компаниянинг мижозлари хусусий корхоналар, турли шаклдаги ишлаб чиқарувчи-савдо-тижорат компаниялари, кўшма корхоналар ва уларнинг шўъбалари, маъсулияти чекланган жамиятлар, шунингдек ҳиссадорлик жамиятлари (*давлат улуши 25 фоизгача бўлса*) ҳисобланади.

Компаниянинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари Ўзбекистон-нинг экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини қопловчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалардир.

Компаниянинг молиялаштириш миқдори 50 000 дан 1 200 000 АҚШ долларигача (*валютада молиялаштириши*) ва 10 000 дан 500 000 АҚШ долларигача (*сўмда молиялаштириши*) дан иборат. Молиялаштириш шакллари эса қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- 100 фоиз молиялаштириш “Ўзбеклизинг Интернэйшенл АЖ” компанияси томонидан;
- 70 фоиз ускуна баҳоси “Ўзбеклизинг Интернэйшенл АЖ” томонидан тўланади;
- 30 фоиз ускуна баҳоси лизинг олувчи томонидан тўланади.

Лизинг фоизлари “�збеклизинг Интернэйшенл АЖ” компанияси томонидан молиялаштириш миқдоридан ҳисобланади.

Лизингнинг муддати 1 йилдан 5 йилгача (*валютада молиялаштириш*) ва 1 йилдан 3 йилгача (*сўмда молиялаштириш*) ҳисобланади ва лизинг таъминоти эса кафолат ёки гаров бўлиши мумкин.

Ускуна шартномасининг умумий қиймати 50 фоизга тенг бўлган таъминот кафолати ёки гаров қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- Депозит кўринишидаги гаров;
- Кўчмас мулк ёки ускуна;
- Банк кафолати ёки учинчи томон кафолати.
- Ускуна сотувчи компаниянинг ускунани қайта сотиб олиш ҳақидаги кафолати (лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлай олмаган ҳолда).

Компанияга лизингга буюртма беришда бирламчи ҳужжатлар рўйхати сифатида низом ва таъсис шартномаси, сўнгги 1-2 йилги молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар ва йиллик баланслар (1 ва 2 шаклларда), бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асоснома, компания фаолияти ҳақида маълумот, сотиб олинган ускуна ҳақида ускуна етказиб берувчининг таклифи талаб этилади.

Компанияда лизинг лойиҳасини амалга оширишнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- Потенциал лизинг олувчи ускуна етказиб берувчи ва транспорт харажатлари, йиғиш-созлаш ишлари, ишчиларни ўқитиш каби харажатларни ҳисобга олган ҳолда ускуна нархини аниқлаб бериши керак;
- Лизинг олувчи ускуна қийматини ҳисобга олган ҳолда техник-иқтисодий асос (ТИА) ёки бизнес-режани тузиш керак;
- Усқунани лизинг асосида олишга “Ўзбеклизинг Интернэйшенл АЖ” га буюртма бериши ва барча зарур ҳужжатларни тақдим этиши лозим;
- “Ўзбеклизинг Интернэйшенл АЖ” томонидан қарорларнинг қисқа фурсатда қабул қилиниши.

Лизинг олувчининг харажатлари куйидагилардан иборат бўлади:

- 3 ойлик лизинг тўловини аванс сифатида ўтказди;
- лойиҳа ишлаб чиқиш учун ускуна қийматидан 0,5 фоиз миқдорида комиссия тўлови;
- банк хизматлари учун ускуна қийматидан 0,5 фоиз миқдорида комиссия тўлови.

Тадқиқотларимизга кўра, мазкур компания билан ҳамкорлик қилиш ҳамда лизингнинг афзалликлари куйидагилардан иборат:

- лизингга олинадиган технологик ускуналар ҚҚС ва божхона тўловларидан озод этилади;
- лизинг олувчи лизинг объектларига тўланадиган мол-мулк солиғидан лизинг мобайнида озод қилинади;
- лизинг тўловлари шунингдек ҚҚСдан озод этилади;
- фойдадан тўланадиган солиқ базасининг камайиши, тезлаштирилган амортизация туфайли лизинг олувчи амортизация ажратмаларини даромад солиғи базасидан чиқариб ташлаш ҳуқуқига эга.
- лойиҳанинг тезкорлик билан кўриб чиқилиши;
- молиявий маблағ мавжудлиги;
- лизинг олувчи барча лизинг тўловларини миллий валюта (сўм)да биржадан ташқари валюта қийматида тўлайди;

Хоразм вилоятида 2009 йил охирида, аниқроғи декабр ойида “Ўзбеклизинг Интернейшнл” акционерлик жамияти шаклидаги компанияси вилоят вакиллиги очилиши муносабати билан вилоятнинг туман ва шаҳарларидан ўз худудларидаги ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни янги замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш бўйича компанияга мурожаат қилишлари сони ортмоқда. Компания ўз буклетлари ҳамда осма календарларини электрон почта орқали ва бевосита барча туман ва шаҳарларга хат жўнатиб, ўз хизматларини таклиф қилмоқда.

Компания вилоят ҳокимлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт бошқармаси ва бошқа бошқармалар билан биргаликда 2010 йилдан бошлаб ўтказилган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар вилоят ярмаркаларида фаол қатнашмоқда, ўз иши давомида технологик ускуналар олиш истагидаги юридик шахсларга лизинг хизмати афзалликлари бўйича консалтинг хизматларини ҳам кўрсатмоқда. Шу мақсадда 2010 йил 21 январ ва 26 феврал кунлари вилоят ҳокимлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт бошқармаси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда вилоят шаҳар ва туманларидан таклиф этилган 500 нафар тадбиркор ва ишбилармонлар билан амалий семинар ташкил қилинди.

Юқорида санаб ўтилган тадбирларнинг самараси ўлароқ, 2010 йилнинг январь-март ойларида вилоятда фаолият кўрсатаётган, тўлов қобилиятига эга 10 та хўжалик субъектларининг умумий қиймати 1,5 млн АҚШ долларига тенг бўлган лизингга технологиялар олиш бўйича ҳужжатлари ўрганиш учун олинди. Шундан 4 та реал лойиҳалар компаниянинг бош офисига кўриб чиқиш учун юборилди. Жумладан: “Асл-парранда” масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) нинг 200 млн. сўмлик лойиҳасига, “Мегасфера” МЧЖ қўшма корхонасининг 447 минг, “Хоразм Дилнуро савдо” МЧЖнинг 46 минг, “Ҳамкор газ-нефт” корхонасининг 46 минг АҚШ долларлик лойиҳаларининг ҳужжатлари тўлиқ тақдим қилинди. Шунингдек, вилоятдаги энг йирик саноат корхоналаридан бўлган “Урганч ёғ” ХИИК (давлат улуши 25 %) янги ишлаб чиқариш технологияларини 2010 йилнинг иккинчи чорагида сотиб олишни “Ўзбеклизинг Интернейшнл АЖ” компанияси орқали амалга ошириш мақсадида янги технологияларни ўрганиш учун Украинага ўз ходимларини жўнатди.

Бундан ташқари, 2010 йилнинг иккинчи чорагида корхона молиявий ҳолати белгиланган талабларга жавоб берадиган, тўловга қобилиятли, ишлаб чиқаришда етарли тажрибага ва ўз харидорларига эга бўлган қуйидаги бир қанча ҳуқуқий шахслар турли хил технологияларни, жумладан:

- “Ҳазораспавдо” шўъба корхонаси нонвойхона мажмуасини;
- вилоят “Ем-озуқа” базаси ўз шахобчаларига ем-озуқа маҳсулотларини ташиш учун икки дона трактор тиркамасини;

- Урганч шаҳридаги “Мини-аккумулятор” МЧЖ янги ишлаб чиқариш ускунаси (Жиззах аккумулятор заводини йилига 100 минг дона моноблоклар билан таъминлайди) ни;

- “Урганч Принт Колор” МЧЖ янги типография жиҳозларини;

- “Хоразм мебель жаҳон” хусусий корхонаси мебель ишлаб чиқариш жиҳозларини сотиб олиш лойиҳаларни расмийлаштирмоқда.

Вакиллик томонидан доимий равишда тадбиркорларга лизинг хизматини таклиф қилиш йўллари орқали (телевидение, газеталар, ярмаркалар, семинарлар ва бошқа учрашувларда) реал лойиҳаларни компанияга тақдим қилиш бўйича давомли ишлар амалга оширилмоқда.

Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 30 октябрдаги 486-сонли “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори асосида барпо этилган.

Компаниянинг асосий акциядорлари “Ипотекабанк” АТИБ, “Пахтабанк” АБ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, “Тошкент трактор заводи” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” ДАК, “Ўзпахтасаноатсотиш”, “Ўзағромашсервис”, “Ўзсаноатмашсервис” уюшмалари, “Халқ банки” ва бошқа 384 та юридик ва 194 та жисмоний шахслар бўлиб, жами 578 та акциядор ҳисобланади.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛКнинг хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқ хўжалигига лизинг асосида техникалар етказиб беришдан иборат бўлиб, унинг асосий мижозлари фермер хўжаликлари ва агрофирмалар, машина-трактор парклари ва муқобил машина-трактор парклари, вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” АЖ ва уларнинг филиаллари ҳисобланади.

АЛК томонидан асосан фермер хўжаликлари ва МТПларни техник ҳамда технологик жиҳатдан модернизация қилиш мақсадида ТТЗ, МХМ-140, ТЛ-100А тракторлари, трактор тиркамалари, культиваторлар, сеялкалар, плуглар, кимёвий дори пуркагичлари, ўт-хашак ўриш ва минерал ўғитларни сочиш агрегатлари ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникалари лизингга берилади.

АЛК томонидан *имтиёзли лизинг хизматини кўрсатиш шартлари* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.11.2000 йилдаги 424-сонли “Қишлоқ хўжалигини лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 18 июндаги 123-сонли, 2007 йил 12 декабрдаги 254-сонли қарорларига асосланади. Фермер хўжаликлари ҳамда машина-трактор парклари Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ва қўшма корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаларини лизингга олишда қуйидаги имтиёзларга эгадирлар:

- аванс сифатида техника қийматининг 15 фоизлик қисми тўланади;
- тракторлар фермер хўжаликларига, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти машина-трактор паркларига 10 йилгача, бошқа лизинг олувчиларга 7 йилгача бўлган муддатга лизингга берилади;
- лизинг маржаси фоизи миқдори Марказий Банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайди ва лизинг олувчи томонидан лизинг объекти аввалдан суғурталаниб, суғурта полиси лизинг берувчига тақдим этилади.

АЛК нинг *умумий асосларда лизинг хизматини кўрсатиш шартлари* эса қуйидагилардан иборатдир:

- аванс сифатида техника қийматининг 15 дан 40 фоизгача бўлган қисми тўланади;
- техника 1,5 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга лизингга берилади;
- лизинг маржаси фоизи миқдори йиллик 16-20 фоиз даражасида белгиланиши мумкин;
- лизинг объекти ва унинг сотувчиси лизинг олувчи томонидан танланади.

Лизинг олувчи томонидан АЛКга юридик шахснинг давлат органларидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақида гувоҳномаси нусхаси, охириги ҳисобот санасига ҳудудий солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ва асосий воситалари таркибининг ёйма рўйхати, лизингнинг бутун муддати учун лизинг тўловларининг қопланиши прогнозини кўрсатувчи бизнес-режа, фермер хўжалигининг “Бизнес режаси”да банкдан олинган мақсадли кредитлардан лизинг тўловларини тўлаш учун йўналтирилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлими (бети)дан кўчирма (лизинг олувчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда), гаров (ёки кафолат) шартномаси каби ҳужжатлар тақдим этилади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечаётган бир даврда минтақа лизинг хизматлари бозорида 2009 йил давомида қишлоқ хўжалиги субъектларидан лизинг қиймати 3383,788 млн. сўм бўлган 106 дона ТТЗ русумли, лизинг қиймати 2960,121 млн. сўм бўлган 20 дона МХМ-140 русумли ва лизинг қиймати 759,980 млн. сўмлик бўлган 10 дона ТЛ-5060 русумли тракторлар, лизинг қиймати 79,650 млн. сўм бўлган 15 дона трактор тиркамалари, лизинг қиймати 81,932 млн. сўм бўлган 17 дона культиватор, лизинг қиймати 48,346 млн. сўм бўлган 10 дона ОВХ-600 русумли пуркагичлар, лизинг қиймати 22,765 млн. сўм бўлган 27 дона ОРПД-12/М, лизинг қиймати 56,486 млн. сўм бўлган 4 дона VP-1, лизинг қиймати 1,946 млн. сўм бўлган 1 дона РМУ, лизинг қиймати 9,585 млн. сўм бўлган 3 дона СЧХ-4Б русумли сеялка, лизинг қиймати 30270,0 минг сўм бўлган 8 дона С.3-901 русумли

мотоаравача каби қишлоқ хўжалиги техникаларига ва кимёвий ишлов бериш мосламаларига буюртма олинди ва тўлиқ лизинг олувчиларга етказиб берилди.

2010 йилда жами 190 та қишлоқ хўжалик субъектлари билан 221 дона (лизинг қиймати 7434,870 млн. сўмлик) қишлоқ хўжалик техникаларига молиявий лизинг шартномалари тузилди.

Биз тадқиқотларимиз давомида 2001-2010 йилларда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” Хоразм вилояти филиали томонидан қишлоқ хўжалик техникаларининг турлари бўйича тузилган лизинг шартномаларининг сони ва улуши таркибини таҳлил қилдик (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвалдан кўринадики, жами шартномаларнинг сони ва техника турлари бўйича битимлар таркибида энг юқори улуш пуркагич (39,3 фоиз), эгат оралиғига ишлов берувчи тракторлар (32,8 фоиз), транспорт тракторлари (10,0 фоиз), трактор тиркамалари (7,8 фоиз) га тўғри келса, ўт ўриш машиналари (0,001 фоиз), сеялка (0,003 фоиз), минерал ўғит сепувчи мосламалар (0,004 фоиз), мотоаравачалар (0,004 фоиз) улуши жуда камдир.

### 3.1.1-жадвал

**2001-2010 йилларда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” Хоразм вилояти филиали томонидан қишлоқ хўжалик техникаларининг турлари бўйича тузилган лизинг шартномалари сони ва улушини таркиби**

№	Техниканинг турлари	Тузилган лизинг шартномалари сони, дона	Умумий шартномалар сонигаги улуши, % да
1.	Эгат оралиғига ишлов берувчи тракторлар (ТТЗ-100К11, ТТЗ-80.11, ТТЗ-60.11, Кейс-5230, Алтай- 4А)	493	32,8
2.	Транспорт тракторлари (ТТЗ-80.10, МТЗ-82.1, МХ-140, ТЛ-100А)	151	10,0
3.	Пуркагич (ОВХ-600, VP-1, ОРПД-12, ОГ-101 АИДА)	591	39,3
4.	Сеялка (СЧХ-4Б)	5	0,003

5.	Культиватор (КУ-4В*М)	80	5,3
6.	Ўт ўриш мосламалари (КИР-1,5)	2	0,001
7.	Плуг	26	1,73
8.	Трактор тиркамалари	118	7,8
9.	Минерал ўғит сепувчи мосламалар (РМУ)	7	0,004
10.	С-3.901 Мотоаравача	7	0,004
11.	Бошқалар	23	1,530
	<b>ЖАМИ</b>	<b>1503</b>	<b>100</b>

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиалида 2010 йил давомида бир қатор операциялар амалга оширилди. Жумладан, 2010 йил давомида лизинг қиймати 3156,324 млн. сўм бўлган 78 дона ТТЗ русумли, лизинг қиймати 2033,331 млн. сўм бўлган 26 дона ТЛ -5060 русумли, лизинг қиймати 118,235 млн. сўм бўлган 1 дона ТС 6070 русумли тракторлар, лизинг қиймати 64,305 млн. сўм бўлган 8 дона 2ПТС-4-793-03А русумли трактор тиркамалар, лизинг қиймати 114,975 млн. сўм бўлган 7 дона VP-I русумли пуркагич, лизинг қиймати 17,456 млн. сўм бўлган 3 дона КУ-4ВМ русумли культиваторлар лизинг олувчиларга етказиб берилди.

Шунингдек, лизинг қиймати 159975,0 минг сўм бўлган 6 дона пресподборщик, лизинг қиймати 22465,0 минг сўм бўлган 3 дона КИР 1,5 агрегати, лизинг қиймати 67500,0 минг сўм бўлган 10 дона ОВХ-600 русумли пуркагичи, лизинг қиймати 52922,0 минг сўм бўлган 84 дона ОРПД -12/М ва ОГ-101 АИДА русумли пуркагичлар, лизинг қиймати 3893,0 минг сўм булган 2 дона РМУ, лизинг қиймати 4050,0 минг сўм булган 1 дона сеялка, лизинг қиймати 7567,6 минг сўм бўлган 2 дона С.3-901 русумли мотоаравача, жами лизинг қиймати 5822,998 млн. сўм бўлган 231 дона қишлоқ хўжалиги техникалари ва кимёвий ишлов бериш мосламалари тўлиқ лизинг олувчиларга етказиб берилди.

Таҳлилларимизга кўра, исталган бир минтақа ёки давлат лизинг хизматлари бозорида лизинг хизматларининг кредит ва гаров таъминоти энг

муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли, биз 2001-2010 йилларда Хоразм вилояти ЛХБда амалга оширилган лизинг хизматларининг кредит таъминоти таркиби ва улушини ҳам таҳлил қилиб чиқдик (3.1.2-жадвал).

**3.1.2-жадвал**

**2001-2010 йилларда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали томонидан амалга оширилган лизинг операцияларининг кредит таъминоти таркиби ва улуши**

№	Кредит таъминотининг турлари	Тузилган лизинг шартномаларида кредит таъминотининг улуши, % да
1.	Енгил автомобиллар ( <i>Ласетти, Нексия, Форд, Матиз, Дамас, Тико, Жигули</i> )	50,9
2.	Трактор ва комбайнлар ( <i>Т.4А, ТТЗ-100, Т-28, ТЛ-100А</i> )	9,4
3.	Юк машиналари ( <i>Зил-133, Зил-45021, Камаз5511</i> )	9,4
4.	Бинолар ( <i>маиший хизмат, ишлаб чиқариш ва ҳ.к.</i> )	13,3
5.	Ишлаб чиқариш воситалари: <i>турли станок, асбоб ва ускуналар</i>	5,7
6.	Кафолат хати	7,5
7.	Ишонч асосида	3,8
	<b>ЖАМИ</b>	<b>100,0</b>

3.1.2-жадвалга кўра, йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида амалга оширилган лизинг хизматларининг кредит таъминоти

таркибида энг кўп улуш енгил автомобиллар (50,9 фоиз), бинолар (13,3 фоиз), трактор ва комбайнлар ҳамда юк машиналари (9,4 фоиздан), кафолат хатлари (7,5 фоиз) га тўғри келса, ишлаб чиқариш воситалари (5,7 фоиз) ва ишонч асосида лизингга мол-мулклар беришнинг улуши (3,8 фоиз) нисбатан камдир.

Агар 2001-2010 йиллар давомидаги “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акционерлик лизинг компанияси Хоразм вилояти филиали томонидан 2001-2010 йилларда қишлоқ хўжалик корхоналарига лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари қиймати динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, барқарор равишда ўсиш бўлаётганини кўришимиз мумкин (3.1.1-диаграмма).

**“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали томонидан 2001-2010 йилларда қишлоқ хўжалик корхоналарига лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари қиймати, млн. сўм**

### **3.1.1-диаграмма**

3.1.1-диаграммадан кўриш мумкинки, 2010 йилда 2001 йилдагига нисбатан лизинг хизматлари кўлами қарийиб 10,1 мартага ошган. Шунингдек, диаграммада 2001-2010 йиллар давомида муттасил равишда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали томонидан лизингга берилган техникалар ҳажми ошиб келган, аммо 2010 йилда амалга оширилган лизинг хизматлари салмоғи 2009 йилга нисбатан деярли 1,6 млрд. сўмга камайганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса 2010 йилда бевосита қишлоқ хўжалик техникалари лизинги бозорида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тufайли пасайиш бўлганини билдирмайди. Зероки, бу вилоят иқтисодиётининг халқаро интеграция жараёнлари билан чуқур боғлиқ бўлмасдан, ички бозор имкониятлари билан барқарор ишлаётгани сабаблидир.

Шунингдек, бизнинг таҳлилларимизга кўра, бунинг сабаблари сифатида Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорининг қишлоқ хўжалик техникалари лизинги сегментининг олдинги йиллардаги жадал суръатлардаги ҳажми ошганлиги муносабати билан нисбатан тўйинганлиги ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг фермер хўжалиklarининг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича махсус Қарори чиққанлиги туфайли вилоятда кўпгина фермер хўжалиklarининг ўзаро бирлашиб, йириклашиб кетганлиги натижасида лизинг олувчи субъектлар сонининг камайганлиги каби омиллар билан ифодаланади.

- **Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда лизинг хизматларидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишлари**

КБХТни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги давлатнинг стратегик иқтисодий сиёсати туфайли мамлакатимизда, жумладан Хоразм вилоятида ҳам ушбу соҳа субъектлари учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилди. Бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни бериш жараёнлари соддалаштирилди, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорлик субъектлари топширадиган ҳисоботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилди, солиқ ставкалари унификация қилинди, биржалар орқали талаб юқори бўлган ресурслардан кенг фойдаланишга имкон берадиган бозор механизми шаклланди.

Биз тадқиқотларимиз давомида республикаимиз ҳамда айрим вилоятларда КБХТ ривожланиши асосий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлилини ҳам амалга оширдик. Ушбу таҳлилларимизга кўра КБХТнинг республикаимиз, жумладан Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларидаги улуши йил сайин барқарор суръатларда ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин (15-17 иловалар).

15-17 иловалардан кўриш мумкинки, Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларида КБХТнинг улуши муттасил равишда ортиб бормокда.

Иқтисодиётнинг КБХТ секторида ушбу соҳадаги жами бандларнинг улуши

2008 йилда 75,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 77,4 фоизни ташкил қилди ёки иқтисодиётда жами 455,2 минг кишининг бандлигини таъминлади. Банд бўлганларнинг катта қисми – 55,3 фоизи (325,5 минг киши) хусусий сектор ҳамда 22,0 фоизи (129,7 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади (3.2.1-жадвалга қаранг).

Агар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда КБХТнинг улуши 2008 йилда 23,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 26,4 фоизга етган ва 2008 йилга нисбатан 2,7 пунктга ошган.

КБХТ субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 18,2 фоизга ўсди ва 106033,1 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 26,4 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 6,4 фоизга ўсиб, 769542,1 млн. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,3 фоизи) ташкил қилди.

3.2.1-жадвалдан кўринадики, қурилиш-пудрат ишларида ҳам КБХТнинг улуши 2008 йилда 63,3 фоиздан 2010 йилда 72,5 фоизгача ошган. Транспорт соҳасида КБХТнинг улуши 2008 йилда 41,3 фоиздан 2010 йилда 58,7 фоизга, чакана савдода 42,0 фоиздан 47,5 фоизгача ошган.

КБХТнинг вилоят автомобил транспортининг юк ва йўловчи айланмасидаги улуши охириги икки йил давомида 41,3 фоиздан 58,7 фоизгача ошди.

Чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 47,3 фоизи ёки 327610,9 млн. сўми (ўсиш 117,7 фоизни ташкил қилди) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 66,9 фоизи ёки 155189,5 млн. сўми (9,6 фоизга ўсган) кичик бизнесда шаклланди. Умумий хизмат кўрсатиш соҳасида эса КБХТнинг улуши 48,1 фоиздан 56,1 фоизгача ошган.

### 3.2.1-жадвал

#### 2008-2010 йилларда Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларида КБХТ субъектларининг улуши, % да


№	Кўрсаткич номи	Йиллар		
		2008	2009	2010
1.	Вилоят ЯҲМда КБХТ улуши	64,4	66,1	67,4

2.	Вилоят саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда КБХТнинг улуши	23,7	23,6	26,4
3.	Қурилиш-пудрат ишларида КБХТнинг улуши	63,3	62,3	72,5
4.	Транспортда КБХТнинг улуши	41,3	53,6	58,7
5.	Чакана савдода КБХТнинг улуши	42,0	43,9	47,5
6.	Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишда КБХТнинг улуши	68,5	65,5	66,9
7.	Хизматлар кўрсатиш соҳасида КБХТнинг улуши	48,1	51,6	56,1
8.	Вилоят ташқи савдо айланмасида КБХТнинг улуши	20,6	33,1	29,3
9.	Вилоят умумий экспортида КБХТнинг улуши	10,4	11,3	7,5
10.	Вилоят умумий импортида КБХТнинг улуши	70,0	89,7	86,8
11.	Вилоятда жами бандлар сонидан КБХТнинг улуши	75,5	76,6	77,4

Тадқиқотларимиз давомида биз Хоразм вилоятида КБХТ субъектлари томонидан амалга оширилган лизинг хизматларини икки гуруҳга ажратиб ўрганишни лозим деб топдик: биринчи гуруҳда бевосита вилоятда фаолият кўрсатаётган “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали томонидан 2010 йилда Хоразм вилояти ҳудудлари кесимида КБХТ субъектларига лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари қиймати бўлса, иккинчи гуруҳдан тижорат банклари томонидан КБХТ субъектларига лизингга техника ва технологияларни олиш учун ажратилган кредитлар ўрин эгаллаган.

Агар биз биринчи гуруҳда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали томонидан 2010 йилда Хоразм вилояти ҳудудлари кесимида КБХТ субъектларига лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари қийматини таҳлил қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида асосан лизингга техника ва ускуналар шу соҳада хўжалик юритувчи КБХТ субъектлари бўлган фермер хўжаликларига етказиб берилган берилган (3.2.1-диаграмма).

**“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилояти филиали томонидан 2010 йилда Хоразм вилояти ҳудудлари кесимида КБХТ субъектларига лизингга берилган қишлоқ хўжалик техникалари қиймати, минг сўмда**



3.2.1-диаграмма

3.2.1-диаграммадан кўринадики, вилоятнинг Гурлан (1,2 млрд. сўм), Хонқа (0,77 млрд. сўм), Ҳазорасп (0,67 млрд. сўм) ва Боғот (0,52 млрд. сўм) туманларида қишлоқ хўжалигидаги КБХТ субъектларига энг кўп лизингга техника ва технологиялар олиб берилган.

Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида 2010 йилдаги энг юқори улушга эга Гурлан тумани билан энг кам улушга эга Хива тумани ўртасидаги тафовут 38,7 мартага тенг. Бу эса истикболда мазкур ва бошқа туманлар ўртасидаги лизинг хизматлариБ ривожланишидаги номутаносибликларни албатта ҳудудда қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони, асосан унинг таркибини ҳисобга олган ҳолда бартараф этишнинг нақадар муҳим эканлигидан далолат беради.

Агар биз Хоразм вилояти Марказий банк бошқармаси маълумотлари асосидаги айрим тижорат банклари томонидан КБХТ субъектлари учун лизингга техника ва технологияларни харид қилиш бўйича 2008-2010 йилларда

ажратилган кредитлар ҳажмини таҳлил қилсак, 2008 йилда жами лизинг хизматлари учун 2302,4 млн. сўм кредит маблағлари ажратилган бўлиб, унинг 41,6 фоизи ёки 958,4 млн. сўми ОАТБ Микрокредитбанк, 37,8 фоизлик ёки 871,1 млн. сўмлик сегменти ДАТ Асакабанк, 11,5 фоизи ёки 264,6 млн. сўми РОТБ Қишлоққурилишбанк ва 9,0 фоизлик ёки 208,3 млн. сўмлик улуш АТБ Халқбанк ҳиссаларига тўғри келган (3.2.2-жадвал).

### 3.2.2-жадвал

**Хоразм вилояти тижорат банклари томонидан 2008-2010 йилларда КБХТ субъектлари учун лизингга техника ва технологияларни харид қилиш бўйича ажратилган кредитлар тўғрисида маълумот, млн. сўмда**

№	Тижорат банклари	2008 йил	улуши, %да	2009 йил	улуши, %да	2010 йил	улуши, %да
1.	Қишлоқ қурилишбанк	264,6	11,5	24,5	1,0	36,6	1,1
2.	Халқбанк	208,3	9,0	224,5	9,0	82,3	2,6
3.	Микрокредит банк	958,4	41,6	2048,7	82,3	2717,8	85,3
4.	Асакабанк	871,1	37,8	191,8	7,7	350,3	11,0
	<b>ЖАМИ:</b>	2302,4	100,0	2489,5	100,0	3187,0	100,0

Агар жадвал маълумотлари асосида 2008 йилги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2008 йилда тижорат банклари томонидан КБХТ субъектлари учун лизинг хизматлари сегментида Микрокредитбанк 82,3 фоиз ёки 2048,7 млн. сўм бозор улуши билан пешқадам бўлган ва Халқбанк 9,0 фоиз ёки 224,5 млн. сўм билан кейинги ўринни эгаллаган. Ўз навбатида Қишлоққурилишбанкнинг (олдинги Ғаллабанк) улуши 11,5 фоиздан 1,0 фоизга аҳамиятли даражада камайган, Асакабанкнинг умумий ажратган кредитлари миқдори 679,3 млн. сўмга камайган ҳолда, умумий бозор сегментидаги улуши қарийиб 30,1 фоизга камайган. Микрокредитбанк эса 2048,7 млн. сўм ёки 82,3 фоиз улуш билан

КБХТ субъектлари учун вилоят тижорат банкларининг лизинг хизматлари бозорида мутлақ етакчилик қилди.

Тадқиқотларимиз жараёнида олинган натижаларга кўра, Хоразм вилоятида КБХТ субъектларини янада ривожлантиришда лизинг хизматларининг ролини оширишнинг устувор йўналишлари қуйидагилар бўлиши лозим:

- КБХТ субъектлари томонидан лизинг асосида техника ва технологиялар олишга бўлган талабни минтақадаги тижорат банклари ва лизинг компаниялари ҳамкорлигида маркетинг қилиш;

- КБХТ субъектларига лизинг асосида техника ва технологиялар олиш учун янада кўпроқ маблағлар ажратиш, микроолиявий хизматлар кўламини кенгайтириш ва рақобат муҳитини вужудга келтириш учун тижорат банклари сонини ва уларнинг лизингга йўналтирилувчи ресурслар базасини янада ошириш ҳамда бунинг учун тижорат банкларига турли имтиёзлар бериш;

- жисмоний шахсларга лизинг фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш.

Республикамиз, хусусан Хоразм вилояти КБХТ секторини қўллаб қувватлашда лизинг хизматларини қуйидаги йўналишларда ривожлантириш истиқболли, деб ҳисоблаймиз:

- Республика Президентининг ташаббуси билан барча ҳудудларда ихтисослаштирилган ва буюм бозорларини назорат-касса машиналари ва тўлов терминаллари билан жиҳозланган турғун савдо нуқталаридан иборат бўлган савдо комплекслари этиб қайта ташкил этиш ишлари бошланди. Шу сабабли, фикримизча, лизинг хизматлари секторининг бир қисмини савдо объектлари ва ускуналари соҳасига йўналтириш истиқболли ҳисобланади;

- лизинг хизматлари бозорида қишлоқ хўжалик техникалари лизинги тўйинган бир шароитда ҳукумат асосий эътиборни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналар лизингига қаратиши лозим. Мамлакатимизда

йилига 8 млн. тоннадан ортиқ мева-сабзавот ва полиз экинлари етиштирилишини ва улар истеъмолчиларга етказилгунга қадар 1 млн. тоннаси чириб кетишини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу соҳани ривожлантириш республикамызда янги иш ўринларининг яратилиши, аҳолининг йил давомида сифатли, қадоқланган махсулот билан таъминланиши ва махсулот экспортининг кўпайиши ҳамда валюта тушумларининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади;

- ҳукуматымыз томонидан ҳудудларда тиббиёт соҳасини ривожлантишга катта эътибор берилаётган бир шароитда тармоқда хусусий тадбиркорликни ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймыз. Экологик оғир ҳудудларда, хусусан Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида лизинг асосида имтиёзли фоизларда тиббиёт ускуналарини етказиб бериш минтақада аҳоли саломатлигининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади;

- Қарақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тоза ичимлик сувининг танқислигини ҳисобга олиб, минтақада ичимлик сувини тозаловчи ускуналар лизингини имтиёзли шартларда жорий этиш лизинг хизматларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда 6 кишидан иборат бўлган ўртача оила кунига, энг зарур эҳтиёжлар учун, камида 18 литр тоза ичимлик сувини истеъмол қилиши лозим бўлиб, ҳар бир оила йилига 1,4 млн. сўм маблағни фақат тоза ичимлик сувини истеъмол қилиш учунгина сарфлаши керак бўлади (энг паст бозор нархи: 1 литр = 220 сўм). Бу эса минтақа аҳолисининг харид қуввати ва турмуш даражасининг пасайишига олиб келади;

- лизинг хизматларини ривожлантиришнинг кейинги устувор йўналишларидан бири бу энгил саноат, хусусан тўқимачилик ва тикувчилик ускуналари лизингини кенгайтириш ҳисобланади. Маълумки мамлакатимызда йилига 3,5 млн. тонна пахта толаси, 25 минг тонна жун, 900 мингта қорақўл териси, 24 минг тонна пилла етиштирилиб, уларнинг асосий қисми хом-ашё кўринишида экспорт қилинади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда энгил

саноатда лизинг хизматларини ривожлантириш янги ишчи ўринларини яратиш билан бирга маҳаллий хом-ашёдан унумли фойдаланиш ва қўшимча қиймат яратиш имконини беради;

- Вилоятнинг улкан туристик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудда туризм-меҳмонхона бизнесини ривожлантиришда лизинг хизматларидан унумли фойдаланиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги тадбирларни амалга ошириш Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигида КБХТ субъектларининг ривожланишида лизингнинг ролини янада ошишига олиб келади, деб ишонамиз.

- **Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизация қилишда лизинг хизматларининг ролини ошириш истиқболлари**

Хоразм вилояти иқтисодиётини модернизациялашда бевосита лизинг хизматларининг ролини ошириш масалалари, тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида вилоят лизинг хизматлари бозорининг ривожланиши ҳолатини таҳлил қилиш билан бир қаторда унинг истиқболларини белгилаш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Бу тадқиқотларни амалга ошириш учун махсус социологик сўровномалар тузилиб, унинг натижалари таҳлил қилинди.

Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида фаолият юритаётган лизинг берувчилар сони 2005-2010 йилларда 2 тадан 6 тага ошди, уларнинг 2 таси лизинг компаниялари ҳамда 4 таси тижорат банклари ҳисобланади (3.3.1-жадвал). Агар биз Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг айрим кўрсаткичларидаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳолда 2010 йилда вилоятда лизингга берилган мол-мулк қийматининг 2005 йилга нисбатан 739,1 фоизга ёки 1,2 млрд. сўмдан 9,0 млрд. сўмгача ошганлигини кўришимиз мумкин (3.3.2-жадвал).

**3.3.1-жадвал**

**2005-2010 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида фаолият юритаётган лизинг берувчилар сони динамикаси**

Йиллар	2005	2006	2007	2008	2010	2010 йил 2005 йилга нисбатан,
Лизинг берувчилар сони, жами	2	4	5	5	6	3,0 марта
<b>Шу жумладан:</b>						
Лизинг компаниялари	1	1	1	1	2	2,0 марта
Тижорат банклари	1	3	4	4	4	4,0 марта

**3.3.2-жадвал**

**2005-2010 йилларда Хоразм вилоятининг айрим макроиктисодий кўрсаткичларида лизинг хизматлари ҳажмининг улуши динамикаси**

Йиллар	Лизингга берилган мол-мулк қиймати, млрд. сўмда	Асосий капиталга инвестицияларда лизинг улуши, % да	ЯХМда лизинг улуши, % да
2005	1,219	2,084	0,208
2006	3,340	3,190	0,446
2007	8,006	5,948	0,798
2008	9,924	5,694	0,803
2010	9,010	4,088	0,582
<b>2010 йил 2005 йилга нисбатан, фоизда</b>	<b>739,1</b>	<b>196,2</b>	<b>279,2</b>

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда лизингнинг улуши 2005 йилда 2,084 фоизни, 2006 йилда 3,190 фоизни, 2007-2008 йилларда мос равишда 5,948 ва 5,694 фоизларни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 4,088 фоизни ташкил қилган ёки 2005 йилга нисбатан 196,2 фоизга ошган. Буни қуйидаги жадвал ва диаграммадан яққол кўриш мумкин.

3.3.2-жадвалдан кўринадики, Хоразм вилоятининг ЯХМда (ЯХМ) лизингнинг улуши 2005 йилда 0,208 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 0,582 фоизни ташкил қилган ва лизингнинг ЯХМдаги улушининг ўсиши 279,2 фоизга етган.

2005-2010 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида лизингга берилган мол-мулк ҳажмини таҳлил қиладиган бўлсак, энг юқори кўрсаткич 2008 йилда (9,924 млрд. сўм) кузатилган ва 2005-2008 йиллар давомида лизингга берилган мол-мулк ҳажмининг вилоят кўрсаткичи изчил ошиб келган ва 2010 йилга келиб қарийиб 0,914 млрд. сўмгача пасайган ва 9,010 млрд. сўмни ташкил қилган. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида Хоразм вилояти ЛХБнинг асосий сегментини қишлоқ хўжалик техникаси лизинги ташкил этиши, ушбу сегментдаги асосий лизингга олувчиларнинг қишлоқ хўжалигида ер майдонларини оптималлаштириш сабабли сони камайганлиги ҳамда улар ўртасида олдинги мавжуд техникалар ҳам қайта тақсимланганлигини, яъни бозорнинг айнан шу лизинг предметларига бўлган талаби қисман бўлсада қондирилганини таъкидлаш мумкин (3.3.2-диаграмма).

**2005-2010 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида лизингга берилган мол-мулк ҳажми динамикаси, млрд. сўмда**

**3.3.2-диаграмма**

Тадқиқотларимиз давомида 2005-2010 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида иштирокчилар улушининг динамикасини таҳлил қилдик (3.3.3-жадвалга қаранг).

**3.3.3-жадвал**

**2005-2010 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида  
иштирокчилар улушининг ўзгариши**

<b>Йиллар</b>	<b>2005</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2010</b>
<b>Лизинг компаниялари</b>					
Мол-мулк қиймати, млрд. сўм	1,199	2,414	5,704	7,435	5,823
Улуши, %	98,3	72,3	71,2	74,9	64,6
<b>Банклар</b>					
Мол-мулк қиймати, млрд. сўм	0,023	0,926	2,302	2,489	3,187
Улуши, %	1,7	27,7	28,8	25,1	35,4
<b>ЖАМИ:</b>	1,219	3,340	8,006	9, 924	9,010

Жадвалдан кўринадикки, 2005-2009 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида республика лизинг хизматлари бозоридан фарқли ўлароқ, фақат лизинг компаниялари ва тижорат банклари фаолият кўрсатишган. 2005 йилда лизинг компанияларининг лизинг хизматлари бозоридаги улуши қарийб 98,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилга келиб 64,6 фоизгача камайган ва ўз навбатида тижорат банкларининг улуши мос равишда 1,7 фоиздан 35,4 фоизгача ошган.

Таъкидлаш жоизки, 2005-2010 йилларда тижорат банклари улушининг ошиш тенденциясига эга бўлиши улар томонидан кўрсатилаётган лизинг хизматлари ҳажмининг кўпайиши ҳамда кейинги икки йил давомида лизинг компаниялари лизинг хизматлари ҳажмининг камайиши ҳисобига юз бермоқда.

3.3.3-диаграммадан кўринадикки, вилоят лизинг хизматлари бозорида нобанк муассасаларининг иштироки деярли йўқ ва истикболда Хоразм вилоятида янги фаолият бошлаган нобанк муассасалари бўлган кредит уюшмалари томонидан ҳам лизинг хизматлари қўлланилишини рағбатлантириш лозим. Худди шундай тижорат банклари томонидан ҳам кўрсатиладиган микролизинг хизматлари ва бошқа лизинг хизматлари кўламини кенгайтириш чораларини, механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2005-2010 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида лизинг битимлари портфели динамикаси таҳлилининг кўрсатишича, 2005-2010 йиллар

давомида янгидан тузилган битимлар сони 71 тадан 373 тагача ёки 5,3 мартага ошган. Ўз навбатида тузилган битимларнинг қиймати 7,4 мартага ёки 1,2 млрд. сўмдан 9,0 млрд. сўмгача ошган (3.3.4-жадвалга қаранг).

### 3.3.4-жадвал

#### 2005-2010 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида лизинг битимлари портфели динамикаси

Йиллар	2005	2006	2007	2008	2010	2010 йил 2005 йилга нисбатан, марта
<b>Йил давомидаги янги битимлар</b>						
Битимлар сони	71	176	367	412	373	5,3 м
Битимлар қиймати, млрд. сўмда	1,219	3,340	8,006	9,924	9,010	7,4 м
<b>Йил охирида лизинг портфели</b>						
Амал қилаётган шартномалар сони	214	332	641	946	1107	5,2 м
Қиймати млрд. сўм	2,428	4,932	12,106	16,537	21,613	8,9 м

Бизнинг таҳлилларимизга кўра, 2010 йилга келиб амал қилаётган битимлар сони 1107 тага етган ёки 2005 йилга нисбатан 5,2 мартага ошган ва ўз навбатида 2010 йилда умумий амал қилаётган лизинг битимларининг қиймати 2005 йилга нисбатан 8,9 мартагача ошиб, 2,43 млрд. сўмдан 21,6 млрд. сўмга етган (3.3.4-жадвал). 2005-2009 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида лизинг хизматларини амалга оширган хўжалик юритувчи субъектлар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг 63,0 фоизи фермер хўжаликлари, 34,0 фоизи

хусусий фирмалар ва 3,0 фоизи бошқа шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар хисобланади (3.3.4-диаграммага қаранг).

Кейинги йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида лизингга берилган мол-мулк турлари диверсификациялашиб, уларнинг ўзаро нисбатлари ўзгариб бормоқда ( 3.3.5-диаграмма).

**2005-2010 йилларда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида лизинг хизматларини амалга оширган хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича улуши, % да**

**3.3.4 – диаграмма**

**2010 йилда Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида лизингга берилган мол-мулкларнинг турлари бўйича таркиби, фоизда**

**3.3.5 – диаграмма**

Диаграммадан кўринадикки, умумий лизингга берилган мол-мулкларнинг 71 фоизини қишлоқ хўжалик техникалари, 5 фоизини кўчмас мулк, 4 фоизини енгил ва озиқ-овқат саноати технологиялари, 3 фоизини полиграфия, компьютер ва ахборот коммуникация технологиялари (АКТ), 3 фоизини юк ҳамда 5 фоизини йўловчи транспортлари, 3 фоизи қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологиялари, 4 фоизини бошқа ишлаб чиқариш технологиялари, 1 фоизини тиббиёт ускуналари ташкил этган.

Хоразм вилояти ҳудудларида лизинг битимлари ҳажмининг нотекис тақсимланганлигини ҳудудларда лизинг хизматларининг ривожланганлик даражаси индекси ( $LXS_{(RDI)}$ ) орқали яққол кўриш мумкин. Бунда вилоят ҳудудлари лизинг хизматларининг ривожланганлик даражасига қараб урта гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга  $LXS_{(RDI)}$  индекси паст даражада

ривожланган, иккинчи гуруҳга ўрта даражада ривожланган ва учинчи гуруҳга юқори даражада ривожланган ҳудудлар киритилган. Олинган натижаларга кўра,  $LXS_{(RDI)}$  индекси паст даражада ривожланган ҳудудларга Шовот, Янгиариқ ва Янгибозор туманлари тўғри келган бўлса,  $LXS_{(RDI)}$  индекси юқори даражада ривожланган ҳудудлар гуруҳини Боғот, Ҳазорасп ва Гурлан туманлари ташкил этган. Хива, Урганч ва Қўшқўпир туманлари ҳамда Урганч шаҳарлари  $LXS_{(RDI)}$  индекси ўрта даражада ривожланган ҳудудлар гуруҳини ташкил этади (18-19 иловалар).

Шунингдек,  $LXS_{(RDI)}$  индекси вилоят ҳудудларида лизинг хизматларининг аҳоли жон бошига ривожланганлик даражаси бўйича ҳам гуруҳларга ажратиб ўрганилди. Унга кўра Гурлан тумани лизинг хизматларининг аҳоли жон бошига ривожланганлик даражаси бўйича мутлоқ устунликни эгаллаган. Янгибозор тумани лизинг хизматларининг аҳоли жон бошига ривожланганлик даражаси бўйича қуйи гуруҳдан ўрта гуруҳга ўтган бўлса, аксинча Урганч тумани ушбу кўрсаткич бўйича ўрта гуруҳдан қуйи гуруҳга тушиб қолди (19а-илова).

Тадқиқотларимиз давомида Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорида етакчи лизинг берувчилардан бўлган тижорат банклари ва лизинг компаниялари ўртасида лизингнинг тутган ўрнини баҳолаш бўйича социологик сўровлар ўтказдик (20-21 иловалар).

Социологик сўровларда респондентлар бўлган тижорат банклари ва лизинг компаниялари вакилларига 11 та саволдан иборат бўлган анкети сўровларини тарқатдик ва улардан шу саволлар бўйича олинган жавоблар таҳлилини ўргандик (22-илова).

Респондентлар сифатида РОТБ Қишлоққурилишбанк, АТБ Агробанк, ОАТБ Микрокредитбанк, ДАТ Асакабанк, АТБ Халқбанк каби банкларнинг ҳамда “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” ва “Ўзбек Лизинг Интернейшенл” лизинг компанияларининг Хоразм вилояти филиаллари бошқарув ходимлари ёки кредит бўлимларининг бошлиқлари иштирок этишди.

Таҳлилларимизга кўра, “Лизинг хизматларини асосан қайси тоифадаги хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатасиз?” деган саволга респондентларнинг аксарияти “кичик бизнес субъектларига” деб жавоб беришди (Агробанкдан ташқари).

“Асосан қайси турдаги лизинг хизматларини кўрсатасиз?” деган саволга “Микрокредитбанк” ОАТБ вакиллари “кўрсатилаётган лизинг хизматларининг тўртдан уч қисми асосан микролизинг қолган қисми молиявий лизинг хизматлари” деб жавоб беришган бўлса, қолган тижорат банкларида микролизингнинг улуши нисбатан камайиши аён бўлди.

Респондентларнинг жавобидан кредит портфелида лизинг хизматларининг улуши 25 фоизгача ташкил қилиши, биргина Микрокредитбанкда эса 35 фоиздан ортиши маълум бўлди.

“Сизнинг фикрингизча ташкилотингиз учун лизинг бериш даромадлироқми ёки кредитми?” деган саволга ДАТ Асакабанк респондентлари лизингни афзал кўришини билдиришди. Буни улар “Лизингда кредитга нисбатан катта солиқ имтиёзлари мавжуд” деган жавоб билан асослашди. Бироқ аксарият банкларда лизингга нисбатан кредитнинг афзал кўрилиши эътироф этилди. Бунинг асосий сабаблари банк ходимларининг лизинг тўғрисида етарли тажрибага эга бўлмаслиги, ушбу фаолиятдан уларнинг бевосита манфаатдор эмаслиги ҳамда кредит механизми молиялаштиришнинг нисбатан қулай ва анъанавий усули бўлганлигидадир.

Анкета сўровномасининг “Ташкилотингизда лизинг хизматларини янада кенгайтиришга сизнинг назарингизда қандай омиллар тўсқинлик қилмоқда?” деган саволига респондентлар томонидан “Молиявий ресурслар чекланган, айниқса имтиёзли фоиздагилари, тадбиркорлар лизинг ва унинг афзалликлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмас, техника ва ускуналар нархлари юқори ва тез ўсмоқда, уларни етказиб берувчи марказлар жуда кам, агент-банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар талаб даражасида эмас, баъзи-бир

тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлиги паст даражада, айримлари тўлов қобилиятига эга эмас, лизинг бўйича фоиз ставкалар баланд” каби камчилик ва муаммолар билдирилди.

“Сизнинг фикрингизча, қандай тадбирларни амалга ошириш орқали лизинг хизматларини янада ривожлантириш мумкин?” деган саволга респондентлар тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш, лизинг бўйича фоиз ставкаларни пасайтириш, қишлоқ хўжалик техникалари ва ускуналари турини кўпайтириш, уларни етказиб берувчи янги марказларни ташкил қилиш, лизингнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш, етказиб бериладиган техникалар таркиби ва сонини режалаштиришда реал бозор талабини ҳисобга олиш, эркин конвертацияни таъминлаш каби таклифларни билдиришган.

Айрим респондентлар (АТ Агробанк) Марказий банк томонидан лизинг хизматлари учун ўрнатилган меъёрлардан лизинг хизматларининг ошиб кетганлиги ва бу муассаса томонидан бундай операцияларни тўхтатиш топширилганлиги лизингнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётганлиги таъкидлаган ва ушбу муассаса томонидан белгиланган меъёрлар кўламини янада кенгайтириш истаги билдирилган.

Ўтказилган анкета сўровлари жараёнида шу нарса маълум бўлдики банклар томонидан лизинг олувчиларга ҳеч қандай сервис хизмати кўрсатилмайди, яъни, лизинг хизмати кредит бериш механизми доирасида амалга оширилмоқда. Ускуналар бозорини маркетинг қилиш, зарур ускунани танлаб олиш, уни суғурталаш, техник-иқтисодий асослари (бизнес режаси)ни ишлаб чиқиш, ускуналарни олиб келиш, ўрнатиш ва ишга тушириш, унинг техник ҳолатини назорат қилиш, ходимларни қайта тайёрлаш каби тадбирлар бевосита лизинг олувчи зиммасига тушган.

Лизинг компанияларида эса вазият ўзгача бўлиб, улар муайян ускуналар таклифига эга ҳамда ускуналарни етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш босқичларида зарур сервис хизматларини қисман бўлсада кўрсатишга тайёр. Шу

билан бирга, ушбу компаниялар лизинг хизматларининг барча босқичларини сервис билан қамраб олишга эриша олмаганлар.

Таҳлиллар бўйича юқоридаги анъанавий таҳлил усулларини кенгайтириш ҳамда бу усуллар натижаларини қисман бўлсада қиёсий таққослаш учун Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорининг бугунги кундаги устунликлари, афзалликлари, заиф жиҳатлари, имкониятлари ҳамда унга нисбатан таҳдидларни SWOT таҳлили ёрдамида кўриб чиқдик. Истиқболда республикамизнинг барча ҳудудларида, хусусан, Хоразм вилоятида тегишли чора-тадбирларни, лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятини эътиборга олиб, тадқиқотимизнинг ушбу бўлимида лизинг хизматлари бозорининг SWOT таҳлили натижаларини келтирамиз (3.3.5-жадвал).

Унга кўра, *лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг кучли томонлари сифатида* асосан қулай меъёрий-ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги, лизинг объектларининг лизинг олувчиларга ўз вақтида етиб бориши ва диверсификациялашуви, бозорда янги ва кучли лизинг берувчиларнинг пайдо бўлиши ҳамда лизинг компанияларининг ўз хизмат кўрсатиш майдонига эга бўлиши кабиларни қайд этишимиз мумкин.

### 3.3.5 – жадвал

#### **Хоразм вилояти лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили**

<b>КУЧЛИ ТОМОНЛАР</b>	<b>ЗАИФ ТОМОНЛАР</b>
-----------------------	----------------------

<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қулай меъёрий-ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги</li> <li>• Лизинг объектининг лизинг олувчига ўз вақтида етиб бориши</li> <li>• Лизинг предметларининг диверсификациялашуви</li> <li>• Бозорда янги ва кучли лизинг берувчиларнинг пайдо бўлиши</li> <li>• Лизинг компанияларининг ўз хизмат кўрсатиш майдонларига эга бўлиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• лизинг хизматлари бозорида қишлоқ хўжалик техника- лари сегментининг хукмронлиги</li> <li>• Лизинг сервисининг заифлиги</li> <li>• Лизинг компаниялари сонининг камлиги</li> <li>• Тижорат банкларида кредит операцияла- рига устуворлик берилиши</li> <li>• Тўловга қодир лизинг олувчилар сонининг камлиги</li> <li>• Лизинг берувчиларда молиявий ресурс- ларнинг чекланганлиги</li> <li>• Лизинг тўғрисида етарлича ахборотга эга бўлмаслик</li> </ul>
<b>ИМКОНИАТЛАР</b>	<b>ТАҲДИДЛАР</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ҳукумат томонидан лизинг хизматларига устуворлик берилиши</li> <li>• Вилоят лизинг хизматлари бозорида лизинг берувчилар сонининг ва молиявий ресурслар ҳажмининг кўпайиши</li> <li>• Тўловга қобил лизинг олувчиларни кўпроқ жалб қилиш</li> <li>• лизинг хизматлари бозори кўпгина сегментларининг ўзлаштирилмаганлиги</li> <li>• Жисмоний шахсларга микролизинг хизматларини кўрсатиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Баҳолар ва фоиз ставкаларининг ошиши</li> <li>• Солиқларнинг ўсиши ва бозор конъюнк- турасининг ўзгариши</li> <li>• Бошқа ҳудудлардаги ёки хорижий рақиблар бозор мавқеининг ўсиши</li> <li>• Валютали лизинг хизматлари учун валюта курсининг нобарқарорлиги</li> <li>• Қонунчиликдаги ўзгаришлар</li> <li>• Лизинг объектининг маънавий эскириши</li> </ul>

*Лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг заиф томонлари сифатида* бозорда қишлоқ хўжалик техникалари сегментининг хукмронлиги, лизинг сервисининг заифлиги, лизинг компаниялари сонининг камлиги, тижорат банклари томонидан кредит хизматларига устуворлик берилиши, тўловга қодир лизинг олувчилар сонининг камлиги, лизинг берувчиларда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, лизинг бўйича етарлича ахборотга эга бўлмаслик каби кўрсаткичларни айтиш зарур.

*Лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг имкониятлари* сифатида ҳукумат томонидан лизинг хизматларига устуворлик берилиши, вилоят лизинг хизматлари бозорида лизинг берувчилар сонининг кўпайиши,

тўловга қобил мижозларни кўпроқ жалб қилиш, лизинг хизматлари бозори кўпгина сегментларининг ўзлаштирилмаганлиги, жисмоний шахслар микролизингини ташкил қилиш кабиларни таъкидлашимиз мумкин.

Ўз навбатида *лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришга таҳдид солувчи жиҳатлар сифатида* баҳолар ва фоиз ставкаларининг ошиши, солиқларнинг ўсиши ва бозор конъюнктурасининг ўзгариши, бошқа худудлардаги ёки хорижий рақиблар бозор мавқеининг ўсиши, валютали лизинг хизматлари учун валюта курсининг нобарқарорлиги, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳамда лизинг объектининг маънавий эскиришини айтишимиз жоиз.

Юқорида ўтказилган SWOT таҳлилининг лизинг хизматларини амалга оширувчилар ёки лизинг муносабатларида қатнашувчилар томонидан кўлланилиши айнан лизинг хизматлари бозорининг заиф томонлари ва таҳдидларини бартараф этишга, унинг кучли томонлари ҳамда имкониятларини тўлиқ ишга солишга ва шу асосида муайян минтақада лизинг хизматларининг тараққий этишига замин яратади деб ҳисоблаймиз.

### **Жаҳон-молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари**

Маълумки 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосида унга қарши самарали чоратadbирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқкиёсида энг долзарб масалага айланмоқда. Аммо кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инкирозга баҳо берар экан, унинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дуч келишмоқда.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми **“Жаҳон молиявий инкирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар”** деб номланган. Унда жаҳон молиявий инкирозини келтириб чиқраган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқкиёсида қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқараётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ва ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган. Муаллиф жаҳон молиявий инкирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг

окибатларини юмшатиш кўп жихатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғун ва боғлиқдир. **“Банк тизимини кўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш-Ўзбекистон учун инкирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир”** деб номланган. Унда қатор долзарб масалалар, шу жумладан, иқтисодий-иқтисодийнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга олганда, жаҳон молиявий инкирози, аввало унинг окибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади. Лекин юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда иқтисодий-иқтисодийнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суратларини изчил таъминлашга эришилди, яқин истикболга белгиланган кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси, аввало, инкирозга қарши чоралар дастури ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди. **“Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим –Ўзбекистон бугун Халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас қисми ҳисобланади”**, - деб алоҳида таъкидлаган Президентимиз Ислам Каримов узининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари” деб номланган асарида. Ҳақ айтилган фикрлар Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва юқори тезлик билан ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йулларининг аниқ ва тугри курсатиб берилганлиги бош мақсад йулидаги ютук ва марраларнинг салмоқли булишига имкон яратиб бермоқда. Ватанимизда қишлоқ ободончилигини ҳамда унинг аҳолиси турмушининг фаровончилигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий-ижтимоий сиёсатининг диққат марказида булиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур курсаткич сезиларди даражада ушиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомида республика буйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу курсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади. «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ҳам қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирлари қучайтирилди. Бунинг учун энг аввало яқка тартибда уй-жой қуриш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган. Шу асосда қишлоқ

жойларида 7100 минг кв.м уй-жой курилиши ошиги билан амалга оширилган. Албатта, бу жараёнларни молиявий жихатдан куллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Шунга кура, 2009 йилда кишлоқ яшаш жойларини тула инвентаризациядан утказиш мақсадга мувофиқ деб топилиб кейинги йилларда кишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан уртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айти пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир килувчи шарт-шароитлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2006 йилда 71,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бирок, ҳали кишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бораётганлигига қарамай, бугунги кунда кишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминланиш даражаси жуда паст. Шунга кура, ҳозирда кишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектни реконструкция қилиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мулжалланган дастурни ишлаб чиқилганлигини ҳам уз ичига олади. Шу қаторда 2009- 2010 йилларда узунлиги қарийб 700 -1000 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшиланмоқда.

Кишлоқ жойларининг ободонлиги ва аҳолисининг фаровонлигини автомобиль йуллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кура, 2011-2012 йилларда кишлоқ жойларда автомобиль йулларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 67 та янги автомобиль маршрутини йулга қуйиш ва 2000 км дан ортиқ маҳаллий йулларни таъмирлаш кузда тутилган. Аҳоли турмуш даражаси қўп жихатдан хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айтиқса, аҳолига маиший хизмат қўрсатиш даражаси кишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир қўсатади. 2012 йилда хизмат қўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига қўтариш, жумладан, кишлоқда хизматлар соҳасида янги иш жойлари ташкил этиш, савдо магазинлари, маиший хизмат қўрхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, кишлоқ аҳоли яшаётган жойларда телефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, кишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2011-2012 йилларга мулжалланган дастурини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рағбатлантириш қоидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда. Кишлоқни ёқилги энергетика захиралари билан барқарор таъминлаш учун қўлай шароитни яратиш борасида мавжуд электр ва газ

тармоқларини тула инвентаризация қилиш, янги электр ва газ тармоқларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, узок жойларда жойлашган кишлоқларни газ ва кумир билан таъминлашга мулжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланган.

---

И.А.Каримов “Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари” Т., 2009.И.ф.д., профессор Б.Ю.Ходиев ва бошк. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари» номли асарини урганиш буйича укув кулланма”: Т “Иктисодиёт” 2009

### **Атроф мухит муҳофазаси**

Хоразм вилояти Ўзбекистон Республикасининг шимолий-ғарбий қисмида, Амударёнинг қуйи оқимининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган, шимол ва шимолий шарқдан Қорақалпоғистон Республикаси, жанубдан ва жанубий-ғарбдан Туркманистон Республикаси билан чегараланади. Иқлими кескин континентал, қиши совук, қор кам ёғади, ҳарорат -300с гача пасаяди, ёзи қурук ва иссиқ, ҳарорат + 450с гача қизийди.

Амударё вилоятнинг ичимлик ва кишлоқ хўжалик экинларини суғориш манбаи ҳисобланади, ундан ўнлаб сув тармоқлари, жумладан, Полвон, Ғозовот, Шовот, Р-8, Қуловот каби умумий узунлиги 1000 км.га яқин бўлган каналлар чиқарилган. Азалдан Хоразм воҳасининг тупроғи ҳар хил даражада шўрланиб келинган. Лекин Амударё суви билан келадиган лойқа сув орқали воҳанинг ҳамма майдонига таралиб, тупроқ шўрлигини нормаллаштириш билан бир қаторда, тупроқ структурасини яхшилаган, тиклаган, дарё томондан лойқа билан келган турли микроминерал моддалар тупроқ озуқалигини бойитган. Шу сабабли, Хоразм воҳасининг тупроғи минг-минг йиллар давомида юқори ҳосил берган, ширин ва мазали қовун-тарвузлар, олма-узумлар етиштирган. Тупроқ шўрлигига ва шўрланиш даражасини пасайтиришга қарши давлатимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан 2008-2012 йилларга мўлжалланган мелиорация соҳасида Давлат дастурини ишлаб чиқиш, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантириш, мелиорация тадбирларини комплекс олиб бориш кўзда тутилган. Бу юзадан вилоятда 2008-2012 йилларга мўлжалланган мелиорация тадбирлари дастури ишлаб чиқилиб, Ҳукумат комиссиясига тақдим қилинди. Тадбирга мувофиқ вилоятда 2008-2012 йилларда 16506 км узунликда коллектор зовур тармоқларини тозалаш режалаштирилган. Вилоятда ер ости сувларини пасайтириш ва керакли мувозанатда ушлаб туриш мақсадида «табiiй дренаж»лардан кенг фойдаланилмоқда. Бунда ҳар бир контур экин майдонлари атрофлари бўйлаб қаторлаб тут дарахтлари экиш ва шароитга мос бошқа

Ўсимлик турларидан фойдаланиш анча самара бермоқда. Тутлар нафақат ипакчилик озуқа базаси бўлиб, шунингдек ерларни шамол эрозиясидан, қақраб қолишдан сақлайди ва «табiiй дренаж» вазифасини ҳам ўтайди.

Хоразм вилояти ўзининг ўсимлик ва ҳайвонот оламининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Амударёнинг вилоят чегараси бўйлаб ўтганлиги дарё бўйида ўзига хос тўқайзорларни вужудга келишига асос бўлган. Дарё қайридаги жийдалар, юлғунлар, ва туронғилар ҳосил қилган ўрамлар, чакалакзорлар, тўқайзорлар ёввойи чўчқа, тўқай мушуги, бўрсик, чиябўри каби қатор сут эмизувчилар, қирғовул, қизилиштон, зарғалдоқ, ҳаққуш каби қушлар ва ҳар хил судралиб юрувчиларнинг сеvimли масканига айланиб қолган. Вилоятнинг жанубий чегараси Қорақум қумликларидан ўтганлиги ҳам бу ҳудудларда тамомила бошқача манзара ҳосил қилган. Қумликдаги саксовул, юлғунлар, қуёнсуяк ва қандимлар ҳамма жойда бир хил тарқалган эмас. Вилоятнинг табiiй кўллари атрофида ва кўлга яқин ерларида қамиш, қўға, янтоқ, шувоқ, буғдойиқ, ялтирбош, қумаржиқ каби ўт ўланлар ўсади. Бу зонада умуртқали ҳайвонлардан толой товушқони, тулки, қум мушуги, чиябўри, ҳар хил кемирувчиларни, шунингдек, тўрғайлар, қорабовур, ёввойи каптар ва бошқаларни учратиш мумкин. Вилоят ўрмон фонди ерларининг умумий ер майдони 78412 гектарни ташкил қилади, шундан ўрмон билан қопланган ерлар 42000 гектардир.

Вилоятда кейинги йилларда экологик хавфсизликни таъминлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ичимлик сув сифатини яхшиланди, **шунингдек саноат корхоналаридаги атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар** чиқарувчи муқим манбалардаги чанг ва газ тозалаш ускуналари жиҳозланди, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши биологик кураш чораларини кўпайтириш ҳисобига кимёвий препаратлар қўллаш кўламиди кескин камайтирилди. Жумладан, Ҳонка туманида пахта тозалаш заводи аҳоли пунктидан кўчирилди, Эроннинг «Шимбар» фирмаси томонидан суткасига 100 минг куб метр сув тозалаш иншооти ишга туширилди, қишлоқ хўжалиги соҳасида 120 та биолоборатория фаолият олиб бормоқда. 2006 йилда вилоят хокимлиги томонидан 2006-2010 йилларга мўлжалланган атроф табiiй муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий Дастури тасдиқланиб унга 22 та тадбир киритилди. Шундан, сув манбаларни муҳофаза қилиш бўйича 8 та тадбир, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича 3 та тадбир, ер ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича 7 та тадбир, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича 4 та тадбир. Ҳозирги пайтга ушбу тадбирларни бажариш учун 1880288,0 минг сўм миқдорда маблағлар сарфланди ва Туямўйин сув омборининг 4,14 км узунликдаги дамбалари таъмирланди, бурғулаш ва бетон ишлари олиб борилди.

Хоразм вилоятида 2002 йилдан бошлаб ер ва сувдан фойдаланишнинг иқтисодий ва экологик тузилишини ўрганиш мақсадида олмон-ўзбек илмий лойиҳаси ҳамкорликда иш бошлади. Лойиҳанинг асосий вазифаси Хоразм вилоят қишлоқ хўжалигида иқтисодий самара ва экологик кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳада Ўзбекистонда ёш мутахассис ва олимларни ўқитиш, қайта тайёрлаш кўзда тутилган. Лойиҳа томонидан ҳозирги вақтда вилоятнинг қишлоқ хўжалик секторининг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш мақсадида ташкил этилган тадқиқот гуруҳи фаолият олиб бормоқда.

Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 2011 йил давомида вилоятда Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва табиатни муҳофазасига оид бошқа қонунлари, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлари талабларини бажарилишини назорат қилиш, вилоятда экологик ҳолатни барқарорлаштириш, текширишларни тартибга солиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб борилган. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг мониторингини олиб бориш ва баҳолаш бўйича фаолиятининг 2011 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар режаси тўлоқанли бажарилишга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 212-сонли қарори билан тасдиқланган Дастури вилоят ҳокимининг 2008 йил 10 декабрдаги 4-2015-сонли қарори билан тасдиқланиб, тадбирларни амалга ошириш ва бажариш учун корхоналар, идоралар, ташкилотларга юклатилиб, бажарилиши учун масъул этиб тайинланган. Дастурда бажарилиши лозим бўлган тадбирларни бажариш учун 3 млрд. 362 млн. 263 минг. сўм харажат килинган. Жумладан, Республика бюджети маблағлари ҳисобидан Амударё химоя дамбаларини таъмирлаш, Ўзан сув омборини 1,2,3,4,5,6,7,8,9 рақамли шпораларни ҳамда Султон Санжар сув омборининг химоя дамбаларини таъмирлаш, гидроузелдаги бетон иншоотлардан сизиб ўтиш жараёнини даволаш, магистрал каналларни дамбаларини таъмирлаш, канал муҳофаза зоналарини кўкаламзорлаштириш ва ўрмонзор барпо қилиш, сув омборининг сувни муҳофаза қилиш зонасида кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш ва атроф табиий муҳитни ифлослантирувчи манбаалар мониторинги олиб борилмоқда. Қўмита маҳаллий жамғармаси маблағлари ҳисобидан мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб –хунар ва олий таълим муассасалари учун экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ахборот-таҳлилий маълумотларни, ўқув-методик қўлланмалар

туркумини, кўргазма ва дидактик материалларни тайёрлаш ва нашр этиш, Экологик муаммолар бўйича Хоразм телерадиокомпанияси дастурларини ишлаб чиқиш ва мавзули кўрсатувлар ташкил этиш, шунингдек видео ва хужжатли фильмлар яратиш ва намойиш қилиш ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассисларининг ноҳукумат нодавлат ташкилотлар билан мавзули учрашувларини ҳамда журналистлар учун брифинг ташкил қилинмоқда. Тадбирларни амалга оширилиши натижасида, яъни 1736 дона транспорт воситаларини газга ўтказилиши натижасида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташлаш 880,023 тоннага қисқарди. 2011 йил давомида Қўмита назоратчилари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги 3-сонли мажлисида тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ 2011 йилга режалаштирилган 40 та субъектдан текшириш ўтказилиб, самарадорлиги 100 фоизни ташкил қилди. Қонунбузилишларга йўл қўйган жами 71 та мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ишлар кўзғатилиб, 5928.56 минг сўм миқдорда жарима солинди ва ундириб олинди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан субъектларга 165 та ёзма топшириқлар берилди ва бажарилишга эришилди, самарадорлик 100 фоизни ташкил қилди. Ҳисобот даврида субъектларнинг 33 тасида назорат тартибидан текширишлар ўтказилди ва 2та мансабдор шахсларга нисбатан 435,205 минг сўм миқдорда жарималар қўлланилди, тадбиркорлик субъектларда ноқонуний текширишларга йўл қўйилмаган.

Урганч Давлат Университети ва Маъмун академияси олимлари билан ҳамкорликда Хоразм вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маҳаллий жамғармаси ҳомийлигида экологияга оид 8 та китоблар нашр қилинган. Вилоятдаги бир қатор нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда экологик муаммоларга бағишланган учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилган. 2011 йилда вилоятдаги саноат корхоналари доимий манбаларидан атмосфера ҳавосига 4890 тонна ва автотранспортлардан 44150 тонна зарарли моддалар чиқарилган бўлса, транспорт воситаларини табиий ва сиқилган газ ёқилғисига ўтказилиши сабабидан 800 тонна ва саноат корхоналари доимий манбаларини тозалаш самарадорлигини ошириш ҳисобига 5520 тонна, жами бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 6400 тоннага камайишга эришилган. Хоразм вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ёши 100 ва ундан зиёд бўлган дарахтларга «Давлат табиат ёдгорлиги» мақомини бериш учун уларни ҳисобга олиш ишлари амалга оширилган. 2012 йил 1 январ ҳолатига Хоразм вилоятида ёши 100 ва ундан зиёд бўлган 103 та дарахт ҳисобга олинган.

## **Хаёт фаолияти хавфсизлиги**

Табиатда ёмон хаво, ёмон кун булмаганидай ёмон экологиянинг булиши ҳам, аклга сигмайдиган ходиса ҳисобланади. Бундан шундай хулоса чиқадики, экологик мувозанатнинг бузилиши бу албатта, табиий ҳол. Экология мувозанати бу тирик организмларнинг ер юзида келишган ҳолда бир-бирига ҳалал бермасдан биргаликда яшашини белгилайдиган фан сифатида вужудга келди.

Ташки муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бугунги куннинг муаммоси эмас. Инсоният тараккиётининг турли босқичларида бу муаммолар ҳар турли қирралари билан қуриниш бериб келган. Масалан, урта аср бошларида жаҳоннинг катта шаҳарларида иситиш учун ва бошқа мақсадлар учун тош қумирдан фойдаланиш бошланган кезларда бу шаҳарларда тутуннинг қупайиб кетиши натижасида одамларнинг тутунга қарши қураш эълон қилинган ҳақида маълумотлар бор.

Ҳар қандай давлатнинг ривожланиш даражасини унда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ва саноат қорхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг сифати ҳамда дунё бозоридаги рақобатбардошлигини белгилайди. Бу оддий ҳақиқатни тушиниб етмаган ер юзидаги бирорта давлат қолгани ёқ. Демак, ҳар бир давлат энергетика соҳасини ривожлантириши турган гап. Схундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юқорида келтириб ўтилган чанг миқдорининг яқин келажакда бир неча ўн марта ошиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Чангларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар асосан қаттиқ моддаларнинг заррачалари ҳисобланади, лекин уларнинг таркибида кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлган зарралар ҳам анчагина миқдорни ташкил қилади. Масалан, энергетика соҳасида ёқилғИ сифатида ишлатилаётган моддалар ёнгандан кейин ҳосил бўладиган қолдиқ маҳсулот, яъни қул худди шундай зарралар қаторини

эгаллайди. Бундай чангларнинг атмосферага чиқариб юборилган қисми катталиги 5 мкм дан кичик чанглардан ташкил топганлиги сабабли ва уларнинг солиштирма оғирлиги атмосфера ҳавоси солиштирма оғирлигига тенглигини ҳисобга олсак, бу чанглар деярли ерга қўнмай атмосфера ҳавосининг бир қисми сифатида доим сузиб юради.

Бу чангларнинг атмосфера ҳавосида кўпайиши қуёш нурларининг ерга етиб келишини қийинлаштиради, яъни нотабиий соялар вужудга келади, бу эса ўз навбатида шамолларнинг ҳаракатланиш ёъналишларини ўзгартириб юборади, уларнинг таркибидаги булутлар доимий юриш жойларини ўзгартириб, ёғши керак бўлган ёмғир бутунлай бошқа ҳудудларга ёғади. Келтириб ўтилган мулоҳазалардан чиқадиган ҳулоса шуки, ҳозирги куннинг экология вазияти мувозанат бузилиш нуқтасида турганлиги ва бунга ҳозирги кунда мавжуд бўлган шароит иложи бориша бу жараёни тезлатишга хизмат қилмоқда.

Исоният тараққиётининг XX нчи асрига қадар бу мувозанат ер юзидаги одамлар сони кўпайган сари ёмонлаша бошлади. Ер юзидаги одамлар сонининг ўсиши 1840-йилда 1 млрд кишини ташкил қилган бўлса, бу инсоният ер юзини эгааллай бошлаган тош асридан бошланган десак, бу ўсиш даври ярим ёки бир миллион йил давомидаги ўсиш ҳисобланади. 1930-йилга келиб, бу рақам 2 млрд кишига кўпайган. Бу кўпайиш даври 90 йилни ташкил қилган. Кузатишни давом эттирсак, одамлар сонининг учинчи миллиарди учун атиги 13 йил кифоя қилган ва яна 12 йилдан кейин 1987-йилда бу рақам 5 миллиард кишини ташкил этган вс ниҳоят охириги 1999-йили одамлар сони 6 миллиард кишига етди.

Бундай ўсишнинг асосий сабабларидан бири, ҳаёт тарзининг қулайлашганлиги маиший хизмат турларининг ошиши, қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг ошиши ва етарлича озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши, шунингдек, тиббиёт фанининг ривожланиши натижасида инсон ҳаёти давомийлигининг ошиши ва болалар ўлимининг камайиши бунинг асосий сабабчилари бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳаёт давомийлигининг ошиши билан бир каторда баъзи бир ҳудудларда туғилиш даражаси ҳам юқори миқдорни ташкил этади. Аҳолининг ўсиш даражаси юқори бўлган

давлатларга Африка, Марказий Америка, Яқин ва Ўрта Сҳарқ, Жанубий-Сҳарқий Осиё, Ҳиндион ва Хитой давлатлари киради. Жумладан, Ўзбекион Республикаси ўсиш даражаси бўйича энг юқори поғоналардан бирини эгаллаб турибди.

Одамларнинг кўпайиши билан бир қаторда қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиш ҳодисаси кучаймоқда. БМТ маълумотларига кўра шаҳар аҳолиси 1880-йилда умумий аҳолининг 1,7 % ини ташкил қилган бўлса, 1950-йилда 13,1 %, 1970-йилда 17 %, 1984-йилда 50 % ва 2000-йилда 80-85 % ни ташкил қилади. Жумладан, АҚШ да аҳолини шаҳарлашиши 70% га Россия Федератсиясиники эса 1995-йилда 76% ни ташкил қилган. Миллион ва ундан кўп аҳоли яшайдиган шаҳарлар сони кўпаймоқда. Яқин келажакда 25-30 миллион одам яшайдиган шаҳарлар пайдо бўлиши кутилмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб деярли ҳамма ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ҳар 12—15 йилда икки ва ундан кўп миқдорда ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, дунё автомобил парки 1960-йилда 120 миллион автомобилдан ташкил топган бўлса, 1990- йилга келиб, бу рақам 420 миллионга етди.

Жадал суръат билан кимё саноати ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Охириги йилларда қишлоқ хўжалиги самарадоилигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишлар асосан тупроқ унимдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашдаж умуман заҳари химикатлар ва сунъий ўғитлардан фойдаланиш билан амалга; оширилиб келинди. Бу сунъий ўғитлар ва заҳарии химикатлар атроф-муҳитга безарар эди десак, муболаға бўлади. Чунки ишлатилаётган сунъий ўғитларнинг миқдори жуда катта рақамлардан ташкил топади. Масалан, ўғитларнинг умумий миқдори ер юзидаги экин экиладиган ҳар бир гектар ерга 90 кг ни ташкил қилганлиги аниқланган Минерал ўғитлардан фойдаланиш АҚШ, Россия ва МДҲ давлатларида ҳар гектар ерга 100 кг, Европа давлатларида 230 кг ни ташкил қилган. Азот ўғитларини кўплаб ишлатиш тупроқда нитратларнинг кўпайишига, фосфор ўғитларини ишлатганда эса фтор ва цронсийнинг кўпайишига олиб келади. Схунингдек, унимдорликни

ошириш мақсадида ноанъанавий- усуллардан фойдаланиш тупроқ таркибида оғир металлларнинг бирикмалари ҳосил бўлишига олиб келади.

Бунинг натижаси сифатида олинган ҳосил в таркибида зарарли моддаларнинг кўпайиб кетиши билан бир қаторда тупроқнинг захарии моддаларини йиғиш хусусиятини оширади ва бу атрофдаги сув хавзаларининг захарли моддалар билан ифлосланишига олиб келади. Бундай ифлосланиш суғориладиган ерларда ва сув тошқинлари бўлганда катта майдонларни ҳамда ҳажмларни ташкил қилади.

Тоғнинг геологик тузилишини ҳисобга олмасдан, олиб борилган халқ хўжалиги ишлари ҳам ер кўчишига сабабчи бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши мумкин бўлган табиий офатлардан бири селлардир. Селлар бутун республика ҳудудига тарқаладиган фодиса бўлмасда, тоғли ва тоғолди туманларида одамларни анча кўп безовта қиладиган ҳодиса ҳисобланади.

Селлар ўзи билан бирга кўплаб тош шағал ва бошқа каттиқжинсларни ўзига жамлаган ҳолда дарёлафва сойларни тошишига олиб, келади. Селлар республикамиз ҳудудида апрел ва май ойларида кузатилади.

Мисол тариқасида Тошкент виоятида 1987-йилда бўлган селлар натижасида йилоятга 45 миллион сғм зарар етказган ва беш киши ҳалок бўлганлиги маълум. 1997-йилда А Фарғона вилояти Сҳоҳимардон қишлоғи сел натижасида жуда катта талафот кўрганлиги ва шу кунларда ҳам бу сел оқибатларини тугатиш ишлари олиб борилаётгани маълум.

Келтирилган далилларни ҳисобга олсак, инсон ҳаёти ҳар қадамда ва ҳар сонияда хавф-хатар таъсири оцида турибди. Бу келиб чиқаётган муаммоларни омма онгига сингдириш асосий масалалар сифатида майдонга чиқмоқда. Бу вазифаларни бажариш, албатта, илм-фан доираси одамларининг ва биз тайёрлаётган мутахассисларнинг асосий бурчлари бўлиб қолиши керак. Схунинг учун ҳам университет ва инцитутларда тайёрланаётган талабалар учун бу фанни «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фани ҳаётга кириб келганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирги вақтда бу фан ўз тараққиётининг бошланғич босқичида турибди. Уни ривожлантириш ва такомиллаштириш замон талаби. Албатта, у ўз ривожланиш даврида меҳнатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фавқулодда ҳодисалардан муҳофазаланиш, шунингдек, амалий тиббиёт, биология соҳаларида эришилган илмий ютуқлардан тўла фойдаланади, қонун ва қоидаларга асосланади.

«Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанининг умумий мақсади-хавфсиз келажакни таъминлашнинг бирдан-бир йўли бу иқтисодий масалаларни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб боришдир. Бунинг асосида ривожланишнинг ҳамма жараёнларини текис ўсиб боришини таъминлаш, умумбашарий табиий захираларни тежаш, технологияларни хавфсизларини танлаш, ташқи муҳит билан хавфсиз мулоқот қилишни таъминлайдиган етук кадрларни тайёрлаш масалалари ётади. Бунда эътиборни ҳамма жабҳаларда бу ишларга алоҳида аҳамият берувчи раҳбар ходимларни тайёрлаш масаласига аҳамият бериш зарурати кўринади.

## ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини модернизациялаш шароитида лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини тадқиқ этиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги илмий асосланган хулоса, тавсия ва таклифларни билдириш имконини берди:

- Лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришга мамлакатимизда устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши туфайли 2002-2010 йилларда ушбу сектор фаолиятини тартибга солиш ва ҳалқаро меъёрларга мослаштириш, солиқ ва божхона имтиёзларини жорий этиш, ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Республика Президенти томонидан кўплаб Фармонлар ва Қарорлар қабул қилиниши ушбу тармоқ мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътиборида эканлигидан далолат беради. Аммо иқтисодий адабиётларда лизинг хизматлари секторининг назарий масалари, уни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари, тармоқда сервисни ривожлантириш муамолари жуда кам ўрганилган.

- Минтақа қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатларнинг қўллаш мумкин бўлган илғор тажрибалари қиёсий ўрганилган ҳолда асосланди.

- Мамлакатимизда лизинг хизматлари секторини ривожлантиришни тартибга солишнинг қулай меъерий-ҳуқуқий замини яратилган бўлиб, кейинги саккиз йил давомида мавжуд қонунчилик ҳукумат томонидан такомиллаштирилиб борилди ва ҳалқаро меъёрларга мослаштирилди. Шу билан бирга, ишда Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни батафсил таҳлил қилинган бўлиб, лизинг хизматларини ривожлантиришнинг бугунги кун талаблари ва хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибаларидан келиб чиқиб, мазкур Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозимлиги асосланди.

- Хорижий мамлакатларнинг лизинг хизматларини ривожлантиришни айрим тажрибалари Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорида қўллаш учун тавсия қилинди ва асосланди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар лизинг хизматлари бозорларининг шаклланиши борасидаги бизнинг тадқиқотларимиз лизинг хизматлари ривожланишида кетма-кет ҳар бир давлат босиб ўтиши лозим бўлган 6 та босқич борлигини кўрсатди: оддий қисқа муддатли ижарадан

то бозор тўйингунича. Охирги босқич лизинг саноати ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, лизинг компанияларининг бирлашиши ва халқаро лизинг ҳажмларининг кенгайиши билан характерланади. Ўзбекистон лизинг хизматлари бозори мазкур ривожланиш босқичларининг иккинчи босқичида бўлиб, унинг кейинги босқичларга ўтишини қўллаб-қувватлаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

- Ўзбекистонда лизинг хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари аниқланди ва таҳлил қилинди ҳамда уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

- Ўзбекистонда лизинг хизматларини ривожлантиришни тақозо қилади қуйидаги асосий шарт-шароитлар аниқланди:

маънавий эскирган ва жисмоний ишлаб бўлган ускуналарнинг етарли даражада кўп миқдорда мавжудлиги;

ишлаб чиқариш воситалари билан савдо-сотик заиф ташкил этилган шароитларда сотилмаётган товар-моддий бойликлар захираларининг мавжудлиги;

ишлаб чиқариш ускуналарининг қимматлиги оқибатида оддий банк кредитидан фойдаланилган ҳолда КБХТ субъектлари ўзларининг ишлаб чиқаришини ташкил эта олмаслиги;

кўп йиллардан бери иш кучи ҳамда хом ашёнинг нисбатан кам баҳоланиши ва катта қисмининг экспортга чиқарилиши.

Лизинг компаниялари томонидан ўз фаолияти давомида ушбу вазиятларни ҳисобга олиш уларнинг ривожланишда янги босқичга кўтарилишга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

- Биз тадқиқотларимиз давомида ўтказган таҳлилларимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозоридаги қуйидаги тенденцияларни аниқладик:

- *биринчидан*, лизинг хизматларига бўлган юқори талабнинг мавжудлиги лизинг компаниялари билан бирга, асосий фаолият тури бевосита лизинг бўлмаган, хусусан, кредит уюшмалари каби янги иштирокчиларнинг бозорга кириб келишини таъминлади. Бу эса республикада ЛХБда рақобатчилик муҳитининг яхшиланишига ва кўрсатиладиган лизинг хизматлари даражасининг ошишига имкон беради;

- *иккинчидан*, миллий ЛХБда фаол “ўйинчи”лар сифатида ўз таркибида лизинг компанияларини ташкил этаётган тижорат банклари майдонга чиқмоқ-да. Бу эса тижорат банклари томонидан узоқ муддатли молиялаштиришга бўлган мавжуд талабни лизинг орқали ҳал қилинишига шароит яратиб бермоқда;

- *учинчидан*, бизнинг фикримизча, яқин 3-5 йил ичида мамлакатимизнинг Инқирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг турли тармоқларида фойдаланиш учун Ўзбекистонда лизингга берилаётган мол-мулкларнинг янада диверсификациялашуви умумий ҳолда миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Йил

сайин кишлок хўжалик техникаси улушининг умумий лизинг ҳажмида аста-секинлик билан пасайиб бориши, кейинги йилларда айнан йўловчи ва юк транспорти, озиқ-овқат ва енгил саноат технологиялари лизинг ҳажмининг изчил ўсиб бориши бундан далолат бермоқда.

- Республикамизда лизинг компаниялари ва тижорат банкларининг фоиз ставкалари ўзаро фарқланмайди ва улар даражаси марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, лизинг компанияларининг фоиз ставкалари хизматлари қайси валютада амалга оширилишига ҳам боғлиқ бўлади. Чунки, республикамизда амалда фаолият юритаётган лизинг берувчиларнинг 45 фоизигина миллий ва ЭКВда операцияларни амалга оширади. Миллий валютада амалга ошириладиган операциялар кейинги йилларда ўзгармасдан, 14-25 % атрофида тебраниб турибди. ЭКВ бўйича битимлар фоиз ставкаси ўртача 12-22% ни ташкил этади. Бундан лизинг предмети импорт қилинади ва унинг қиймати ЭКВда ўлчанади, лизинг тўловлари эса тўлов кунидаги МБнинг миллий валютадаги курси бўйича амалга оширилади.

Лизинг олувчиларга қўйилаётган талаблардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мулк шаклига нисбатан лизингга берувчиларда махсус талаблар йўқ. Бироқ банклар лизингни асосан ҳуқуқий шахсларга ёки айрим ҳолларда фақат ўз мижозларига беришади. Аванс тўловлари лизинг объекти қийматидан келиб чиққан ҳолда ўртача 20 % ва ундан юқори бўлиши мумкин.

- Хоразм вилоятида ўтказган социологик тадқиқотларимизга кўра, банк масъул ходимлари лизингга доир қонунчиликдан етарлича хабардор эмаслар. Бундан ташқари, банклар томонидан лизинг хизматлари кредит бериш механизми доирасида амалга оширилиб, лизинг олувчиларга деярли ҳеч қандай сервис хизматлари кўрсатилмайди. Хусусан, улар томонидан ускуналар бозорининг муайян сегменти маркетинг қилиниб, мижозларга ускуналарни танлашда ва ишлатишда консалтинг хизматлари кўрсатилади. Шу билан бирга ускуналарни ташиб келтириш, уларга техник хизмат кўрсатиш, суғурталаш, зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, ускуналардан оқилона фойдаланишни мониторинг қилиш каби сервис хизмат-ларини кўрсатиш ушбу компанияларда заиф ёки умуман ташкил қилинмаган.

Фикримизча, лизинг хизматлари билан шуғулланувчи мутахассисларнинг тижорат бўйича, янги ва ишлатилган асбоб-ускуналарга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш, ишлаб чиқариш технологиялари, техник хизмат кўрсатиш бўйича, назорат, мол-мулкни суғурталаш, қонунчилик ва ҳуқуқий масалаларни билиш, лизинг шартномаларини тўғри расмийлаштириш ва бошқа соҳалар бўйича чуқур билим ҳамда тажрибага эга бўлишлари талаб этилади. Чунки, лизинг хизматларини амалга оширишда лизинг олувчининг мол-мулкдан қониқарсиз фойдаланиши, лизинг берувчи ишлатилган асбоб-ускуналарни самарасиз сотиши, лизинг объектини эгасига ўз вақтида қайтарилмаслиги ва шу каби салбий ҳолатлар лизинг берувчининг қалтисликларини оширади.

- Миллий статистика тизимида лизинг хизматларининг ҳисоби юритилмасда, тадқиқотларимиз жараёнида олинган бирламчи маълумотлар асосида вилоятда мавжуд лизинг берувчилар сони, улар томонидан амалга оширилган лизинг хизматларининг ҳажми ва унда лизинг берувчиларнинг улуши, лизинг хизматлари ҳажмининг иқтисодиёт тармоқлари ва вилоят ҳудудлари кесимидаги таркиби ҳамда унинг ЯҲМдаги ва асосий капиталга кирилган инвестициялардаги улуши каби вилоят иқтисодиёти учун муҳим бўлган, аммо олдин ҳисобланмаган кўрсаткичлар аниқланди ва тармоқни ривожлантиришга қаратилган тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

- Таҳлилларимизга кўра, республикаимиз ЛХБдан фарқли ўлароқ, Хоразм вилояти ЛХБда асосан қишлоқ хўжалиги техникалари сегменти етакчи ўрин тутди. Шу сабабли, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, четдан келтириладиган ускуналарнинг арзонлашувини инобатга олиб, лизинг имкониятларидан минтақа иқтисодиётининг sanoat, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам устувор равишда фойдаланиш, Хоразм вилоятида лизинг предметлари таркибини диверсификация қилиш вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

- Хоразм вилоятида КБХТни ривожлантиришда лизинг хизматлари-нинг ролини оширишнинг устувор йўналишлари, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти, бозор талаби ва экологик вазиятни ҳисобга олиб, КБХТни лизинг асосида ривожлантиришнинг истиқболли соҳалари аниқланди ва асосланди.

- Ишда Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида ЛХБни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили ўтказилган бўлиб, таҳлил натижасида лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришнинг кучли ва заиф томонлари ҳамда тармоқни ривожлантиришнинг имкониятлари ва таҳдидлари аниқланди.

- Минтақадаги асосий лизинг компанияси ҳисобланган “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК Хоразм вилоят филиали фаолиятини янада такомиллаштираш учун усуналарни ташиб келтириш, уларга техник хизмат кўрсатиш, суғурталаш, зарур эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, ускуналардан оқилона фойдаланишни мониторинг қилиш, ахборот таъминоти каби сервис хизматларини жорий қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва асосланди.

Ўйлаймизки, юқоридаги тавсиялар ва таклифларни амалиётда қўлланилиши, Республика ва унинг минтақалари қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда лизинг хизматларини ролини янада ошишига олиб келади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрдаги 723-ХII сон Қонуни билан тасдиқланган. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
- “Фуқаролик кодекси”. I-қисм, 1995 йил 21 декабр.
- “Фуқаролик кодекси”. II-қисм, 1996 йил 29 август.
- “Солиқ Кодекси” (янги таҳрири). 2008 йил 1 январ.
- “Божхона Кодекси”. 1998 йил 3 январ.
- “Ижара тўғрисида”. Қонун. 1991 йил 19 ноябр.
- “Лизинг тўғрисида”. Қонун. 1999 йил 14 апрел.
- “Инвестиция фаолияти тўғрисида”. Қонун. 24.12.1998 й.
- “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. Қонун. 2000 йил 25 май.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 6 апрелдаги № ПҚ-1317-сон Қарори (Илова № 1);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли банк кредитларининг улушини оширишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сон Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги

“Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3860-сон Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сон Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3122-сон Фармони;
- “Ўзбекистон Республикасини БМТ Халқаро институтининг Халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни (unidroit) унификациялаш бўйича Конвенциясига қўшилиш тўғрисида” ЎзР Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги 84-II-сон қарори.
- ЎзР банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (ЎзР АВ томонидан рўйхатга олинган 20.07.1999 й. N 776, тасдиқланган ЎзР Марказий банки 07.05.1999 й. N 327) – 1-бет.
- Қишлоқ хўжалигида лизинг хизматларини янада кенгайтириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида (ЎзР ВМ 18.06.2007 й. 123-сон қарори) – 6-бет.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон Қарори.
- “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг

шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” 2007 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 254-сон қарори.

- “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 24 апрелдаги 199-сон қарори.
- Лизинг хизматларини ўтказишда божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва божхона назоратини амалга ошириш Тартиби (ЎЗР ВМ 06.05.1998 й. 194-сонли қарорига 1-илова).
- “Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг” холдинг компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш Тартиби (ВМ 02.11.2000 й. 424-сон қарорига 1-илова).

### **III. Президент асарлари ва маърузалари**

- Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаси \ \ Халқ сўзи. 2012 йил, 22 январ. 2- бет.
- Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” номли маърузаси \ \ [www.parliament.gov.uz/uz/events/chamber/1766#karimov](http://www.parliament.gov.uz/uz/events/chamber/1766#karimov)

- Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган мажлисидаги маърузаси \\\ Туркистон. 2011 йил, 30 январ. № 11.3- бет.
- Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш-нинг энг муҳим устувор йўналишлари»га бағишланган мажлисидаги маърузаси \\\ Халқ сўзи. 2008 йил, 9-феврал. 2- бет.
- И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56-б.
- И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 173-бет.
- И.А.Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. – Тошкент: Ўзбекистон. 2005 й., 1-3-бетлар.
- И.А.Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 399-б.
- И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 127-бет.
- И.А.Каримов. “Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 8-бет.
- И.А.Каримов. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 267-б.

#### **IV. Илмий адабиётлар:**

- 4.1. Абдуллаев С.П., М.А. Абдурахмонов, А.Ф. Мўминов,  
З.Р.Ҳамидова. Лизинг бу нима? Т.: «O'zbekiston» НМИУ, 2006 й.
- 4.2. Газибеков Д.Г., Сабилов О.Ш. Лизинг и его развитие в Узбекистане. –  
Т.: Молия, 2001. – 132 с.
- 4.3. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. -Т.:  
Меҳнат, 2000.
- 4.4. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил. - Т.:  
Меҳнат, 2001. - 159-161-бетлар.
- Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. – СПб: Питер, 1999, с.127
  - Ансофф И. Стратегический менеджмент. - Москва: Юнити, 2001.-11 с.
  - Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Т.:  
Молия, 2003.
  - Авесто. Тошкент: Шарқ, 2001 й., 111-121-бетлар.
  - Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: 1991, 38-бет.
  - Алишер Навоий. Маҳбуб ул қулуб. Тошкент., 1993.
  - Амир Темур. Темур тузуклари. 67-98-бетлар
  - Бобур З.Н. Бобурнома. Тошкент., 1989 й.
  - Беркинов Б.Б. Касаначиликка асосланган кооперация. - Т.: ТДИУ, 2006.
- 4.14. Бусыгин А.В. Предпринимательство. - М.: ФиС, 2005. – 537 с.
- 4.15. Белых Н.Ю. Социально-экономическая политика и эффективное управ-  
ление развитием малого и среднего бизнеса. - М.: Юнити, 1998. – 83 с.
- 4.16. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. - Т.: Шарқ, 2002. 324-б.
- 4.17. Дўстжонов Т.Д., Салаев С.К. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув  
қўлланма. - Тошкент.: Иқтисодиёт-молия, 2006. – 320-б.
- 4.189. Йўлдошев Қ., Муфтайдинов Қ., Абдурахмонов В. Иқтисодий  
таълимотлар тарихи. Тошкент: Иқтисод-молия, 2006. – 70-бет.

- 4.19. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. и.ф.д., профессор Д.Ф. Ғозибеков умумий таҳрири остида. Т.: «Fan va texnologiya», 2004 й.
- 4.20. Лизинг в центральной Азии и Азербайджане. Международная Финансовая корпорация, IFC\ SECO 2007 г., апрель.
- 4.21. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. - Т.: ДЖҚА, 2001. – 141-б.
- 4.22. Мухтасар: (шариат қонунларига қисқача шарҳ). - Т.: Чўлпон, 1994. – 189-196-бетлар.
- 4.23. Набиев Э. Ф., Марпатов М. Д. Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти. – Т., «ЎАЖБНТ» Маркази. 2004. – 80-б.
- 4.24. Низом ул-Мулк. Сиёсатнома. Т., 1997.
- 4.25. Салаев С.К. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида КЎБ: муаммолар, таҳлиллар ва истиқболлар. – Т: Фан, 2002. – 128-б.
- Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш муаммолари: назария, амалиёт ва услубиёт.-Т.: Фан. 2007. – 274-б.
  - Стоянов Е.С., Штерн М.Г. Финансовый менеджмент для практиков. М.: Перспектива, 1998 г.
  - Ҳайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А., Тухсанов Х.А.. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби. - Т.: НОРМА, 2006. – 245-б.
  - Ҳадислар, 2-жилд. – Т., 1997.
  - Хелферт Э. Техника финансового анализа:/ Под ред. Белых П.П. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1996.
  - Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: Шарқ, 2006. – 386-б.
  - Қуръони карим. Тошкент: 1992.
  - Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. Т. 1991. – 63-86-бетлар

- Шодиев Х.А. Молия статистикаси. -Т.:Абу Али Ибн Сино. Дарслик.- 2002. – 296-б.
- Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. – Киев: МП "ИТЕМ" ЛТД, "Юнайтед Лондон Трейд Лимитед", 1995. - С.448. Л-408 с.
- Чекмарева Е.Н. Лизинговый бизнес. - М.: Экономика, 1994.
- Адамов Н., Тилов А. Лизинг: правовая сущность, экономические основы, учет и налогообложение. - СПб.: Питер, 2007.
- Горемыкин В.А. Лизинг: Учебник. - М.:”Дашков и К”, 2003.
- Горемыкин В.А. "Лизинг. Практическое пособие". - М.: ИНФРА-М, 1997.
- Газман В.Д. Лизинг: статистика развития. М: ГУ ВШЭ, 2008. – 591 с.
- Газман В.Д. Лизинг: теория, практика, комментарии.-М.: Фонд, 1997.
- Газман В.Д. Рынок лизинговых услуг. - М.: Фонд, 1999.
- Кабатова Е.В. Лизинг: правовое регулирование, международная унификация. - М.: ИНФРА-М, 1991.
- Ангелиди М.С., Газибеков Д.Г. Лизинговый кредит на технический прогресс. - Т.: Узинформагропром, 1991.
- Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов. Пер. с англ. - М.: ЗАО "Олимп - Бизнес", 1997. - 1120 с. Л 715-732 с.
- Букато В.И., Львов Ю.И. Банки и банковские операции в России. Под ред. М.Х.Лapidуса. - М.: ФиС, 1996. – 226-332 с.
- Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. - М.: Изд-во "Ось", 1996. – 128 с.
- Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ., со 2-го изд. -М.: "Дело Л т д ", 1995. - 768 с.: Л -173 с.
- Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ./ Гл. ред. серии Я. В. Соколов. - М.: ФиС, 1996. - 643 с.: Л-557-582 с.

#### **V. Диссертация ва авторефератлар:**

- Сабиров О.Ш. Современное состояние лизинговых отношений в Республике Узбекистан и основные направления их дальнейшего совершенствования: Дис ....канд. экон. наук. – Т.: БФА, 2001. – С. 156.
- Кемпирбаева Ч.С. Использование лизинга в развитии сельскохозяйственного производства в переходной экономике (на примере агропромышленного комплекса Кыргызской Республики): Автореф. дис ....канд. экон. наук. – Бишкек, 2005. – 27 б.
- Хазраткулов О.Т. Лизинг муносабатлари ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Дис.... юридик фан. номзоди. – Тошкент, 2006. – 150 б.

#### **VI. Статистик маълумотлар, тўпламлар ва ҳисоботлар:**

- Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане. Ассоциация Лизингодателей Узбекистана. Ташкент. 2000-2010 гг. \ \ [www.ula.uz](http://www.ula.uz)
- Ўзбекистон Республикаси ДСҚнинг ҳисобот тўпламлари. 2010-2010 йй.
- Основные показатели развития МБЧП Республики Узбекистан за 1999-2009 гг. Госкомстат РУ. Статистический бюллетень. Т.ГКС. 2000-2010 гг.

#### **VII. Журнал ва газеталар, конференция материаллари:**

- Жумаев Н., Бикбаева Г. Лизинговые предпочтения // ЭО, 2007, №4. - С. 70-73.
- Интервью с Хашимовым З. Развитие лизинговых услуг: тенденции, проблемы, перспективы. // ЭО, 2003, сентябрь, №9. - С. 27-28.
- Екатеринина А. Лизинг – это реально. // Журнал налогоплательщика, 2007, июль, №1. - С. 34-35.
- Кутбиддинов А. Лизинг – современный метод приобретения. // Журнал налогоплательщика, 2007, апрель, №2. - С. 25-26.
- Трынин Д.И. Особенности лизинга в промышленно-развитых странах. // М.: Ж. Финансовый менеджмент, 2004, №3. – С. 28-30.

- Йўлдошев Қ.Ибн Синонинг иқтисодий қарашлари. – Андижоннома,1998.
- Клепач А., Яковлев А. О роли крупного бизнеса в современной российской экономике // Вопросы экономики. – Москва. 2004. - №8. -С. 36-45.
- Мильне Б. Крупные структуры –“локомотивы” экономики // Вопросы экономики. – Москва. 2000. - № 2. - С. 141-146.
- Салаев С.К. и другие. Особенности и преимущества лизинговых партнёрских отношений субъектов малого бизнеса на автотранспорте. // Журнал налогоплательщика, 2007, апрель, №2. - С. 24-25.
- Салаев Ж.К. Аграр соҳани модернизация қилиш шароитида Хоразм вилоятида лизинг хизматларини ривожланиши хусусиятлари // Илм сарчашмалари, 2012, май, №5. - С. 11-14.

### **VIII. Интернет тармоғи веб-сайтлари ва манзиллари:**

- 8.1. [http:// www.stat.uz/](http://www.stat.uz/) – Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси.
- 8.2. [http:// www.antimon.uz/](http://www.antimon.uz/) – Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси.
- 8.3. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки./** – Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси.
- 8.4. <http://www.ceep.uz/> – «Ўзбекистон иқтисодиёти» таҳлилий шарҳ.
- 8.5. <http://www.uzagroleasing.uz/> – “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК.
- 8.6. [http:// www.all-leasing.ru/](http://www.all-leasing.ru/) — Интеррослизинг.

# ИЛОВАЛАР

1-илова

## Жаҳон лизинг хизматлари ривожланиши босқичларининг ўзига хос хусусиятлари

Лизинг хизматлари бозори ривожланиш босқичлари	Фарқланувчи хусусиятлари
Ижара	Шартнома муддати 12 ойдан кам, муддат тугагандан кейин мулкни қайтариш
Оддий молиявий лизинг	Заиф ҳуқуқий замин, кам сондаги компаниялар сони, лизингнинг бевосита кредитлаш билан рақобати
Эгилувчан/креатив молиявий лизинг	Лизинг хизматлари бозорида рақобатнинг пайдо бўлиши, лизинг тўловларини якка тартибда тузиш ҳисобига битимларнинг мураккаблашуви, лизинг хизматлари турининг кўпайиши ва тармоққа сервиснинг кириб келиши
Оператив лизинг	Тўлиқ сервисли лизинг, лизингга берилувчи асбоб-ускуналар иккиламчи бозорининг шаклланиши
Инновацион лизинг	Битимларга мураккаб молиявий воситаларнинг жалб этилиши эвазига шартномаларнинг қийинлашуви
Тўйинган лизинг бозори	Лизинг хизматлари ҳажмларининг йириклашуви, бозордаги қатъий рақобат ҳисобига лизинг хизматлари фойдалилигининг камайиши

4-илова

## 2006-2007 йилларда Италияда лизинг таркиби

Лизингга бериладиган мулк турлари	Ялпи тузилган лизинг шартномалари қиймати, млн.евро	Янги тузилган лизинг шартномалари сони	Янги тузилган лизинг шартномаларининг баҳоси, млн.евро
-----------------------------------	---	--	--

	2006	2007	фоиз	2006	2007	фоиз	2006	2007
автотранспорт воситалари	8894	9171	3,1	257723	250982	-2,6	34,5	36,5
куналари	11425	12786	11,9	160590	179102	11,5	71,1	71,4
авиатранспорт, кемалар ва темир йўл транспорти	2004	2599	29,7	3608	4354	20,7	555,4	596,9
Жами:	22323	24566	10	421921	434438	3	52,9	56,5
Кўчмас мулк (бино ва шифтлар)	21967	23554	7,2	20160	18607	-7,7	1089,6	1265,9
Жами:	44290	48110	8,6	442081	453045	2,5	100,2	106,2

\*Манба: allleasing.ru маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

### 2003-2007 йилларда Италияда ЯИМ ва инвестицияларнинг лизинг сифими, фоизларда

Кўрсаткичлар	2003	2004	2005	2006
ЯИМда лизингнинг солиштирма улуши	2,9	2,4	2,7	3,1
Асосий фондларга инвестицияларда лизингнинг солиштирма улуши, жами	14,0	11,9	13,4	15,1
Машина ва жиҳозларга инвестицияларда лизингнинг солиштирма улуши, жами	10,7	8,8	9,7	9,9
Автомобил воситаларига инвестицияларда (автотранспорт, авиатранспорт, кема, темир йўл транспорти) лизингнинг солиштирма улуши	28,2	28,1	30,8	32,4
Кўчмас мулкка инвестицияларда (бино ва шифтлар) лизингнинг солиштирма улуши	14,4	10,6	11,3	13,6

Манба: allleasing.ru маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

### 5-илова

#### 2007 йилда Франциянинг етакчи лизинг берувчилари

	Европадаги ялпи бизнес хажми, млн.евро	Европадаги лизинг портфели, млн.евро	Ялпи шартномалар сони	Ўртача битта лизинг шартномаси баҳоси млн.евро
SG Equipment Finance	8917,418	18020,269	130631	68,3
BNP Paribas Lease Group	8312,908	20255,721	250083	33,2
Credit Agricole Leasing	3766,805	11831,198	69383	54,3
RCI Banque	3277,518	5132,496	218632	15
Arval	2955,02	5952,315	172147	17,2

NATIXIS Lease	1968,32	6204	17481	112,6
Жами:	29197,989	67395,999	858357	34

\*Манба: allleasing.ru маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

## 5а-илова

### 2007 йилда Италиянинг етакчи лизинг берувчилари

	Ялпи бизнес ҳажми, млн.евро	Портфел ҳажми млн.евро
UniCredit Global Leasing	11029,771	25409,332
Gruppo Bancario Banca Italease	9289,192	14894,353
Intesa Leasing S.p.a.	3520,22	8850,827
Banca Agrileasing S.p.a.	2706,6	6350,767
Gruppo Capitalia (FINECO Leasing S.p.a. e MCC S.p.a.)	2202,128	8005,381
Gruppo Selmabipiemme Leasing S.p.a.	1551,85	3813,949
SBS Leasing S.p.A.	1381,289	3602,65
Centro Leasing Banca S.p.A.	1256,839	3222,944
BPU Esaleasing S.p.A.	1169,149	3415,815
MPS Leasing e Factoring SpA	1153,792	3670,626
Жами:	35260,83	81236,644

\*Манба: allleasing.ru маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

## 6-илова

### Айрим ривожланган давлатлар лизинг хизматлари бозорининг қийёсий

#### ТАҲЛИЛИ

№	МЕЗОН	ЛИЗИНГ ТУРЛАРИ				Оператив
		АҚШ		БУЮК БРИТАНИЯ		
		Оператив	Капитал	Молиявий	Сотиб олиш ҳуқуқи билан ижара Hire Purchase	
1.	Шартнома муддати тугагандан кейин мулкчилик ҳуқуқининг ўтиши	Йўқ	Бор	Йўқ	Лизинг	Йўқ
2.	Лизинг битими муддати	Технологиянинг фойдали хизмат кўрсатиш муддатининг 75 фоизидан кўп бўлмаган давр	-	-	-	-

3.	Лизингга берувчи томонидан технологиянинг дастлабки харид қилиш баҳоси	Кўзда тутилмаган	Шартномада кўрсатилган	-	-	-
4.	Лизинг тўловлари миқдори	Технологиянинг бозор баҳосининг 90 фоиз идан кўп эмас	-	Технологиянинг бозор баҳосининг 90 фоиз идан кам эмас		
5.	Лизинг предмети ҳисоби хусусиятлари	Лизингга берувчи балансида ҳисобга олинади; лизингга олувчининг балансида ташқарида туради	Лизингга олувчи балансида туради	Лизингга олувчи балансида туради	Лизингга олувчи балансида туради	Лизингга берувчи балансида ҳисобга олинади; лизингга олувчининг балансида ташқарида туради

## МДХ айрим мамлакатларида лизинг хизматларининг қийёсий таҳлили

№	Мамлакат	2009 йили ЛО ҳажми млн. АҚШ доллари	Лизинг фаолияти билан шуғулланадага н институтлар	Энг кўп ЛО амалга ошириладиган соҳа	Лизинг муддати	Л мин ма қийм
1.	Озарбайжон	71	12	Курилиш, транспорт, саноат	1-8 йил асосан 3 йил	1
2.	Қирғизистон	1,3	6	Ишлаб чиқариш хўжаликлари, қишлоқ хўжалик техникаси	3-6 йил асосан 3 йил	
3.	Тожикистон	1,7	4	Озиқ-овқат ва енгил саноат	3 йилгача	
4.	Украина	438,4	106	Қайта ишлаш, қазиб олиш, озиқ-овқат саноати ускуналари, транспорт	3 йилгача	1
5.	Россия	5000,9	200	оғир саноат, озиқ-овқат саноати ускуналари, транспорт	2-5 йил	1
6.	Ўзбекистон	107,6	86	Кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик техникаси, юк ва йўловчи автотранспорти, қурилиш, озиқ-овқат ва енгил саноати	3-7 йил Асосан 3 йилгача	1

Лизинг в центральной Азии и Азербайджане. Международная Финансовая корпорация, IFC\SECO 2007 г., апрель. – С.186;  
<http://www.all-leasing.ru>

### Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда амал қилиб турган КБХТ субъектларининг гуруҳланиши\*

Тармоқ йўналиши	1992 йил 26 февралдаги иловага биноан	1995 йил 21 декабрдаги қонунга биноан	1998 йил 9 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан			2 Респ
			Микрофирма	Кичик корхона	Ўрта корхона	
Саноат				40 кишигача	40дан 100 кишигача	Я тадб
Курилиш	200 кишигача	50 кишигача	10 кишигача	20 кишигача	20дан 100 кишигача	

<i>Кишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари</i> <i>Улгуржи савдо</i>	50 кишигача	25 кишигача	5 кишигача	10 кишигача	2030 кишигача	
<i>Чакана савдо</i>	15 кишигача	5 кишигача			100 кишигача	1020 кишигача
<i>Фан ва илмий хизмат кўрсатиш</i> <i>Ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари</i>	25 кишигача	10 кишигача				

\* Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. Т.: ФАН, 2007, 29-бет.

## 10-илова

### 2006-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорида иқтисодиёт тармоқларида лизингга берилган мол-мулклари бўйича тузилган битимларнинг умумий қийматлари улуши динамикаси, (млн. АҚШ долларларида)

Тармоқлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2010 йил	2010 йилда 2006 йилга нисбатан, % да
Енгил саноат	5,6	6,4	6,8	5	89,2
Озик овқат саноати	2,6	3,8	6,7	10,5	4,0 м
Полиграфия	3,6	1	3,8	2,8	77,7
Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	5,9	17,8	22,2	19	3,2 м
Бошқа ишлаб чиқариш ускуналари	0,2	0,3	0,7	0,6	3,0 м
Савдо	0,6	0,05	0,79	0,5	83,3


Тиббиёт	0,9	1,8	2	5,6	6,2 м
Компьютер ва АКТлар	1	0,5	1,2	2,4	2,4 м
Қишлоқ хўжалик техникаси	61,3	61,1	101,1	46,8	76,3
Юк транспорти	1,7	6,4	17,7	38	22,3 м
Йўловчи транспорти	7,1	29,4	46,6	44,3	6,2
Кўчмас мулк, мулк мажмуи	8,9	16	36,2	56,2	6,3 м
Бошқа ускуналар	8,2	25,1	20,4	42,6	5,2 м

**2006-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорида  
иқтисодиёт тармоқларида лизингга берилган  
мол-мулклари бўйича тузилган ҳар бир битимнинг  
қийматларини ўзгариш динамикаси,  
(минг АҚШ долларда)**

<b>Тармоқлар</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2009</b>
Енгил саноат	147,4	70,3	136,0	61,0
Озик овқат саноати	96,3	74,5	68,4	76,1
Полиграфия	120,0	45,5	92,7	73,7
Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	120,4	152,1	129,8	71,4
Бошқа ишлаб чиқариш ускуналари	40,0	50,0	233,3	200,0
Савдо	60,0	16,7	87,8	3,2
Тиббиёт	33,3	46,2	57,1	98,2
Компьютер ва АКТлар	35,7	10,0	38,7	50,0
Қишлоқ хўжалик техникаси	12,2	16,0	25,8	12,4
Йўловчи транспорти	25,9	41,9	45,4	82,0
Кўчмас мулк, мулк мажмуи	181,6	238,8	369,4	432,3
Бошқа ускуналар	174,5	285,2	81,9	74,1







**2010 йилда Хоразм вилояти ҳудудларини лизинг хизматларининг  
ривожланганлиги бўйича гуруҳлаш**

<b>ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ ИНДЕКСИ (LXS<sub>RDI</sub>)</b>
<b>1. LXS<sub>RDI</sub> паст даражада бўлган ҳудудлар: 0 - 0,09 гача</b> <i>Шовот (0,038), Янгиариқ (0,041), Янгибозор (0,042)</i>
<b>2. LXS<sub>RDI</sub> ўрта даражада бўлган ҳудудлар: 0,10 - 0,19 гача</b> <i>Хива (0,063), Урганч (0,072), Урганч ш. (0,081), Қўшқўпир (0,085), Хонқа (0,135)</i>
<b>3. LXS<sub>RDI</sub> юқори даражада бўлган ҳудудлар: 0,20 - 0,32 гача</b> <i>Богот (0,116), Ҳазорасп (0,117), Гурлан (0,211)</i>

**19а-илова**

**2010 йилда Хоразм вилояти ҳудудларини лизинг хизматларининг  
ривожланганлиги бўйича гуруҳлаш**  
(аҳоли жон бошига нисбатан)

<b>ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ ИНДЕКСИ (LXS<sub>RDI</sub>)</b>
<b>1. LXS<sub>RDI</sub> паст даражада бўлган ҳудудлар: 0 – 2,7 гача</b> <i>Шовот (1,6), Хива (1,9), Янгиариқ (2,6), Урганч (2,6),</i>
<b>2. LXS<sub>RDI</sub> ўрта даражада бўлган ҳудудлар: 2,8 - 5,4 гача</b> <i>Ҳазорасп (3,3), Урганч ш. (3,4), Янгибозор (3,4), Қўшқўпир (3,5), Богот (5,1), Хонқа (5,1)</i>
<b>3. LXS<sub>RDI</sub> юқори даражада бўлган ҳудудлар: 5,5 - 9,8 гача</b> <i>Гурлан (9,8)</i>

**Хоразм вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни  
ривожлантиришда лизинг хизматлари ҳамда бозорининг ролини ўрганиш  
бўйича**

**Сўровнома<sup>1</sup>**

(лизинг берувчи банклар учун)

- Банкнинг тўлиқ номи: \_\_\_\_\_
- Исми-шарифингиз: \_\_\_\_\_
- Эгаллаган лавозимингиз: \_\_\_\_\_
- Банкингизда лизинг хизмати нечанчи йилдан бошлаб кўрсатилмоқда: \_\_\_\_\_
- Лизинг хизмати қайси тоифадаги тадбиркорлик субъектларига кўрсатилади:
  - Кичик бизнес субъектларига
  - Йирик бизнес субъектларига
  - Чекланмаган
- Қандай турдаги лизинг хизматлари амалга оширилади:
  - Молиявий лизинг
  - Микролизинг (энг кам иш ҳаққининг икки минг баробаригача)
  - Иккаласи билан ҳам
- Ўтган йиллар давомида банкингизнинг лизинг фаолияти билан боғлиқ қуйидаги маълумотларини тақдим қилишингизни сўраймиз:
  - А)** Банкнинг лизинг фаолияти давомида кўрсатган жами лизинг хизматлари ҳажми (хар бир йил учун сумма ва натура кўринишида);
  - Б)** Кўрсатилган лизинг хизматларининг вилоят ҳудудлари бўйича тақсимланиши (хар бир йил учун сумма ва натура кўринишида);
  - В)** Кўрсатилган лизинг хизматларининг тадбиркорлик субъектлари тоифалари бўйича тақсимланиши (хар бир йил учун сумма ва натура кўринишида);
  - Г)** Кўрсатилган лизинг хизматларининг лизинг турига қараб тақсимланиши (хар бир йил учун сумма ва натура кўринишида);
  - Д)** Лизинг хизматлари ҳажмининг жами кредит портфелидаги ҳиссаси  
(*Изоҳ: Еттинчи савол бўйича маълумотлар электрон вариантда тақдим қилинади.*)
- Сизнинг фикрингизча ташкилотингиз учун **кредит** бериш даромадлироқми ёки **лизингми**? Нима учун? (Энг афзал томонларини санаб ўтинг).  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
- Махсулотингизни қай тарзда тарғиб этасиз? \_\_\_\_\_
- Ташкилотингизда лизинг хизматининг янада кенгайишига сизнинг назарингизда қандай омиллар тўсқинлик қилмоқда? (Энг муҳимидан бошлаб санаб ўтинг).  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

- Лизинг хизматларини амалга ошириш бўйича махсус курсларда малака оширганмисиз? \_\_\_\_\_

## Хоразм вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда лизинг хизматлари ҳамда бозорининг ролини ўрганиш бўйича

### Сўровнома<sup>2</sup> (лизинг берувчи компаниялар учун)

- Компаниянинг тўлиқ номи: \_\_\_\_\_
- Исми-шарифингиз: \_\_\_\_\_
- Эгаллаган лавозимингиз: \_\_\_\_\_
- Компанияда лизинг хизмати нечанчи йилдан бошлаб кўрсатилмоқда: \_\_\_\_\_
- Лизинг хизмати қайси тоифадаги тадбиркорлик субъектларига кўрсатилади.
  - Кичик бизнес субъектларига
  - Йирик бизнес субъектларига
  - Чекланмаган
- Қандай турдаги лизинг хизматлари амалга оширилади:
  - Молиявий лизинг
  - Микролизинг (энг кам иш ҳаққининг икки минг баробаригача)
  - Иккаласи билан ҳам
- Ўтган йиллар давомида банкингизнинг лизинг фаолияти билан боғлиқ қуйидаги маълумотларини тақдим қилишингизни сўраймиз:
  - А) Банкнинг лизинг фаолияти давомида кўрсатган жами лизинг хизматлари ҳажми (хар бир йил учун сумма ва натура кўринишида);
  - Б) Кўрсатилган лизинг хизматларининг вилоят ҳудудлари бўйича тақсимланиши (хар бир йил учун сумма ва натура кўринишида);
  - В) Кўрсатилган лизинг хизматларининг тадбиркорлик субъектлари тоифалари бўйича тақсимланиши (хар бир йил учун сумма ва натура кўринишида);
  - Г) Кўрсатилган лизинг хизматларининг лизинг турига қараб тақсимланиши (хар бир йил учун сумма ва натура кўринишида);
  - Д) Лизинг хизматлари ҳажмининг жами кредит портфелидаги ҳиссаси  
(Изоҳ: **Еттинчи савол бўйича маълумотлар электрон вариантда тақдим қилинади.**)
- Махсулотингизни қай тарзда тарғиб этасиз? \_\_\_\_\_
- Ташкилотингизда лизинг хизматининг янада кенгайтишига сизнинг назарингизда қандай омиллар тўсқинлик қилмоқда? (Энг муҳимидан бошлаб санаб ўтинг).  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
- Лизинг хизматларини амалга ошириш бўйича маҳсус курсларда малака оширганмисиз?  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_